

83,3(543)
к.71

ДИЛРАБО ҚУВВАТОВА

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ
ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИДА ЖАНР ВА
УСЛУБ РАНГ-БАРАНГЛИГИ**



FF0000017926

«Фан»

Ўз)

83.3(513)
K71

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ДИЛРАБО ҚУВВАТОВА

**XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК
ПОЭМАЧИЛИГИДА ЖАНР ВА
УСЛУБ РАНГ-БАРАНГЛИГИ**

15938

ALISEER NAVOIY NOMIDAGI
ToshDO'TAN
AXBOROT-RESURS MARKAZI

~~У-7669/3~~

~~Ўзбекистон адабиёт
кутубхонаси~~



Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
«Фан» нашриёти
Тошкент – 2010

УДК 821.512.133-1

ББК 83.3 (5Ў) 6

Қ 71

Монографияда XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигидаги жанрий-услубий изланишлар, ушбу давр ўзбек поэмачилигининг тараққиёт йўналишлари хусусида фикр юритилган. Шунингдек, унда фольклор сюжетлари, образлари ва мотивларидан фойдаланиш борасидаги тажрибалар кейинги йиллар ўзбек поэмалари бадий структурасини бойитганлиги, миллий руҳни кучайтиришга хизмат қилганлиги муайян назарий масалалар асосида ёритилган. Адабий жараённинг етакчи тамойилларини назарий умумлаштириш, шоирларнинг бадий маҳоратини кўрсатиш асосида лиро-эпик жанрдаги бадий-эстетик изланишлар қиёсий-типологик йўсинда ўрганилган.

Китоб адабиётшунос олимлар, олий ўқув юр்தларининг ўзбек филологияси факультетларида таълим олаётган талабалар ҳамда адабиётшунослик йўналиши бўйича илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи ва аспирантларга мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

Н. РАҲИМЖОНОВ,

филология фанлари доктори

Тақризчилар:

О. САФАРОВ,

филология фанлари доктори, профессор

Ҳ. КАРИМОВ,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-19-076-4

© Ўзбекистон Республикаси ФА
«Фан» нашриёти, 2010 йил

*Ушбу китобимни эҳтиром билан
муносибона равишда Руқия Сайфулло
қизининг қутлуғ 70 йиллигига
бағишлайман*

КИРИШ

Жаҳон адабиёти тарихининг кейинги бир-икки юз йиллигига назар солинса, поэма жанридаги асарлар бадиий-эстетик тафаккур такомиллида муҳим ўрин эгаллаганлиги кузатилади. Гёте, Байрон, Нозим Ҳикмат, Александр Блок, Сергей Есенин, Владимир Маяковский, Александр Твардовский, Владимир Луговской, Евгений Евтушенко, Андрей Вознесенский, Юстинас Марцинкявичюс, Мустай Карим, Давид Қуғултинов, Ўлжас Сулаймон, Мўмин Қаноат, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев каби шоирлар бу жанрнинг бадиий гўзал намуналарини яратдилар.

XX аср бошларида ўзбек адабиётида бармоқ тизимига асосланган янги типдаги поэма жанри шаклланиб, ўзига хос тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг бадиий такомиллида Фитрат, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Ғайратий, Усмон Носир, Элбек, Султон Жўра, Ҳасан Пўлат ва бошқа шоирларнинг хизматлари катта бўлди.

Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярмида поэмачилик алоҳида мавқе касб этди. Бу даврда яратилган поэмалар ғоявий-бадиий жиҳатдан юксаклиги билан эътиборни тортади. Улар поэманинг хилма-хил жанр кўринишлари сифатида намоён бўлди. Хусусан, Миртемирнинг “Сурат”, Зулфиянинг “Қуёшли қалам”, “Ҳотирам синиқлари”, Асқад Мухторнинг “Мангуликка дахлдор”, “Дол қоя”, Мирмуҳсиннинг “Невара”, “Авесто”, “Широк”, А.Ориповнинг “Ҳақим ва ажал”, “Жаннатга йўл”, “Ранжом”, Э.Воҳидовнинг “Нидо”, “Рухлар исёни”, “Орзу чашмаси”, О.Магжоннинг “Ғаплашадиган вақтлар”, “Беруний”, “Паҳлавон Маҳмуд”, “Ҳаққуш қичқириғи”, “Минг бир ёғду”, Ж.Камолнинг “Армон”, “Тош тугён”, шунингдек, Ҳ.Шариповнинг “Боғқўча болалари”, “Қилмиш-қидирмиш”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, У.Азимнинг “Халил Султон”, М.Юсуфнинг “Кўҳна кудук”, “Қора қуёш”, О.Ҳожиевнинг “Нажот”, А.Суюннинг “Сарбадорлар”, “Бешбармоқ”, “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Узоқлашаётган оғриқ”, “Тағаззул”, С.Саййиднинг “80-йиллар”, “Тўполондарё билан хайрлашув”, Қ.Раҳимбоевнинг “Қишнинг охирлари”, “Тавба”, А.Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғат”, Фахриёрнинг “Ёзиқ” сингари поэмалари бу жиҳатдан ажралиб туради.

Лирик, лиро-эпик, драматик, фалсафий-драматик, тарихий поэмалар, қасида-поэма, масал-поэма, эртак-поэма, марсия-поэма, бахшиёна-достон, достон-хроника кўринишидаги бундай поэмаларда халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, ғам-ташвишлари, эрк ва мустақиллик ҳақидаги орзу-интилишлари, ўй-кечинмалари ўзига хос бадиий ифода этилган. Улар ўта халқчиллиги, миллийлиги билан ажралиб туради. Фольклоризмлар поэмалар табиатидаги мазкур жиҳатларни белгиловчи муҳим омиллар сирасидандир. XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган ўзбек поэмаларида ижодкорлар жамият тараққиётида юз берган қатор ижтимоий-сиёсий, тарихий ўзгаришлар: шўро салтанитининг емирилиши, халқимизнинг мустақилликка, эрка интилишини, олис ўтмиши ва буюк сиймолари ҳаёти ҳамда тақдирини жонли лавҳаларда акс эттирдилар. Мазкур бадиий-эстетик тажрибани, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, илмий-назарий жиҳатдан умумлаштириш муҳим масалалардан биридир.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги муайян тизимни ташкил этади. Уларда, аввало, лирик ва эпик ифодага хос жиҳатларнинг уйғунлашувини, халқ оғзаки ижоди ва жаҳон поэмачилиги бадиий-эстетик тажрибаларига таяниш ҳолатларини кузатиш мумкин. Шу маънода давр поэмачилигининг ўзига хос жанр системасини, табиатини, тадрижий тақомилани ва бадииятини муайян назарий масалаларга боғлиқ ҳолда ўрганиш ғоятда долзарб вазифа саналади.

Дарҳақиқат, лиро-эпик турга мансуб поэма намуналари ўзининг мавзуий ва шаклий хусусиятларига кўра кўплаб жанр кўринишларига эга. Шу жиҳатига асосланиб, уни жаҳон адабиётшунослиги илмидаги каби яхлит тизим сифатида тадқиқ қилиш тақозо этилади. Ўзбек адабиётида поэма жанри тадрижий тараққиёт йўлини босиб ўтди. Унинг бадиий тақомилида турли омиллар таъсирини кузатиш мумкин. Шуни инобатга олиб, поэма жанрининг турли йиллардаги тараққиёт омилларини, бир-биридан фарқланувчи қаҳрамонларини, тасвир ва бадиий талқин йўсинларини алоҳида ўрганиш зарур. XX асрнинг иккинчи ярми поэмачилигига, аввало, фольклор асарлари ва Шарқ мумтоз адабиётининг ҳаётбахш анъаналари самарали таъсир кўрсатди. Хусусан, халқ оғзаки ижодининг миф, эртак, афсона, ривоят, нақл, достон, мақол, қўшиқ каби жанрлари барча даврларда ғоявий ва шаклий жиҳатдан ёзма адабиёт ривожига хизмат қилиб келган. Бу жанрларга хос хусусиятларни шакл ва мазмун жиҳатидан асар матнига сингдириш ҳамда уларга хос анъанавий эпик образлар ва мотивларни замонавий ғояларга ҳамоҳанг тарзда қўллаш муайян поэтик анъана тусини олган. Хусусан, поэмачиликда бу ҳолат ёрқин кузатилади.

А.Карпов, В.С.Кубилос, И.Кирпель, В.П.Киканс, М.Числов, В.Велиев, В.Асрорий сингари рус ва қардош халқлар адабиётшуносларининг

тадқиқотларида фольклор ва бадий адабиёт алоқалари поэма жанридаги асарлар мисолида ўрганилган¹. Бинобарин, рус олими А.Карпов С.Есенин поэмаларини ўрганиш жараёнида бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратади. Бу шоир поэмалари таркибида рус халқ қўшиқлари (частушкалар)нинг киритилиши билан боғлиқ. Олимнинг ёзишича, поэмада халқ анъанавий қўшиқлари (частушкалар)дан фойдаланиш халқнинг борлиқни англаши ва акс эттиришида, ҳис қилишида муҳим восита бўлиб хизмат қилади². Литвалик адабиётшунос В.П.Киканс эса В.Луговскойнинг “Аср ўртаси”, О.Чиладзенинг “Муҳаббат ҳақида дoston”, П.Боцнинг “Туганмас томчи ҳақида баллада” дostonлари хусусида фикр юритар экан, уларда ўтмишга, миф ва афсоналарга мурожаат этиш муайян анъанага айланганлигини алоҳида таъкидлайди. Ёхуд олим фольклор материали уруш йиллари поэмалари фабуласини бойитганлигини асослайди, фольклор анъаналари поэмаларда чуқур ўрин эгаллаб, халқнинг куч-қудрати билан баҳодирлиги эпик тимсоллар воситасида тасвирлаб берилганлигини айтади³.

Рус адабиётшуноси М.Числовнинг фикрига кўра, поэма сюжетига киритилган фольклор персонажлари, биринчидан, ўзига хос эпик белгиларини йўқотмайди. Иккинчидан, улар орқали воқелиқни маконий ва замоний кенгликда тасвирлаш имконияти пайдо бўлади⁴. Чунки фольклор персонажлари анъанавийлиги, инсоният бадий тафаккурининг тадрижий босқичларига хос хусусиятларни ўзида умумлаштирганлиги, эпик тасвир қонуниятларига бўйсундирилганлиги билан эътиборни тортади.

Озарбойжон адабиётшуноси В.Велиев Самад Вурғун ижодида қўлланилган фольклоризмларнинг роли ва аҳамиятини назарий умумлаштириб, шундай хулосага келади: “Самад Вурғун поэзиясининг кучли томони шундаки, у халқ мақол ва маталларидан ўз асарларида ўринли фойдалана билган. Бу эса ўзига хос табиийлик – оддийликни юзага келтириш билан бир қаторда асарнинг ғоявий мазмунини, образлар моҳиятини чуқур очишга хизмат қилган”⁵. Литвалик адабиётшунос В.Кубильюс Ю.Марцинкявичюс поэмалари ҳақида фикр юритар экан, “Девор” асарида қадимги мавжудот-

¹Карпов А. Русская советская поэма. Москва: Художественная литература, 1989; Кубильюс В.С. Современная литовская поэзия. Москва: Знание, 1969; Кирпель И. Лирический герой современной поэмы. Киев: Радянський письменник, 1977; Киканс В.П. Современная советская поэма. Рига: Знание, 1982; Числов М. Время зрелости – пора поэмы. Москва: Советский писатель, 1986; Велиев В.А. Поэмы Самеда Вургун. АКД. Баку, 1958; Асрорӣ В. Адабиёт ва фольклор. Душанбе: Ирфон, 1967.

²Карпов А. Русская советская поэма. Москва: Художественная литература, 1989. С.114.

³Киканс В.П. Современная советская поэма. Рига: Знание, 1982. С.188.

⁴Числов М. Время зрелости – пора поэмы. Москва: Советский писатель, 1986. С.55.

⁵Велиев В.А. Поэмы Самеда Вургун. АКД. Баку, 1958. С.10.

лар образларига (жумладан, Динозавр) ни олиб кириш асосида рамзийликни ифодалаганлиги ва шу тариқа ёвузлик моҳиятини очишга интиланлигини ёзади¹. Тожик адабиётшуноси В.Асрорий А.Лохутий дostonларида қўлланган афсоналар, ривоятлар, халқ кўшикларининг бадиий вазифаларини таҳлил этган². Демак, фольклор асарлари, улардаги образлар, мотивлардан фойдаланиш рус ва қардош халқлар поэмачилигида ҳам адабий аънага айланган.

Ўзбек адабиётшунослигида ХХ асрнинг иккинчи ярмида яратилган поэмаларнинг жанр тарихи ва назарияси хусусида О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Раҳимжонов, И.Тўлаков, М.Мирзаев, Т.Абдуқулов, Ш.Ҳасанов³ каби адабиётшуносларимиз тадқиқотларида поэмаларда жанр динамикаси, ҳаёт материали ва бадиий идрок, қаҳрамон ва ижтимоий воқелик, олис ўтмиш ва буюк аجدларимиз тақдири, сюжет ва композиция, болалар поэмачилиги ва фольклор сингари масалаларга муносабат билдирилган. Бадиий адабиётда фольклоризмларнинг қўлланилиш ҳодисаси Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, И.Ёрматов, М.Амилова, С.Мирзаева, Л.Шарипова сингари олимлар томонидан ҳам алоҳида ўрганилган⁴. Адабиётшунос Б.Саримсоқов фольклоризмлар типологиясини атрофлича тадқиқ этган бўлса, Ғ.Мўминов, С.Мирзаева, Л.Шарипова ишларида поэмачиликда фольклор асарларига тобора кенгрок мурожаат этилаётганлигига эътибор қаратилган. Бинобарин, адабиётшунос Ғ.Мўминов ўз тадқиқотида Миртемир, Т.Тўла, Р.Бобожон, С.Зуннунова,

¹Кубильюс В. Современная литовская поэзия. Москва: Знание, 1969. С.16.

²Асрорий В. Адабиёт ва фольклор. Душанбе: Ирфон, 1967. С. 196-252.

³Шарафиддинов О. Замон. Қалб. Поэзия. Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1962. 231-б.; Раҳимджанов Н. Лирическая поэма (на основе материалов узбекской поэзии 1961-1973 гг.). АКД. Ташкент, 1975; Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. Тошкент, 1986. 173-б.; Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. Тошкент: Фан, 2007. 259-б.; Тулаков И. Поэтические традиции и характер героя в узбекской советской поэме. АКД. Ташкент, 1981; Ҳасанов Ш. Замонавий дoston поэтикаси. Самарқанд, 2001.142-б.

⁴Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // ЎТА, 1980, 4-сон. 37-45-б.; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек дostonчилигида услубий изланишлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тошкент: Фан, 1983. 134-154-б.; Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тараққиётида фольклорнинг ўрни. Тошкент: Фан, 1985. 126-б.; Ярматов И.Т. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов). Автореф. на соиск. канд.фил.наук. Ташкент, 1985. С.23; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари. Тошкент: Фан, 1990. 121-б.; Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. Тошкент: Истиқлол, 2005; Шарипова Л. 80-90 йиллар ўзбек шеърлятида фольклоризмлар. НД. Тошкент, 2009. 154-б.

Шукрулло, Т.Сулаймон каби шоирларнинг поэмаларини, С.Мирзаева эса А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, О.Матжоннинг “Ҳаққуш қичқириғи” достонларини, Л.Шарипова У.Азимнинг “Бахшиёна”, О.Ҳожиеванинг “Болалик”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони” поэмаларини худди шу нуқтаи назардан талқин ва тадқиқ этган. И.Ёрматов 60-80 йиллар ўзбек адабиётида фольклоризмларнинг қўлланилишини нарий ва шеърий асарлар мисолида ўрганган. Н.Раҳимжонов эртак-поэма жанрининг хос белгиларини Шукрулло, Ҳ.Шарипов, Э.Воҳидов, О.Матжон, М.Али каби шоирларнинг поэмалари таҳлили жараёнида асослаб берган¹. Ш.Ҳасанов Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, “Орзу чашмаси” достонидаги ривоятлар, Фахриёрнинг “Ёзиқ”, А.Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғат” достонларидаги афсоналарнинг, фольклор образларининг ўрни хусусида фикр юритган². Эътибор берилса, мазкур илмий ишларда фольклоризм ва бадий тафаккур такомиленинг муайян қирраларига муносабат билдирилган, бироқ масала юзасидан яхлит монографик тадқиқот яратилганича йўқ.

Фольклоризмлар бадий асарларнинг миллий руҳини, халқчиллигини, таъсирчанлигини оширишга, услубий соддалик ва равонликни таъминлашга, асар ғояси ва образлар моҳиятини ёрқин очиб беришга хизмат қилади. Айни пайтда ушбу ҳодиса ўзбек поэмачилигида алоҳида йўналишга айланганлигини кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда яратилган ўзбек поэмалари жанр кўринишларининг ўзига хос специфик ҳамда умуммуштарак типологик белгилари синкретик жанрларнинг вужудга келишидаги бош омиллардан бири ҳисобланади; бу нарса фольклор асарларига хос бадий шакл, сюжет, мотив, образ, ритм кабиларнинг таъсири билан белгиланади. Ушбу ҳодисанинг эстетик моҳиятини очиш, ўзига хос қонуниятларини ўрганиш ва умумлаштириш бугунги адабиётшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги бадий тизимини, ички структурасини тадқиқ қилишда, жанр типологиясини ўрганиш ва умумлаштиришда Г.Н.Поспелов, А.Г.Жаков, А.Карпов, В.С.Кубилюс, И.Кирпель, В.П.Киканс, М.Числов, В.Е.Хализев, В.Асрорий, К.Султонов, И.Султонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Т.Мирзаев, Ғ.Мўминов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Раҳимжонов, И.Тулаков, Ш.Ҳасанов каби адабиётшунос ва фольклоршунос олимларнинг асарлари асосий илмий-назарий манба вазифасини ўтади. XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган С.Зуннунованинг “Алла”, А.Мухторнинг “Дол қоя”, Мирмуҳсиннинг “Широк”, Шукрул-

¹Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. Тошкент, 1986. 144-156-б.

²Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек достонлари поэтикаси. ДД. Тошкент, 2004, 87, 126, 132-бетлар.

лонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” “Рухлар исёни”, “Тошкент садоси”, “Куёш маскани”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Т.Сулаймоннинг “Қорасоч”, “Қораялоқ”, “Ёвқочди”, “Харсанг”, Э.Самандарнинг “Эрк садолари”, Ж.Камолнинг “Куёш чашмаси”, “Армон”, О.Ҳожиеванинг “Нажот”, Омон Магжоннинг “Ҳаққуш кичкириғи”, “Минг бир ёғду”, М.Алининг “Бешгул”, Ҳ.Шариповнинг “Тановар”, “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, “Гиря”, М.Юсуфнинг “Қора куёш”, “Кўҳна кудук”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, А.Маҳкамнинг “Таважжух”, “Ишк”, “Фотиҳа”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Узоқлашаётган оғриқ”, С.Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув”, Ҳ.Саъдулланнинг “Дўст қадри”, А.Суённинг “Бешбармоқ”, “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони”, Э.Шукурнинг “Нақшбанд”, У.Кўчқорнинг “Широк” каби поэмалари тадқиқот учун объект сифатида танланди. Лозим ўринларда ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда мумтоз адабиёт дostonчилиги намуналарига мурожаат этилди.

Умуман айтганда, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги бадий-эстетик табиатига кўра аввалги босқичлардан фарқланади. Унда қаҳрамон характери яратишдаги ғоявий-бадий принциплар янгиланди, ижодий индивидуалликлар ва услубий йўналишлар янада бадий хилма-хилликларга эришди. Табиийки, бунда халқ оғзаки ижодига хос дostonчиликнинг ҳаётбахш эпик анъаналари, жаҳон поэмачилигининг эстетик тажрибалари етакчи омил вазифасини ўтади. Шоирлар бадий маҳоратида анъанавийлик, ворисийлик, новаторлик ўзига хос шаклларда намоён бўлди.

Китобда XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигининг тараққиёт йўллари; анъанавий халқ дostonчилиги услуги ва оҳангида ҳамда мумтоз дostonчилик йўналишидаги поэмалар; давр поэмачилигида учрайдиган фольклоризмлар; фольклор образларидан давр қаҳрамони характери яратишда фойдаланиш тамойиллари; эртак-поэмаларнинг жанрий табиати, сюжет ва композицион хусусиятлари, уларда бадий ғоянинг эстетик талқин этилиши; афсона, ривоят ва нақллар асосида қурилган дostonларнинг такомил белгилари; поэмачилик тараққиётида жанр стилизацияси масаласи; ривоятлар асосида қурилган дostonларнинг спецификаси; дostonлар бадий тўқимасида афсона ва нақллардан фойдаланиш маҳорати; дostonлар бадий структурасида халқ қўшиқларининг қўлланилиши ва уларнинг вазифаси; оддий фольклоризмларнинг асар бадийятини белгилашдаги мавқеи ҳамда уларнинг поэма композициясидаги ўрни масалалари ёритилган.

I БОБ

XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ

1-фасл. Анъанавий халқ дostonчилиги йўналишидаги поэмалар

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги қаҳрамони, услуби, бадий-эстетик тафаккур табиати, сюжет ва композицион бичими ҳамда ички сифат ўзгаришлари, типологик хусусиятларига кўра янада бадий-тадрижий такомил босқичига кирди. “Жанр пайдо бўлади ва адабиёт тараққиётининг ҳар бир янги босқичида ҳамда ўша жанрдаги ҳар бир индивидуал ижод намунасида янгилашиб боради”, – деб ёзади рус адабиётшуноси В.Е.Хализев¹. Бинобарин, давр поэмачилиги ўзига хос услуби, жанр кўринишлари жиҳатидан янада тараққий топиб, алоҳида хусусиятлар касб этди. Аввало, уларда Шарқ мумтоз дostonчилиги рус ҳамда жаҳон поэмачилиги анъаналарининг, XX асрнинг биринчи ярми, хусусан, Фитрат, Сидқий Хондайлиқий, Ойбек, Гафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир, Мақсуд Шайхзода бадий тажрибаларининг синтези ўлароқ шакл ва мазмун жиҳатдан бойлик, мураккаблик кўзга ташланади. Айниқса, давр поэмалари халқ дostonлари таъсирида битилган асарларга хос аломат наср ва назм уйғунлигида, бармоқ вазнида ёзилди. Уларда воқеабандлик ифодаси насрда, қаҳрамонлар кечинмаси, қалб манзаралари эса шеърый усулда ифода этилган. Негаки, поэмалар индивидуал ижод маҳсули сифатида ижодкорнинг лирик ҳис-кечинмаларини ҳам ўзида акс эттириб келади. Воқеликнинг бадий идрок ва ифодасида ижодкорнинг муносабати, нуқтаи назари ёрқин сезилиб туради.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги бадий-эстетик тажрибаларини кузатадиган бўлсак, воқеабандликка асосланган сюжет тақомилида, хусусан, поэмаларнинг насрий қисмида қўлланилган сажъ санъати эпик ифода имкониятларини кенгайтириб, таъсирчанликни

¹Хализев В.Е. Теория литературы. Москва: Высшая школа, 1999. С. 341.

оширишга хизмат қилади; воқелик баёнида эпик қўламдорликка замин яратади. Айни шу давр поэмачилигида халқ дostonларига хос анъанавий мотивлардан, стилистик фигуралардан, халқ оҳангидан фойдаланишга интилиш ёрқин кузатилади. Айниқса, асар қаҳрамонларининг руҳияти халқ дostonларидаги образларнинг психологик портретлари билан уйқаш, муштарак тасвирланганлиги ўқувчилар эътиборини тортади. Ойдин Ҳожиева, Жамол Камол, Тўра Сулаймон, Омон Матжон каби шоирлар халқ дostonлари образлари (Алпомиш, Барчин, Гўрўгли, Авазхон, Кунтуғмиш, Тоҳир, Зухро, Мисқол пари)ни замонавий дostonчилигимизда талмех қилиб келтириш орқали қаҳрамонлар руҳий оламини очиб беришга ифодалашга, асарнинг эпиклик жиҳатини ёрқин намoён этишга, ғоявий-бадий мазмунини кучайтиришга интилдилар. Шунингдек, Саида Зуннунованинг “Алла”, Мирмуҳсиннинг “Широқ”, Тўра Сулаймоннинг “Қорасоч”, “Интизор”, “Қораялоқ”, Ҳусниддин Шариповнинг “Тановар”, Ойдин Ҳожиеванинг “Нажот”, “Болалик”, “Она ер соғинчи”, “Нозик”, Тўлан Низомнинг “Уч сўз”, Исмоил Тўлаковнинг “Сўнгги кеча”, Шукур Қурбоннинг “Темур Малик ўтган йўлларда”, Икром Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғриқ” сингари поэмалари таркибига фольклорнинг мақол, қўшиқ, олқиш ва қарғиш сингари ихчам шаклли жанр намуналарини сингдириш орқали ҳам асарнинг халқчил руҳини, лирик хусусиятларни ифодалашга эришилганлиги кузатилади. Бундай оддий ва аналитик фольклоризмлар қўлланган поэмалар пурмаънолиги, оҳангдорлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Давр поэмачилигида фольклоризмлар миллат қалбида яшириниб ётган дардларни, эрка интилиш, ватанни озод кўриш ғояларини очиб бериш учун яширин туйғуларнинг ифода воситаси сифатида бўй кўрсата олган. Бу борада ижод қилган Миртемир, Зулфия, А.Мухтор, Шукрулло, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон, Р.Парфи, Ҳ.Шарипов, Ж.Камол, Э.Самандар, О.Ҳожиева, Ч.Эргаш, Х.Даврон, У.Азим, М.Юсуф, А.Суюн, И.Отамурод, С.Саййид, Қ.Раҳимбоева, А.Қутбиддин сингари шоирлар поэманинг жанр тарихини белгиловчи асарлар яратдилар. Улар ифода услуби, жанр кўринишлари, қаҳрамонлар системаси жиҳатидан ХХ асрнинг биринчи ярми поэмачилигидан фарқланиб туради. Зеро, бу орқали шеърятнинг бадий тараққиёт босқичларига, ундаги жанрлар такомиллиги хос поэтик қонуниятларни англаб етиш мумкин.

Маълумки, дoston жанрининг шаклланиши ва тараққиёти халқ оғзаки ижоди билан боғлиқ. Халқ томонидан наср ва назм уйғунлигида

яратилган ушбу шаклдаги асарлар йирик ҳажмли бўлиб, омманинг орзу-истак ва кечинмаларини акс эттиради; ёзма адабиётимизда ҳам худди шу жанрнинг пайдо бўлишига пойдевор вазифасини ўтади.

Халқ оғзаки ижодидаги бой тажрибаларидан фойдаланиб дoston яратиш анъанаси ёзма адабиётда ҳам давом эттирилди. Дастлабки ёзма дostonлар, асосан, шеърый шаклда битилган эди. Наср ва назм уйғунлигидаги илк дoston XI асрда Юсуф Хос Ҳожиб томонидан яратилди. Арузнинг мутақориб баҳрида ёзилган “Қутадғу билиг” дostonида насрий парчалар ҳам мавжуд. Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, “Лисон ут-тайр” сингари дostonларининг ҳар бир боби ва фасллари насрий изоҳлар билан бошланади. Бу насрий изоҳлар асарда экспозиция ёки эпилוג вазифасини бажаради.

XX асрда эса поэманинг халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиётнинг ҳаётбахш анъаналари руҳи билан йўғрилган ҳамда рус ва Европа поэмачилигининг тажрибаларига таянилган, бармоқ тизимига асосланган янги шакли вужудга келди. Ойбек, Ғ.Ғулом, Ҳ.Олимжон, Миртемир, У.Носир, Зулфия сингари ижодкорларнинг бу поэмачиликдаги изланишлари қутлуғ самаралар берди.

XX асрнинг иккинчи ярмида лиро-эпик жанрдаги бадий-эстетик тажрибалар мавзу ва муаммоларига кўра янада кенгайди, теранлашди. Илдизлари халқ дostonлари ва ўзбек мумтоз адабиёти сарчашмаларига бориб туташувчи янги шаклдаги жанр кўринишлари вужудга келди. Эртак-поэма, поэма-хроника, қасида-поэма, маснавий шаклида ёзилган поэмалар, хотира-поэма, хатлар асосида қурилган поэма, тасаввуфий, фалсафий мавзудаги асарлар шулар жумласидандир.

Айни пайтда мазкур жараён янада такомиллашиб бормоқда. Бинобарин, Т.Низомнинг “Тиря”, Ҳ.Саъдулланинг “Дўст кадри”, М.Юсуфнинг “Қора қуёш” дostonлари хотира характерига эга. Уларда халқ оғзаки ижодидаги қайғули, мунгли мазмун билан суғорилган йиғи ва йўқлов (мумтоз адабиётдаги марсия) жанрлари руҳи сезилиб туради. Ёруғ дунёни тарк этган инсонларга бағишланган поэмаларда ушбу хусусият бадий пафос даражасида зоҳир бўлган. Бинобарин, Т.Низом “Тиря” поэмасида ҳаётдан эрта кетган турмуш ўртоғи хотирасини ёд этади. Шунинг учун ғамгин руҳ асарнинг ҳар бир сатрида ёрқин сезилиб туради. Ёхуд Ҳ.Саъдулланинг “Дўст кадри” поэмасида яқин дўстни хотирлаш халқимизнинг ибратли бир ривояти мисолида таъсирчан ифода этилган. “Қора қуёш” асарига халқ йиғиси ва йўқловлари мазмунини сингдириш

орқали М.Юсуф машғум қатағон қурбонларини ёдга олади. Демак, халқ оғзаки ижодиға мансуб йиғи ва йўқловлар мазмун жиҳатдан бугунги поэмаларға таъсир этаётганлигини кузатиш мумкин. Хотира-достонлар генезиси рухан фольклордаги йиғи ва йўқлов, ёзма адабиётдаги марсияларға бориб туташади.

Қ.Раҳимбоевнинг “Қишнинг охирлари”, Ш.Қурбоннинг “Онам қошидасан ёки синглимға мактублар” асарлари мактублар тизимидан ташкил топган. Бунда Ўзбек мумтоз адабиёти анъаналари руҳи сезилиб туради. Мумтоз адабиётимизда тўла мактублардан ташкил топган (А.Навоий “Муншаот”) ва таркибига мактуб киритилган (А.Навоийнинг “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун” достонлари) асарлар мавжуд. Уларда хатлар воқеликни лирик усулда акс эттиришнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилган. Шоирларимиз шу йўналишда асарлар ёзиб, замондошларимизнинг ўй-кечинмаларини таъсирчан ифодалашға эришмоқдалар.

Кўринадики, ёзма достонлар тажрибасининг ҳаётбахш таъсири икки босқични ташкил этади: биринчидан, мумтоз адабиёт достонлари (Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, А.Югнакийнинг “Ҳибатул ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Хамса” ва ҳ.к) бадий-эстетик тажрибаларидан воқеликни эпик кўламдорликда ва кескин драматик коллизиялар билан бадий тадқиқ этиш тамойили кучайди. Иккинчидан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Лутфийнинг “Гул ва Наврўз”, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонларида кузатилганидек, ҳаёт ва воқелик хоссалари жанрнинг, лирик қаҳрамоннинг нуқтаи назари орқали ифодаланади. Шоирнинг асардаги лирик персонаж сифатида иштироки ва етакчи мавқеи поэмалар структурасида лиризмнинг кучайишини, лирик идрок ва ифода маданиятининг устуворлигини асослади.

Ўзбек мумтоз адабиётида аруз вазида ва маснавий шаклида яратилган йирик ҳажмли достонлар ҳам алоҳида саҳифани ташкил этади. Улар эпик тур жанрлари вужудға келгунға қадар бугунги насрчилигимиздаги роман, қисса каби жанрларнинг бадий-эстетик вазифасини адо этиб келди; уларға хос эпик кўламдорлик, эпик баён услуби, сюжет, композиция ва эпик қаҳрамонларға эга эди. Шунинг учун бўлса керак, Алишер Навоийнинг “Фарход ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Лисон ут-тайр”, М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” сингари достонлари худди роман ва қисса янглиғ ўқилади. Хусусан, ҳаётий воқеликнинг изчил ва батафсил баён этилиши маснавий шаклининг ўзбек мумтоз адабиётида

эпик баён усулига айланганлигини ёрқин кўрсатади. Замонавий дostonчилигимизда ана шу адабий анъана бир қатор шоирларимиз М.Шайхзода (“Тошкентнома”), Ж.Камол (“Қуёш чашмаси”), М.Али (“Бешгул”), Э.Самандар (“Эрк садолари”) каби шоирларимиз асарларида ижодий давом эттирилди. Шуларга таяниб айтиш мумкинки, ҳозирги поэманинг уч йўналишдаги тизими вужудга келди:

- 1) анъанавий халқ дostonчилиги йўналишидаги поэмалар;
- 2) ўзбек мумтоз дostonчилиги йўналишидаги поэмалар;
- 3) янги услубий йўналишдаги поэмалар (Бу ҳақда кейинги тадқиқотларимизда батафсил тўхталамиз).

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида *анъанавий халқ дostonлари руҳида асарлар ёзиш* етакчи тамойил касб этди. Тўра Сулаймоннинг “Қорасоч”, “Ёвқочди”, “Интизор”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, О.Ҳожиевнинг “Нажот”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи”, И.Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғриқ”, С.Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув”, М.Тоирнинг “Оқиб кетган армонлар” каби асарлари мулоҳазаларимиз тасдиғидир. Уларда халқ дostonлари услубига хос: а) наср ва назм уйғунлигида ёзиш; б) сажъ усулини қўллаш; в) назмий қисмда анъанавий бармоқ вазнини истифода этиш; г) ҳаёт материалига эпик ёндашув; д) халқ дostonлари оҳангини олиб кириш; е) халқ дostonи-мотивларидан фойдаланиш сингари жиҳатлар кузатилади.

Халқ дostonлари услубида ёзилган асарлар орасида Тўра Сулаймоннинг “Қорасоч” поэмаси алоҳида ўрин тутди. Унда воқелик деярли бошдан-оёқ наср ва назм уйғунлигида сажъ воситасида акс эттирилган. Адабиётимизда аёл садоқати ҳақидаги асарлар алоҳида тизимни ташкил этади. “Қорасоч” дostonи ҳам шу мақсадни кўзлайди. Поэманинг бош қаҳрамони руҳий-маънавий жиҳатдан С.Зуннуованинг “Рух билан суҳбат”, Миртемирнинг “Сурат”, А.Ориповнинг “Аёл” асарларидаги қаҳрамонларга яқин. Фақат Т.Сулаймон услубининг оҳорли жиҳати воқеликни халқ дostonи усулида баён этганида намоён бўлган. Бу эса шоирга уруш йилларида халқимизнинг фронт орқасида туриб кўрсатган меҳнат қаҳрамонликларини халқ эпосидаги каби қўламдор, батафсил тасвирлашга йўл очган. Натижада халқ дostonи руҳи билан йўғрилган яхлит бир асар дунёга келган. Унда халқ дostonларига хос қуйидаги жиҳатлар бўртиб туради:

1. Қаҳрамоннинг туғилишидан бошлаб то камолга етгунгача бўлган воқеалар тизими анъанавий мотивларда берилди. Қорасочнинг

туғилиши, вояга етиши, ўз муҳаббатини топиши, фарзанди бахти учун курашиши мотиви шулар жумласидандир.

2. Достоннинг наср қисмида воқелик бошдан-оёқ сажъ усулида тас-вирланиб, эпик баён қилинган. Асар саҳифаларини бошдан охир сажъ санъати безаб туради. Бу эса халқ достонларига хос анъанавий усулдир. Айтиш мумкинки, шоир ана шу анъанани муваффақиятли давом эттириб, воқеликни сажъ орқали ифодалаш йўлидан борган. Буни достоннинг дастлабки саҳифаларидан то сўнгигача кузатиш мумкин. Масалан: “Замбарак *тўпчиларимиз*, найзали *ўқчиларимиз*, осмонда *учувчиларимиз*, ерда *қирувчиларимиз* душманнинг додини бериб тура берсин. Энди гапни оқтовликлардан – бахшили-*ботир* юртдан, ҳар мушкулни ҳамиша енгил-га *қодир* юртдан, ўктам *баҳодир* юртдан, кўрмаган, билмаган тамом армонда юртдан эшитинг”¹. Эътибор берилса, парчадаги “*тўпчиларимиз*”, “*ўқчиларимиз*”; “*учувчиларимиз*”, “*қирувчиларимиз*”; “*ботир*”, “*қодир*”, “*баҳодир*” сингари ифодалар ички оҳангдорликни вужудга келтиришдан ташқари эпик баён усулига ҳам айланган.

“Сўзга чикувчилар шу йўсинда чин кўнгилдан куйиб-пишиб гапирди, шақар томиб тилидан терга *тушиб* гапирди. Гапирганда ҳам *бўладиган* гапдан гапирди, мажлис аҳлининг кўнгли *тўладиган* гапдан гапирди” (11-бет). Ёки: “Бошда Қорасочга мудирлик малолдай *туюлиб* юрди, бунда чўпонлик қилганим маъкул эди, деб қош-қовоғи *уюлиб* юрди” (11-бет). Парчадаги “*куйиб-пишиб*, терга *тушиб*”; “*бўладиган*”, “*тўладиган*”; “*туюлиб*”, “*уюлиб*” сингари сўзлар шунчаки оҳангдорлик ҳосил қилмай, шоирнинг ғоявий ниятини юзага чиқарувчи восита моҳиятини ўтаяпти. Шу ўринда бир мулоҳаза: шоир қофиябозлик орқасидан қувиб бир қадар мантиқсизликка йўл қўйган. Яъни “терга *тушиб*” бирикмасида бу ҳолат кузатилади. “Терга ботдим” дейиш мумкин.

3. Асар ҳажм жиҳатидан ҳам эпик кенгликка эга. Поэмада Қорасочнинг фронт орқасида туриб турмуш ўртоғи Норйигитга, жангчиларга мадад бўлиши, фронтга иқтисодий ёрдам қилиши, битта-ю битта ўғлини ҳам ота, ҳам она бўлиб тарбиялаб вояга етказиши воқеалари, аёллар ва қарияларнинг шижоатли меҳнати, урушдан кейинги йиллардаги ҳаёт оқими халқ достонларидаги каби эпик кўламдорликда ҳам наср, ҳам назмда кенг тафсилотлари билан акс эттирилади.

¹Сулҳиймон Т. Қорасоч. Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965. 8-бет (Кейинги мисолларда ушбу напір саҳифаси матнда кўрсатилади).

4. Асар қахрамонлари ҳам халқ достони образларини эсга солади. Бу кўпроқ Қорасоч ва унинг ўғли Ўринбой образлари тасвирида ёрқин кўринади. Шоир саждан фойдаланиб Қорасочни китобхонга шундай таништиради: “Қорасоч оғалари ичида олқордай эркин ўсди, ҳам ҳаддили, ҳам ўктам, серҳаракат, шўх дарёдай беором, райҳондай дуркун ўсди... Товонига тушган тим-қора сочлари, қизлар назмича: бир мушки тотор эди, қалдирғоч қанотидай қўйила тушган қошлари устидаги кишмиш холи Новқа олмасини эслатувчи қирмизи юзига зеб бериб, бўйқизларнинг дилида ҳавас уйғотар эди... Наркас, қийик кўзлари қиздай қиликли йигитларнинг ҳам кўкайида туғён уйғотар эди. Ҳар киприк, ҳар сифати ё рашқдан, ё ҳавасдан хуснига, камолига зимдан боқувчи кишининг умрини узайтар эди” (30-31-бет). Юқоридаги портретда халқ дostonлари, аниқроғи, “Равшан” дostonининг ифода йўсини, руҳи сезилади. Унда бош қахрамон Зулҳуморнинг суврати қуйидагича чизилган: “Равшанбек қараса, Зулҳуморнинг камоли, ойдай жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли. Равшанбек зехнини қўйиб қараса, ясанган хурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди. Зулҳуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш – ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувига ботирган, бир ёғини кумуш сувига ботирган”¹. Эътибор берилса, келтирилган икки парча мазмунан яқин, тасвир муштарак. Иккаласида ҳам фикр сажь орқали ифодаланган ва ташбеҳ санъати билан зийнатланган. Тўра Сулаймон Қорасочни таърифлар экан, уни шўх дарёга, райҳонга қиёслайди; сочларини мушки тоторга, қошларини қалдирғоч қанотига, холини кишмиш (қора майиз)га, юзини Новқа олмасига, кўзларини наркас (нарғиз гули)га ўхшатади. Шу асосда бош қахрамоннинг ташқи гўзаллиги тасвирланади, китобхонда унга нисбатан муҳаббат уйғотилади. Парчадаги “уйғотар”, “сўзлатар”, “қўзғатар”, “узайтар” сингари сўзлар ички оҳангдорликни вужудга келтирган ва натижада сажь яратилган.

“Равшан” дostonидан келтирилган парчада эса асарнинг бош қахрамони Зулҳумор портрети яратилган. Эътибор қилинса, сажь ёрдамида қахрамон сувратининг чизилиши деярли барча халқ дос-

¹Равшан (дoston). Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1954. 34-б.

тонларида учрайди. Қорасоч билан Зулхуморнинг бадий портретлари қиёсланганда, бир қатор ўхшаш жиҳатлар кўзга ташланади. Бу нарсa кўпроқ қахрамонларнинг ташқи гўзаллигига хос белгиларни тасвирлаш билан боғлиқ. Аслида сажъ халқ достонларининг насрий ифода услубига бадий воситадир.

Ёхуд шоир машъум уруш туфайли етим қолган, бироқ Қорасоч туфайли етимликни сезмай ўсган фарзанди Ўринбой образига ҳам алоҳида эътибор қаратади.: “Она тарбиясида, мактаб ҳимоясида Ўринбой доғ тушмаган *гулдай* бўлиб ўсди. Чаманда *булбулдай* бўлиб ўсди. Онали етим – гул етим. Етимдай *мунғайиб* ўсмади, еганнинг оғзига, кийганнинг эгнига қараб, *сарғайиб* ўсмади. Кийганда кийим *ярашиб* ўсди, яхшиларга *эргашиб* ўсди, шарқираган *сойдай* бўлиб ўсди, гижинглаган *тойдай* бўлиб ўсди” (40-бет). Юқоридаги бадий парча худди шеърдай ўқилади. Унда оҳангдош сўзлар: гулдай, булбулдай; мунғайиб, сарғайиб; ярашиб, эргашиб; сойдай, тойдай каби қофиядош ифода Қорасоч характерини ойдинлаштиришга, ёлғиз фарзандини меҳр билан ўстирганлигини ёрқин тасвирлашга хизмат қилган.

5. Воқелик халқ достонларидаги каби наср ва назм уйғунлигида баён этилган. Тўра Сулаймон сюжет баёнида насрни қўллаган бўлса, қахрамонларнинг қалб манзараларини шеърый усулда акс эттирган. Поэманинг халқ достонидан фарқли жиҳати шундаки, у индивидуал ижод маҳсули бўлганидан ижодкорнинг нуқтаи назари, эстетик позицияси акс этган. Яъни воқелик ифодасида ижодкорнинг муносабати яққол сезилиб туради.

Поэмада ўша оғир йилларда аёллар билан елкама-елка туриб турмуш машаққатларини енгиб ўтган қариялар образи ҳам (Эрали бобо, Қодир махсум) яратилганки, улар Қорасоч характерини янада ёрқинлаштиришга хизмат қилган. Муҳими, умр бўйи Норйигит муҳаббатига содиқ қолган, соғинч-изтиробларини меҳнат билан енган, ёлғиз ўғлини чексиз меҳр-муҳаббат билан ўстирган бетакрор ўзбек аёлининг бадий сиймоси асар саҳифаларида нурланиб туради.

Адабиётшунос Ғ.Мўминов “Қорасоч” достонига муносабат билдирар экан, ёзади: “Достондаги (“Қорасоч” дейилмоқчи – Д. Қ) камчиликлардан бири шундаки, у ҳозирги замон достончилигида кенг қўлланувчи (воқеадан воқеа чиқарувчи ва ягона сюжетни ташкил этувчи) эпизодлар, ситуацияларни бир занжирга тизмоқчи бўлган. Лекин асарнинг умумий қурилиши, баён усули фольклордаги традицион достон услубида

қурилгани учун негадир ўзини оқламайди”¹. Бунда у Бегжон суяқ билан боғлиқ эпизоднинг асардаги умумий воқеалар тизимига сингишмаганлигини мисол қилиб келтиради. Ҳақиқатан, мазкур эпизод асар сюжетидан узилиб қолгандай таассурот уйғотади. Насрий асарларда, хусусан, С.Аҳмаднинг “Уфқ” трилогиясида Турсунбойнинг фронтдан қочиши билан алоқадор воқеалар асар умумий мазмунига сингиб кетган. Айни чокда романнинг умумий сюжет йўналишини белгилашга, бош қаҳрамон Икромжон характерини очишга хизмат қилган. “Қорасоч”да ҳам шоир мана шу ғоявий-бадий ниятни кўзлаган бўлиши мумкин. Бироқ у бадий мантиққа риоя этилмаганлиги боисидан сунъийликни юзага келтирган. Шу маънода Ғ.Мўминов мулоҳазаларига қўшилиш мумкин.

Ойдин Ҳожиеванинг “Нажот” поэмасидаги айрим лавҳаларни ҳисобга олмаганда адабиётимизда бундай типдаги асар деярли яратилмаган. Тўғри, сажъ усули ўзбек поэмачилигида назм ва наср уйғунлигида ёзилган дostonларнинг наср қисмида учрайди. Бироқ асарда тасвирланган воқеликнинг бошидан охиригача сажъ усулида баён этилиши юксак санъаткорлик белгисидир. Бу Тўра Сулаймон бадий маҳоратининг бетакрор қирраси сифатида ўзбек поэмачилиги саҳифаларини бойитди. Энг муҳими, мазкур усул эпик ифода имкониятларини янада кенгайтди.


Тўра Сулаймоннинг “Интизор” поэмаси ҳам халқ дostonлари услубида яратилган. Биринчидан, унда кўпроқ воқелик сажъ воситасида акс этирилган ва шу йўл билан эпик руҳни кучайтиришга эришилган. “Ғаллаоролнинг номи кетган Оқтош даҳаси. Кечмишидан сўз кетса, кўп эрур хангомаси. Ирмоқлари, сувлари, олқори, охулари қадимдан тилга тушган – ўз оти билан оқтовли юрт. Бўза билан қимизи, қуртобанинг тамизи, чопқир саман тойлари, кундуз тўла сойлари азалдан мактовли юрт...”². Келтирилган насрий парчада “оқтовли”, “мақтовли”; “қимизи”, “тамизи”; “тойлари”, “сойлари” каби сўзлар ўзаро ички оҳангдорликни вужудга келтириб, сажни ҳосил қилган. Шу йўл билан шоир китобхонни воқелик содир бўлган эпик макон билан таништиради.

Иккинчидан, мавзу жиҳатидан у халқ маиший-ишқий дostonлари руҳида яратилган. Бироқ унда халқимизнинг XX аср бошларидаги маиший турмуши билан боғлиқ воқелик акс этирилган. Поэмада бой-

¹Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек дostonчилигида услубий изланишлар / Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тошкент: Фан, 1983. 137-б.

²Сулаймон Т. Ёвқочди. Тошкент: Ёзувчи, 1998. 45-б.

У-7669/3



нинг битта-ю битта қизи Гулноз билан қарол Мамаюсуфнинг қайғули муҳаббати мавзуси асос қилиб олинган. Маълумки, халқ дostonлари, одатда, эзгулик ғалабаси, яхшилик билан якун топади. Шу жиҳатдан қаралса, мазкур поэманинг мазмунан халқ дostonларидан фарқланиши ҳамда мумтоз адабиётдаги дostonларга ўхшашлиги кузатилади.

Шоир услубининг яна бир ўзига хослиги ва асарнинг халқ дostonларидан тафовутли томони шундаки, айрим шеъринг парчаларни ҳисобга олмаганда, у деярли насрда ёзилган. Шу ўринда савол туғилади: асар насрий йўл билан ёзилган бўлса, уни эпик турнинг қисса жанрига киритиб бўлмайдами? Аммо асарни қисса жанрига мансуб дейиш қийин. Чунки воқелик сажъ орқали ифода этилганидан у худди шеърдай ўқилади. Натижада сажъ эпик тасвир усулига айланган.

Тўра Сулаймоннинг замонавий воқелик заминиде қурилган “Қораялоқ” дostonи ҳам шакл ва мазмуни, ифода услуби жиҳатидан халқ дostonларига анча яқин. Асар наср билан назм уйғунлигида яратилган. Шоир асар қаҳрамони Шернинг бошидан кечирганларини насрда ифодалаган бўлса, ўз ички кечинмаларини назмда акс эттирган. Насрий қисмлар сажъ билан зийнатланган: “Қайнонаси билан қайнотасининг бу гаплари Шернинг иззат-нафсига тегиб, тоқати *тоқ*, важоҳати *чатоқ* бўлиб, чимирилиб *қошлари*, ер тешиб *қарашлари*, турмоқликка *чоғланиб*, юрак-бағри *доғланиб*, гап келса пирингни аяма дегандай сўзлади ёниб-ёниб”¹. Парчадаги “тоқ”, “чатоқ”; “қошлари”, “қарашлари”; “чоғланиб”, “доғланиб” сўзлари оҳангдош сўзлар бўлиб, қаҳрамон ҳолатини акс эттирувчи воситага айланган. Айни чоқда инверсия (“чимирилиб қошлари”, “ер тешиб қарашлари”)дан фойдаланиш асосида асар поэтик синтаксиси оҳангдорликни таъминлаган. Бинобарин, инверсия – гап бўлақларининг ўзгарган тартиби, асосан, шеърийтга хос хусусиятдир. Т.Сулаймон эса бунинг насрий парчаларда қўллаганки, шу орқали шоир ижодига хос етакчи хусусият намоён бўлган. Энг муҳими, инверсияни қўллашда сунъийлик, зўрма-зўракилик деярли кузатилмайди.

Эътибор берилса, Т.Сулаймоннинг юқориде таҳлилга тортилган “Қорасоч”, “Интизор”, “Қораялоқ” асарларини бирлаштириб турувчи муҳим муштарак жиҳат – уларнинг халқ дostonлари услубида яратилганлиги билан белгиланади. Замонавий воқелик ифодасида бу услубнинг қўлланилиши поэмачилигимизни мазмун ва шакл жиҳатидан бойитиб, уларни халққа яқинлаштирди. Энг муҳими, шоир адабиётимизда

¹Сулаймон Т. Гулшан. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 77-б.

халқ достонлари услубида ёзилган поэмаларнинг ўзига хос тизимини ярата олди.

Эркин Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”¹ поэмаси сюжетида кўпроқ халқ достонларининг мотивлари қўлланилганлиги кузатилади. Бу нарса асардаги воқеликнинг эпик талқинида яққол кўринади. Жумладан, Орзу Оғадўстга бўлган ишқини қандай билдиришни билмай, чашмадан маслаҳат сўрайди. Чашма унга севги хатини ёзиб, гулбарг қатига жойлаб, сувга оқизишини ўргатади. Одатда, халқ достончилигидаги эпик тасвирга кўра қизнинг ўз севгисини ошиқ йигитга турли рамзий белгилар орқали аён этиши, уни сув йўли орқали ошиқ яшайдиган манзилга узатиши мотиви анъанавийдир. Бу мотив “Кунтуғмиш” достонида ҳам учрайди. Холбека Кунтуғмишни тушида яхши кўриб қолади; сураткашга расмини чиздириб, ўзи ясаган тилла сандикда уни дарёга оқизади². Кўринадикки, мазкур эпизодларда моҳиятан яқинлик бор. Шоир шу халқона мотивдан ижодий фойдаланган ҳолда замонавий воқеликни ишонарли ифода этишга эришган.

“Мотив, – деб ёзади рус адабиётшуноси В.Е.Хализев, – бу бадиий асардаги энг юксак аҳамиятга эга бўлақдир. Бироқ у бадиий асарнинг мазмуни ва ғоявий йўналиши билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, алоҳида ажралиб туради”³. Бу фикрнинг тўғрилиги Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” поэмаси мисолида ҳам яққол кузатилмоқда. Жумладан, поэма мазмунига сингдирилган “ошиқликни рамзий восита орқали ифода этиш” мотиви ундаги энг муҳим қисмдир.

Ойдин Ҳожиёвнинг “Нажот” достонида ҳам юқорида қайд этилган жиҳатлар кузатилади. Унда бу воқелик ҳам насрда сажъ орқали, ҳам бармоқ вазнидаги шеърда баён қилинган. Сюжетида “Маликаи айёр” халқ достони мотивларидан ижодий фойдаланилган. “Маликаи айёр” достонида ҳикоя қилинишича, Гўрўғли куш овлашга борганида бир кўк каптар пайдо бўлади-ю атроф бирдан ёришиб кетади⁴. Бу Маликаи айёр эди. Достонда ана шу мотив таъсири сезилади:

Парлари офтобда товланиб ял-ял
Ногоҳ учиб келди мурги самандар,

¹Воҳидов Э. Садоқатнома. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 368-б.

²Орзигул (кўп томлик достонлар). Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 135-б.

³Хализев В.И. Теория литературы. Москва: Высшая школа, 1999. С.266.

⁴Маликаи айёр (халқ достони). Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 7-б.

*Қасрдай ёришиди дашти валангар...
Баҳромшер кўз очди, ҳайрати ошди
Меҳру аянч билан боқи б ўғилга
Соябони бўлган куш кирди тилга:
– Ўхшаб ўт ичинда жижғанақ қилган
Бунда келмагингда не мурод эрди!*

Афғон уруши манзаралари акс этган бу мисраларда мурғи самандар образи жангтоҳларда ҳалок бўлган ўзбек йигитлари тимсолини ифода этади. Асардан халқ дostonлари руҳи уфуриб туради. Бу усул адабиётшунослик илмида стилизация деб номланади. Яъни халқ дostonларига хос жиҳатлар ёзма адабиётдаги асарлар руҳига сингдирилади. Мазкур ифода услуби қуйидаги белгиларда намоён бўлган:

1. Халқ дostonларига хос наср ва назм усули етакчилик қилади.
2. Сажъ – насрдаги қофия воқеликнинг ҳаққоний манзарасини яратишга хизмат қилади.
3. Халқ дostonларига хос эпиклик кенг ўрин эгаллайди.

Шоира ўтган асрнинг 70-йилларидаги “пахта яккаҳоқимлиги” натижасида катта-катта боғларнинг, экин майдонларининг бузиб ташланиши ва ўрнига пахта экилиши воқеаларини халқ дostonларига хос сажъ усулида тасвирлайди: “Хулласи калом, “отанг – пахта”, “онанг – пахта” замон бўлиб, ёшу қари пахтага андармон бўлиб, келинчаклари ранги сомон бўлиб, гўдаклари рамақдажон бўлиб, илиги пуч бўлиб ўсаверди, кўзларини пахтанинг гарди тўсаверди”(307-б.) Парчадаги *замон, андармон, сомон, рамақдажон; ўсаверди, тўсаверди* каби сўзлар насрдаги қофия бўлиб, ички оҳангдорликни юзага келтирган. Айни шу қофиядош сўзлар халқнинг аянчли аҳволини ёрқин тасаввур этиш имкониятини беради. Ёхуд бошқа бир ўринда шоира ёзади: “Қайта куриш шамоли эсиб, умид ниҳоллари куртак ёзиб, ўзбек ўзини инсондай сезиб, томирларида боболари ғурури сизиб, увишиб қолган қони қизиб, лоқайдлик занжирларини узиб, ўз юртимга бек бўламан деб юрган замони”. (307-б.). Парчадаги *эсиб, ёзиб, сезиб, сизиб, қизиб, узиб* сингари сўзларининг оҳангдошлиги асосида гўзал сажъ ҳосил қилинган. Айни шу сўзлар орқали янги давр шабадалари эсаётганидан дарак берилаётир. Демак, сажъ усули шоирага поэтик фикрни таъсирчан қилиб тасвирлашга кўмак берган.

¹Ҳожиева О. Кўзимнинг оқу қароси. Тошкент: Ф.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 318-б.

Тўлан Низомнинг Бобурга бағишланган “Уч сўз” поэмасида ҳам халқ дostonларига хос наср билан назм боғлиқлиги бир қадар сақланган. Бинобарин, асарда қолиплаш вазифасини бажарган Бубна ҳақидаги ривоят насрий шаклда ёзилган. Хусусан, поэтик фикрни бадиий ифодалашда шоир сажъ усулини қўллаган. Буни асардаги насрий парчаларнинг деярли барчасида учратиш мумкин. Воқеа ёз кунларида бўлиб ўтгани боис ривоят табиат тасвири билан бошланади: “...Дехқон далага чиққан, чўпон қирларда молию қўйини боққан, сувлар ариқлар лабига ялпизлар таққан...”¹. Парчадаги *чиққан, боққан, таққан* сингари сўзлар ички оҳангдорлик, мусиқийликни вужудга келтирган. Айни пайтда воқелик содир бўлган вақтни ўзида ифода этади. Ёхуд бошқа бир ўринда: “Бубна кўзларига ёш олиб, туйғулар селида қолиб, идрокни йўлга солиб, отасининг хузурига оҳиста кирди... Жалолхон гўё қиз қалбига қулоқ кўчирди, кўзларида чақнаган ҳайрат ўтини ўчирди”(211-бет). Парчадаги *олиб, қолиб, солиб; кўчирди, ўчирди* каби сўзлар ички оҳангдорлик касб этган. Сажъ усули ота билан қизнинг руҳий ҳолатини, айниқса, қизнинг изтиробли кечинмаларини очиб беришга хизмат қилган.

Азим Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи” поэмаси ҳам китобхонни бефарқ қолдирмайди. Бу асар композицион жиҳатдан бошқа дostonлардан фарқ қилади. Унда бахшиёнalar руҳи сезилиб туради. Асардаги назм ва наср ифодаси уни халқ дostonларига яқинлаштиради. Мазмун жиҳатдан ягона сюжет чизигига асосланган. Поэманинг бош қаҳрамони шоирнинг ўзи ва бахшилардир. Асарнинг миллий руҳини таъминлаган нарса фольклоризмларнинг қўлланганлиги билан белгиланади. У автобиографик моҳият касб этади.

Поэмада ҳикоя қилинишича, шоир оиласини олиб туғилган қишлоғи. Нуротага – Наҳрруд қишлоғига йўл олади: “Шу йил таътилда болачақани олиб, ул-бул, кўч-кўронларни халтага солиб, тараниб-сараниб, керилиб-серилиб киндик қоним тўкилган қишлоғим Наҳррудга кечаси келган селдай бўлиб кириб бордим”². Парчадаги *олиб, солиб; тараниб, сараниб; керилиб, серилиб* каби сўзлар насрдаги қофия бўлиб, китобхонни асар руҳига олиб киради.

Миллий удумларга кўра йигит кишининг ўз ватанида бошпанаси бўлиши керак. Шоир – лирик қаҳрамон шу мақсадда она қишлоғига йўл

¹Низом Т. Сайланма. 1-жилд, Баҳорий фасллар. Тошкент: Шарқ, 2007. 208-б.

²Суюн А. Суйганим-қуйганим. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 168-б.

онади. Халқимизда катта ишни бошлашдан олдин оқсоқоллар маслаҳатга йиғилинади. Шоир ҳам онасининг маслаҳати билан қишлоқ улуғларини чорлайди: “Шоир одамнинг ёр-биродари, дўст-хеши ким... эл-да! Элнинг чечанлари, сўзонлари, сўзамоллари, суҳангарлари, ширин забонлари, яхшилари, бахшилари, колаверса, ундай-бундай кулоқчилари” (190-бет). Нурота – бахшилар ва шоирлар юрти. Чақирилганлар орасида Чори чечан, Сори чечан, Оташ маталчи, Болибек сўзамол, Алп термачи, Тилиб термачи, Олтибой дўмбирачи сингарилар бор эди. Даврага келган ҳар бир бахши ўз санъатини намоиш этади. Шоир иморат қуриш баҳонасида элнинг бахшиларини тўплайди. Шу асосда халқ кўнгида яшириниб ётган дардлар юзага чиқади. Термачилар кўшиқ куйлайди, сўзамоллар эртак ва ривоят сўзлайди, дўмбирачилар дoston айтади. Натижада терма, эртак, дoston кабилар поэмага олиб кирилади. Шу тариқа халқ термалари, эртаклар, ривоятлар, халқ мақоллари поэма структурасига сингдирилади. Улар, ўз навбатида, фольклоризмларнинг турли кўринишларини вужудга келтиради.

Асар номи рамзий маънога эга. Асар қаҳрамонлари иморат қуриш учун маслаҳатга йиғилган эдилар. Уларнинг ибратли фикрлари, маслаҳатлари асосида шоирнинг маънавий иморати қурилди. Яъни, янги бир поэма бунёдга келди. Бахшиларнинг образи поэмада тасвирланган воқеалар моҳиятини очишга ёрдам беради. Уларнинг сўзлаб берган эртаклари, ривоятлари, куйлаган кўшиқлари бағрида халқнинг маънавий-ахлоқий кадриятлари, орзу-армонлари яширин. Шу боис “Иморат ва ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи” асари лиро-эпик жанрнинг яхши намунаси сифатида поэмачилигимиз такомилида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Замонавий воқелик ифодасида халқ дostonлари услубини қўллаш Сирождин Саййиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув” поэмасида ёрқин кўзга ташланади. Асар назм ва наср вобасталигида яратилган. Насрий парчаларда эса сажъ усули қўлланилган. Масалан, “Икки ўғлим *бор* эди, мулла. Қаторда турган *нор* эди, қизлар уларга *зор* эди. Кўксим тўла *доғ* эди. Ўғиллари *тоғ* эди”¹. Бу суҳбат оҳангида қатағон туфайли юракбағри ўртанган оталар сиймоси балқиб юзага чиқади. Шоир 30-йиллар қатағони, уруш йиллари фожиаларини шу усул воситасида, публицистик йўсинда китобхонга етказди. Ҳақиқатан, поэмадаги бу насрий парчада қатағон даври фожиаларини бошидан кечирган кишиларнинг руҳий

¹Саййид С. Қалдирғочларга бер айвонларингни. Тошкент: Шарқ, 2005. 132-б.

ҳолати акс этган. Ундаги “нор”, “зор”; “доғ”, “тоғ”; “қилдинг”, “тилдинг”; “чўқтирдилар”, “тўқтирдилар” сингари ички оҳангдош сўзлар шоирга қалби яраланган отанинг оху-фиғонини ниҳоятда таъсирчан ва жонли ифодалаш имконини берган. Адабиётшунос Ш.Ҳасанов ҳақли таъкидлаганидек: “Замонавий дostonлар композициясидаги насрий парчаларда эпик воқеабандлик эмас, лирик кайфиятни, кечинма таъсирини ифодалаш кучайиб борган”¹.

И.Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғриқ” поэмасида қўлланилган назм ва наср ўзгача. Унинг ифода имкониятлари бошқа асарлардагидан анча фарқланади. Бу хусусият эса уни халқ дostonларига яқинлаштиради. Лирик поэма ўзликни англаш йўлидаги ҳаракатлар, муҳими, ҳақиқат, гурур, қадр, оқибат, меҳр, ишонч сингари ахлоқий тушунчаларнинг фалсафий моҳиятини очишга қаратилган.

Асар қахрамонлари Эсон бодхўр билан Эшонкул характер-хусусиятларини китобхонга таништиришда насрдан фойдаланилади: “Эсон бодхўрни танирмидинг? Шўрариқ тўпаридан. Кўрмаган бўлсанг эшитган чиқарсан. У тўғрисида кўп гапириб юришди. Сўкиб юришди. Уччига чиққан мақтанчоқ, маҳмадона, такаббур эди-да ўзиям. Кўрганам-кўрмаганам потмачумчукқа ўхшатарди. Бунақаларни ўз номи билан гуппи дейишади. Икки гапининг бирида ман дерди. Кўкрагига урарди”². Шоир бунда “ман” сўзига алоҳида эътиборни қаратади. У салбий маънода гердайиш тушунчасини ифода этади. Шоир бу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг шу сўзга муносабатини келтириб, “ман” дейиш факат Оллоҳга ярашиқлигини эслатади. Чунки инсон Оллоҳнинг мўмин бир бандасидир. “Ман” дейиш эса унинг характерида такаббурлик илдиз отганини кўрсатади.

Эшонкул исмли дарвештабиат бир киши ҳақида шоир ёзади: “... Кўтарма гузарида феълли, орқали бир киши бўлгучи эди:

Тонгда ўлтирарди қиблага қараб,

Кун чиқарга бокиб турарди шомда.

Отини Эшонкул дейишарди. Яқинда оламдан ўтди, бечора! Имони билан кетди. Кўпам қарри эмасди. Борган бўлса, қирқларда эди-да ёши... Эшонкул чархнинг нотантилигидан, ёлғончилигидан, масхарабозлигидан зардобга тўлиб кетган кўнглини бўшатиб юргувчи эди” (84-бет).

¹Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonларининг поэтикаси. ДД. Тошкент, 2004. 171-б.

²Отамурод И. Тағаззул. Тошкент: Шарқ, 2008. 83-б.

Поэмада лирик қаҳрамон монологлари шеърӣй шаклда ифода этилган. “Ўй” сарлавҳаси остида берилган, фалсафийлик руҳи билан йўғрилган мисралар қатида ҳаёт ҳақидаги қарашлар акс этган.

Одамнинг ўзлиги. Недир бу ҳодис:
Қандай кўринишда акс этади у,
Қандай шамойилда топади шакл,
Азалий маъноси нима дедингми?
Бу хотиранг, қадамиятинг, номинг,
Лисонинг, Ватанинг, ҳақиқатинг ва
Юрагинг куввати – эрку ихтиёр,
Сўзинг равон этган номус ва оринг (88-бет).

Демак, инсон ўзлиги хотира, қадамият, ном, лисон, ватан, эрку ихтиёр, номус-ор сингари тушунчаларда тажассум топади.

Ақли сийрак, фаҳми нотавон зотлар:
Аъмоли ўмариш,
Қилмиши найранг.
Шулар ич-ичидан ҒУРУРга ётлар
Шулар – ҚАДРИЯТга зимдан тиш қайрар.
Бунча нодонлигу жаҳолат надир.
Эркингни танигин кеч бўлмай фақат.
Ўзлинг – руҳингда уйғонган ҚАДР.
Рухингда портлаган ҒУРУР – ҲАҚИҚАТ! (88-89-бетлар).

Турфа инсонларнинг кечинмалар манзарасини акс эттирувчи бу мисралар ҳаётӣй мазмун касб этади. Зеро, ғурур, қадрият, ҳақиқат каби тушунчалар қалб билан идрок этилади. Улар инсон маънавиятини белгиловчи мезон сифатида майдонга чиқади. Поэмада эркка ва уни танишга интилиш сари даъват бор. У шоирнинг ғоявий-бадийий ниятини ифодалайди. Шоир халқ дostonларига хос наср билан назм уйғунлиги услубини бир қадар янгилаб, унга замонавий руҳ бағишлашга ҳаракат қилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган поэмаларда *халқ дostonлари қаҳрамонларининг талмеҳ қилиб келтирилиши уларга хос яна бир муҳим хусусиятлардандир*. Бу жиҳатдан О.Ҳожиеванинг “Нажот”, “Нозик”, О.Матжоннинг “Нега мен”, Т.Сулаймоннинг “Харсанг” сингари дostonлари эътиборлидир. О.Матжоннинг “Нега мен” поэмаси турғунлик йиллари фожиаларини акс эттиради. Шоир давр моҳиятини ёркинроқ очиш мақсадида халқ дostonи образлари Гўрўғли ва Ёсуманга мурожаат қилади:

Ногаҳон бемаврид чакқандай чакмоқ,
Гўё ўша, тонгга яқин маснадда
Гўрўглининг отин ўгирлаб қочмиш
Ёсуманлар чиқди бизнинг давлатда¹.

Шоир собиқ тузум фожиалари – турғунлик йилларида юз берган (пахта яккаҳокимлиги) воқеаларни тасвирлар экан, фожа сабабчиларини Ёсуманга (бу образ эртақ ва дostonларда кўпроқ салбий мазмун ташийди. “Гўрўгли” дostonида ҳам худди шундай эпизод мавжуд), халқни эса Гўрўглига қиёс этади.

Жамол Камолнинг уруш мавзуидаги “Эшикда ой тўлкини” дostonи “ўлимларни хатлаб ўтиб”, жанггоҳлардан соғ-омон қайтган Мансур ҳаёти ҳақида сўзлайди. Уруш йилларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган, шу юртга меҳр қўйган поляк кизи – Нинага Мансурнинг ишқи тушади. Мана шу илиқ муҳаббатни таъсирчан тасвирлаш учун шоир талмеҳга мурожаат этган:

Тоғам Зухросини топган Тоҳирдек
Яшарди севгининг сеҳри билан маст.

Маълумки, ишқ тимсолларига айланган Тоҳир ва Зухро шу номдаги халқ дostonининг қаҳрамонларидир. Шу боис Мансур Тоҳирга, Нина эса Зухрога қиёсланияпти. Бу талмеҳда икки ёш қалбида уйғонган ишқ Тоҳир ва Зухранинг ўтли муҳаббатига ўхшатиляпти.

О.Ҳожиева “Нажот” дostonида яқин ўтмишимиздаги китобхонлик давралари манзараларини чизади:

Бобожони ўқирди такрор:
Ҳофиз каби майин, пурмаъно
Ул китобни тунлари бедор,
Қишлоқ аҳли тингларди шайдо.
Авазхону гариб Кунтуғмиш
Мисқол пари бўларди меҳмон
Рустамхону Барчин, Алпомиш
“Гурунглашар” эди бир майдон.
Сўз ёритган мажлисонага
Гўрўглибек кўчиб келарди².

¹Магжон О. Нега мен? // Шарқ юлдузи, 1990 йил, 6-сон. 41-б.

²Ҳожиева О. Кўзимнинг оқу қароси. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 294-б.

Авазхон, Кунтуғмиш, Мисқол пари, Рустамхон, Барчин, Алпомиш, Гўрўглибек халқ дostonларининг қахрамонлари ҳисобланади. Шоира шуларга ишора қилиш асносида гўзал талмеҳ яратган ва у орқали ўзининг ғоявий ниятини баён этишга ҳаракат қилган.

Дostonдаги “Хатар водийсидан афсона” деб номланган қисмда шундай мисралар мавжуд:

Қалдирғочдай баҳор истаб келдингми?

Авазхондай бир ёр истаб келдингми?..(318-б.).

Маълумки, Авазхон “Малика Айёр” халқ дostonининг бош қахрамонларидан бири, Гўрўглининг ўғли. Дostonда ҳикоя қилинишича, Авазхон отаси Гўрўгли учун торкистонлик Малика Айёрни излаб узок хатарли сафарга чиққан эди. О.Ҳожиева ҳам Авазхонни тилга олиш орқали шу воқеага ишора қилади. Яъни аёвсиз афгон урушига кетган ўзбек ўғлонлари Авазхонга қийёсланади.

О.Ҳожиеванинг “Нозик” поэмасида “Алпомиш” дostonи қахрамонлари Алпомиш билан Барчинга ишора қилинади:

Кутди уни тонгда сабо –

Кутганидай ғунчалар.

Алпомишни Барчин ҳатто

Кутмагандир бунчалар¹.

Бунда шоира Нозикни Барчинга, Расулжонни эса Алпомишга қийёс этади. “Алпомиш” дostonида Барчин Алпомишни етти йил интиқлик билан кутганлиги тасвирланган. Поэмада ҳам қимматбаҳо тақинчоклар олиш учун кетган Расулжоннинг йўлига Нозик шундай интизорлик билан кўз тутаяди. Демак, мазкур талмеҳ дostonнинг эпик мазмунини ёрқин ифодалаш билан бирга, бош қахрамон Нозикнинг айрилиқдаги, ҳижрондаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган.

Тўра Сулаймоннинг “Харсанг” эртак-дostonидаги қуйидаги парча эътиборни тортади:

– Серфарзанд кишилардан

Бўлсин бу жон садаға.

Дунёнинг энг қизиғи

Бордир боласиз зотга

Ё Гўрўгли мисоли

Меҳр қўйдингми отга².

¹Ҳожиева О. Дostonлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 33-б.

²Сулаймон Т. Гулшан. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 81-б.

Гўрўгли шу номдаги туркум халқ дostonларнинг бош қахрамонидир. “Равшан” дostonида ҳикоя қилинишича: “Бурунги ўтган замонда. Элиюрти омонда, Бухородан туманда,... Ёвмит элида, Чамбилнинг белида Гўрўглибек даврини суриб ўтди... Қирқ йигитни йиғдириб, силовсин тўн кийдириб, ... сермойли паловга тўйдириб,... кўпкарисини чоптириб,... Юнус билан Мисқол парини Кўйи Қопдан, Ирам боғидан келтириб, умр ўтказар эди”¹. Гўрўгли ўзи фарзанд кўрмаган. Шунинг учун Ҳасанхонни Ваянгандан, Авазхонни эса Хунхордан олиб келиб, уларни тарбиялаб ўстиради. Шоир Т.Сулаймон ўз поэмасида ана шу эпик воқеага — Гўрўглининг фарзандсизлиги мотивига ишора қилиш орқали, асар бош қахрамонларидан бири - катта аканинг бефарзандлик туфайли ранж тортишини, дашном эшитишини таъсирчан очиб беришга уринади. Бунда Гўрўгли исмининг талмеҳ сифатида келтирилиши тафсилотбозликнинг олдини олиш баробарида асарнинг халқчил руҳини кучайтирган.

Кўринадики, шоирларимиз халқ дostonлари қахрамонларини замонавий поэмачилигимиз бадийий структурасига талмеҳ қилиб олиб кириш орқали улар руҳий оламини таъсирчан ифодалашга, асарнинг эпиклик жиҳатини ёрқин намоён этишга, ғоявий-бадийий мазмунини кучайтиришга эришганлар.

Демак, кейинги йиллар поэмачилигида халқ дostonлари услубини қўллаш ижодкорга воқеликни миллийлик либосида, халқчил руҳда ифодалаш имконини берган. Айни пайтда бу анъанавийликка вориийлик бўлиб, ўзига хос новаторликни ҳам вужудга келтиради. Шоирларимиз халқ дostonлари услубини шунчаки асарларига кўчириб қўя қолмаяпти, ундан тасвир усули сифатида фойдаланиб, бадийийликнинг янги қирраларини намоён этаётирлар. Айни пайтда воқеликка ўз муносабатларини - эстетик позициясини ҳам билдирадilar: ана шу нуқтаи назар таассуротида тугилган туйғуларини ҳам акс эттирадilar. Бу хусусият дostonларни ўқимишли қилиш билан бирга уни халққа янада яқинлаштиради. Шулар асосида куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, XX асрнинг иккинчи ярмида халқ дostonчилиги услубида ёзилган поэмаларнинг ўзига хос бадийий тизими вужудга келди. Юқорида таҳлил этганимиз Т.Сулаймоннинг “Қорасоч” “Интизор”, “Қораялоқ”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи”, О.Ҳожиёваннинг “Нажот”, С.Саййиднинг “Тўполондарё билан

¹Равшан (дoston). Нашрга тайёрловчи Ҳ.Зарифов. Тошкент, 1954. 3-б.

хайрлашув”, И.Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғрик” сингари поэмалари бу жиҳатдан мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Улар орқали фольклор ва ёзма адабиёт алоқадорлиги янада мустаҳкамланиб, юксак тадрижий босқичга эришиб бораётганлиги кузатилади.

Иккинчидан, халқ дostonлари услубида поэма яратиш анъанавий бўлиб, ўз навбагида, бу ворисийликни вужудга келтирди. Мазкур адабий жараёнга хос новаторона белги шундан иборатки, шоирлар замонавий воқеликни анъанавий услубда бадиий ифодадилар ва шу асосда ўз асарларида халқчил руҳни таъминлашга эришдилар.

Учинчидан, халқ дostonлари услубини қўллаш натижасида поэмаларнинг ҳам лиро-эпик, яъни наср ва назм уйғунлигида яратилган янгича жанр кўриниши вужудга келди. Уларнинг насрий қисмида худди халқ дostonларидаги каби сажга асосланган ифода услуби етакчилик қилади.

Тўртинчидан, шоирлар халқ қаҳрамонлари номидан талмех яратиб, асар қаҳрамонининг реал қиёфасини, давр моҳиятини ёрқинроқ очишга, поэманинг эстетик таъсир кучини, ҳаётий мазмунини кучайтиришга эриша олдилар.

2-фасл. Мумтоз дostonчилик йўналишидаги поэмалар

Ўзбек мумтоз дostonчилиги ўзининг кўп асрлик анъаналарига эга. Ушбу анъанавийлик хусусияти уларнинг шакли ва мазмуни билан боғлиқ, албатта. Мумтоз дostonлар, асосан, аруз вазнида ва маснавий шаклида яратилган. Мазмун жиҳатидан эса улар маърифий, ахлоқий, диний-фалсафий, тасаввуфий мавзуларда ёзилган. Мумтоз дostonчилик анъаналари адабиётимизда бир қатор янгича йўналишдаги поэмалар яратилишига замин бўлиб хизмат қилди. Мазмунига кўра уларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Диний-фалсафий, тасаввуфий мавзудаги поэмалар (А.Маҳкамнинг “Ишқ”, “Таважжух”, “Фотиҳа”, “Тўрт дарвиш”, Э.Шукурнинг “Нақшбанд”, Ш.Қурбоннинг “Сўз йўли” поэмалари).

2. Маърифий дostonлар (О.Матжоннинг “Минг бир ёғду” асари).

Олис ўтмишимизда ёрқин из қолдирган тарихий шахслар ҳаёти, тақдири ҳақида диний-фалсафий, тасаввуфий мавзуда поэмалар ёзиш ўтган асрнинг 90-йилларида ўзига хос анъана тусини олди. А.Маҳкамнинг “Таважжух”, Эшқобил Шукурнинг “Нақшбанд”, Ш.Қурбоннинг “Сўз

йўли”, И.Отамуроднинг “Тағазул” сингари поэмалари диний-фалсафий ва тасаввуфий мавзудаги асарлардир.

Ўзбек мумтоз дostonчилигидаги муҳим хусусиятлардан бири дostonларнинг ҳамд, наът, сано тарзида бошланишидир. Зомонавий поэмачилигимизда бу анъана А.Маҳкам ижодида ижодий давом эттирилди. Шоирнинг тасаввуфий руҳ ва мазмун билан суғорилган “Таважжуҳ”, “Тўрт дарвиш”, “Ишқ”, “Фотиҳа” сингари поэмалари шу жиҳатдан эътиборли. Хусусан, шоир дostonларининг номланишида тасаввуфий руҳ сезилади. Шу боис С.Н.Иброҳим: “Асқар Маҳкам яратган асарлар - бу биз кўниккан шеърийат эмас. Бу шеърийатни махсус лисоний, рухий-маърифий тайёргарликсиз ўқиб, ўрганиб бўлмайди”, – деб ёзади¹. Мазкур фикр шоир дostonларига бирдай дахлдор. Шундан бўлса керак, шоир поэмаларини тасаввуфий номлар билан атади. Бинобарин, “Фотиҳа” деб аталган дostonи Куръони Каримнинг алоҳида бир сураси “Фотиҳа” номига боғланган. Шоир дostonни: “Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан”, – дея бошлайди ва насрий шаклда ёзилган матн билан давом эттиради: “...Аммо у – Раҳмон ва Раҳимдирки, сиз ва менга эмас, оёғимиз остида ушалиб ётган хазонга ҳам, ҳув, баланд чинор шохидаги салобатли ва осуда лайлакка ҳам, мана бу ғуж-ғуж кумурсқаларга ҳам меҳрибон ва шафқатлидир.

...Аммо у – Раҳмон ва Раҳимдирки, бутун-бутун эллар унинг заминида қон тупуриб, депсиниб, қутуриб, Унга қарши жанг эълон қилса-да, бу қонхўрлар инсофга келиб қолар, деб ерни шопириб юбормайди.

....Аммо у – Раҳмон ва раҳимдирки, меҳр-шафқатнинг юзига тупуриб, хотин, бола-чақалар устидан истибдод отини сураётган ноодамларнинг ҳам тавба-ю истиғфориغا умид қилади”².

Асарнинг бу тарзда бошланиши бежиз эмас. У Куръони Каримнинг “Фотиҳа” сурасидагидек “Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим” (Меҳрибон ва Раҳмли Оллоҳ номи билан) тарзида ибтидо топади. Бу, биринчидан. Иккинчидан, А.Маҳкамнинг асарни айнан Куръони Каримдаги бир сура номи билан агаши сабаби аёнлашади. Учинчидан, ўзбек мумтоз дostonлари, аниқроғи, Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул аброр” асари: “Бисмиллоҳир-раҳмонир раҳим, Риштаға чекди неча дурри ятим” деб бошланади. Шундан сўнг Оллоҳга ҳамд ўқилади: “Ул холиқ ҳамдиким,

¹Иброҳим С.Н. Руҳнинг рангин садолари / Асқар Маҳкам. Ҳақ. Сайланма. Душанбе: Адиб, 1998. 14-б.

²Маҳкам А. Ҳақ. Сайланма. Душанбе: Адиб, 1998. 324-б.

махлуқот тасвирига анинг қалами сунъи чехракушодурур ва машуот таҳририга анинг хомаи ҳикмати жамолафзо ва ҳар кўнгул ғунчасига бир ҳуш гули сори анинг силсилаи шавқидин вобасталиғ ва ҳар кўз ахтариға бир қош ҳилоли сори анинг риштаи муҳаббатидин райвасталиқ”¹.

Эътибор берилса, икки дostonдан келтирилган парча ҳам Яратганнинг фазилатлари, унинг буюклиги, ҳар ишга қодирлиги васфиға қаратилган. Демак, Асқар Маҳкам мумтоз адабиётга хос мазкур анъанага ижодий эргашиб, поэманинг тасаввуфий руҳини ёрқин ифодалашга ҳаракат қилган.

“Ишқ” поэмасида ҳам мумтоз дostonчилик анъанаси сезилади. Бу, аввало, асарнинг ғазал шакли ва оҳангидаги сатрлар билан ибтидо топишида кўринади:

Сен менга жазо бергил, ошкора сазо бергил.
Кўйида адо бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Қисматки азал шулдир, ёндир, мени куйдиргил,
Дардимга даво бергил, эй Ишқ – балойи жон!
Гар йўқману пайдоман, йўқсилману дороман,
Созимга садо бергил, эй Ишқ – балойи жон!..

Кўринадики, юқоридаги сатрлар ғазал каби а-а, б-а, г-а, д-а тарзида қофияланган; сазо - адо - даво - садо - асо - расо ва ҳоказо қофиядош сўзлар оҳангдош-ликни вужудга келтирган. Мазкур асарнинг номланишида ҳам тасаввуфий руҳ сезилади. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ёзади: “Ишқ уч қисмга бўлинади: Биринчи қисм – оддий одамлар ишқи бўлиб, халқ орасида машҳур ва кенг тарқалгандир...

Иккинчи қисм – алоҳида фазилат эгаларига хос ишқ бўлиб, бу хос ишққа мансуб шахслар пок кўзни пок ният билан пок юзга соладилар ва пок кўнгил у пок юзнинг шавқи-завқи билан беқарор бўлади...

Учинчи қисм – сиддиқлар – ҳақгўйлар ишқи бўлиб, улар Ҳақнинг жамолини очиқ кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг учун матлубдирлар”².

Асқар Маҳкамнинг “Ишқ” поэмаси айнан ҳақгўйлар ишқи – илоҳий ишқ мавзуйига бағишланган. Асардаги Гадо қаландар тимсолида намоён бўлади. Қаландарлар эса бу дунё хою ҳавасларидан юз буриб, дарвешлик

¹Alisher Navoiy. Hayrat ul-abror. Toshkent: G.G`ulom nomidagi Adabiyot va san`at nashriyoti, 2006. 15-b.

²Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983, 52-54-б.

йўлини тутган кишилардир. Қаландария эса тасаввуфдаги алоҳида бир тариқатнинг номи. Демак, шоирнинг Гадони етакчи образ даражасига кўтариши замирида мана шу ғоявий-бадий мақсад яширинган. Поэмада мазкур образ билан боғлиқ зикр, тасбиҳ, асо, хуржун, качкул сингари ифоданинг қўлланилиши ҳам тасаввуфий мавзуда ёзилганидан далолат беради:

Офариниш тилсимлари тилсиз эди...

Офариниш ҳодислари асрор эди, шарор эди

Офариниш...

Офариниш...

Офариниш...

Ҳаққо нечун тупроққа жон

Ҳаққо нечун жонга иймон

Ҳаққо руҳ не не бу сайрон

Ҳаққо руҳ не – бу саргардон

бу саргардон

бу саргардон

бу саргардон¹.

Мукаррар мумтоз адабиётда кенг қўлланган санъат турларидан бири. Юқоридаги мисралар бадиияти ва фалсафий моҳияти мукаррар санъати орқали таъсирчан ифодаланган. Яъни сўзларнинг такрор ҳолда: офариниш-офариниш-офариниш, бу саргардон-бу саргардон-бу саргардон тарзида келиши натижасида асарнинг тасаввуфий мазмуни кучайтирилган ва ички муסיқийлик, ўзига хос оҳангдорлик вужудга келган. Шу руҳ ва усул асар охиригача давом этади; унинг самараси ўлароқ қаландар образи бўй кўрсатади.

Шоирнинг “Эй балосоз эй нағмасоз эй қазосоз эй садосоз эй сафосоз эй азосоз” (316-б.) дейишида ўзига хос мазмун бор. Бунда олам ва одамнинг яратувчиси, ҳар ишга қодир ягона Оллоҳни ҳамд қилмоқда ва айни поэтик манзара ғазалларда қўлланадиган мусажжаъ санъати – ички қофиядош сўзлар орқали китобхонга етказилмоқда.

Асқар Маҳкамнинг Бобурга бағишланган “Таважжух” поэмаси ҳам тасаввуфий мазмун-моҳияти билан ажралиб туради. Бунда лиро-эпик ифода устунлик қилади. Шоир Бобур ҳаётининг миллат ва Ватан тақдиридаги ғоят муҳим нуқталарини, руҳий ҳолатларини қаламга олади. Хусусан, асарнинг “Мирзо Бобур тазарруси”, “Мирзо Бобурнинг муроқабаси”,

¹Маҳкам А. Ҳақ. Сайланма. Душанбе: Адиб, 1998. 315-б.

“Мирзо Бобурнинг пири Шайх Ҳикматуллоҳ ибн Зиёдуллоҳга макту-би” фаслларида ана шу руҳ ёрқин сезилади. Поэма инсоннинг яшашдан мақсади, руҳ ва нафс муносабати масалаларини бадиий талқин этишга бағишланган. Айни пайтда Бобур дунёқараши, изтиробли кечинмалари мактублар тарзида ифода этилган. Ушбу усул асарнинг шакл жиҳатидан ҳам янгича йўналишдаги поэма эканлигини тасдиқлайди. С.Н.Иброҳим бу дostonни “бетакрор услубда битилган” дея таърифлайди. Аслида ҳам шундай. Шоирнинг ҳар тўрт поэмаси ҳам бетакрор услубда яратилган. Сабаби, мазкур асарларга мазмун жиҳатдан бошдан-оёқ мумтоз дostonлар руҳи сингдирилган. Уларда тасаввуфий атамалар (таважжух, тазарру, мувоқиб, қаландар, тасбеҳ, асо, качкул каби) кенг қўлланилиб, шоирнинг ғоявий-бадиий мақсадини юзага чиқарувчи восита вазифасини ўтаган. Шаклий жиҳатдан эса “Фотиҳа” поэмаси мумтоз дostonлардаги каби оллоҳга ҳамд билан, “Ишқ” асари эса ғазал оҳангидаги сатрлар билан бошланган. Асқар Маҳкам дostonларининг замонавийлик хусусияти, “азалий ва абадий фожиалар гирдобиди” (С.Н.Иброҳим) яшаётган инсоннинг изтиробларини суратлантириши билан белгиланади. Бу эса лирик поэмачилигимизнинг бадиий-эстетик такомил жараёнида эришаётган етакчи хусусиятларини кўрсатади.

Адабиётшунос Ш.Ҳасанов 90-йилларда яратилган поэмаларни таҳлил этар экан, ёзади: “Бугунги дoston комиллик масаласини фалсафий талқин этаётган экан, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий, Боязид Бистомий, Нажмиддин Кубро, Алишер Навоий сингари комиллик мартабасидаги шахслар унинг сюжетидан қонуний жой олмоқда. Ижодкор эса ўзининг ахлоқий, маърифий қарашларини шу образларнинг шахсий сифат ва фазилатларига таяниб рўёбга чиқармоқда”¹. Эшқобил Шукурнинг Баҳовуддин Нақшбандга бағишланган тарихий-фалсафий, тасаввуфий мавзудаги “Нақшбанд” поэмаси мана шу йўлдаги изланишлардан бири сифатида аҳамиятлидир. Унда Бобойи Самосий, Амир Кулол, Баҳовуддин Нақшбанд сингари авлиёлар образига чизгилар берилган. Шоир тарихий шахслар образларини бадиий гавдалантириш орқали ёш авлодни узоқ ўтмишимизда яшаб ўтган, каромат ва башоратлари билан инсоният аҳлини ҳамон ҳайратга солиб келаётган сиймолар ҳаётини ёритишни кўзлайди.

Асардаги лиро-эпик тасвир ўзгача. Ундаги эпиклик чуқур лиризм билан уйғунлашиб кетган. Баҳовуддин Нақшбанднинг туғилиши, ка-

¹Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. ДД. Тошкент, 2004. 188-б.

молга етиши жараёнлари лирик ифода уйғунлигидаги сюжетда инкишоф топа борган. Эшқобил Шукур Баҳовуддин ҳаётидаги энг характерли даврларни қаламга олади. Шулардан бири унинг таваллуди билан боғлиқ. Ҳиндувон бўйлаб ўтиб кетаётган қарвон билан бораркан, улуғ мутасаввиф Бобойи Самосий шу юртда бир ўғлон туғилишини башорат қилади. Буни бирламчи манба Алишер Навоийнинг “Насойимул муҳаббат” асаридаги қуйидаги мулоҳазалар тасдиқлайди. Хожа Али Рометанийнинг шогирди Хожа Муҳаммад Бобойи Самосий “Қасри Ҳиндувондан ўтарда дер эмишларки, бу туфроғдан бир эр (ўғил бола) иси келадур. Қасри Ҳиндувон Қасри Орифон бўлғай”¹. Иккиламчи манба Ҳ.Ҳомидийнинг “Тасаввуф алломалари” китобида ҳам шу ҳақда фикр юритилади². Эшқобил Шукур поэмада ана шу маълумотни бадий қайта ишлаган.

Бобойи Самосий отдан тушдилар,
Бир чайқалиб кетди Қасри Ҳиндувон,
Бир булоқ кўз очди босган изидан,
Хизр ҳассасидан ёққандай имон³.

Маълумки, Бобойи Самосий тарихий шахс бўлиб, ўзининг юксак диний эътиқоди, илми, башоратлари билан тасаввуф оламида шуҳрат қозонган. Асарда унинг мана шу жиҳатларига алоҳида урғу берилган. Шоир Бобойи Самосий отдан тушган пайтларида Қасри Ҳиндувоннинг “бир чайқалиб кетиши”, унинг изидан “бир булоқнинг кўз очиши” кабилар авлиёнинг ғайриоддий хислатларига, қароматларига ишорадир. Айни пайтда Эшқобил Шукур Бобойи Самосийнинг Қасри Ҳиндувонда тўхташининг сабабини ҳам очишга интилади:

Ҳиндувон тупроғин ҳидладилар сўнг
Абад шамолларин бўйлар эдилар.
Илҳом товуш берди пирнинг тилида
Тупроқ хикматидан ўқиб дедилар:
“Бу тупроқдан бир эр иси келадир,
Ул эр файзи билан Қасри Ҳиндувон
Кун етиб Қасри Орифон бўладир”(231-бет).

¹Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. Насойим ул-муҳаббат. Тошкент: Фан, 2001. 256-257-б.

²Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. Тошкент: Шарқ, 2004. 178-б.

³Шукур Э. Ҳамал айвони. Тошкент: Шарқ, 2002. 231-б. (Кейинги парчалар ҳам шу манбадан олинади).

Бобойи Самосий тупрокни ҳидлаб кўриб, Ҳиндувонда бир авлиё туғилишини олдиндан айтади. Мазкур лавҳаларда дostonнинг эпиклик жиҳатлари бўриб кўринади.

Эшқобил Шукур бу воқеликни тасаввуфий мазмун орқали янада жонли ва табиий йўсинда ифодалашга эришган. Ҳақиқатан, Бобойи Самосий Баҳовуддиннинг дунёга келишини башорат қилган пайтида у онасининг қорнида эди. “*Ёғдулар ёғмурдай ёғилган чоқда*” мисрасидаги товуш аллитерацияси ва тағйир санъати поэтик фикрни таъсирчан ифодалаш имконини берган; шу йўл билан шоир пирнинг башоратидан сўнг Ҳиндувон янада ёруғ бир маконга айланганлигини ёрқин ифода этади. Айни шу мисралар асарнинг лириклик жиҳатларини намоён қилади. Ёхуд асардаги яна бир ҳолат алоҳида диққатни тортади. Бобойи Самосийнинг башорати билан алоқадор руҳий кечинмани шоир шундай тасвирлайди:

Оллоҳ кипригида осилиб турган
Юлдузлар ҳаққи Пир башорат этди.
Оллоҳ нафасидан ҳаракат топган
Ой, Қуёш ҳаққи Пир башорат этди...
Умнатлар дилига умидвор боққан.
Зулматлар қаърида қуёшлар ёққан.
Оламлар сарвари Муҳаммад ҳаққи.
Ҳақиқат ҳаққи Пир башорат этди (231-232-бетлар).

Эътибор қилинса, тасвирлар ниҳоятда оҳорли. Шоир юлдузларни “Оллоҳ кипригида осилиб турган”, ой ва қуёшни “оллоҳ нафасидан ҳаракат топган” ҳолатда ифода этади. Бу билан шоир дунёнинг, биз яшаб турган оламнинг оллоҳ томонидан яратилганлигини назарда тутади. Айни пайтда талмеҳ билан зийнатланган юқоридаги сатрларда илоҳий-тасаввуфий мазмун балқиб туради. У орқали Исрофил, Идрис, Муҳаммад сингари пайғамбарлар номларига ишора қилинмоқда.

Алишер Навоий ўз фикрини давом эттириб, ёзади: “Ул эр исики, бизнинг димогимизга етар эрди, ортуқроқ бўлубтур, ҳамонки ул эр мутаваллид бўлибтур. Чун нузул қилибтурлар, ҳазрати Хожа Баҳоваддин валодатидан уч кун экандур. Аларнинг жадди бармуомала аларни кўксига қўйуб, ихлос ва ниёз била Хожа Муҳаммад Бобо дебтурларки, “Ул бизнинг фарзандимиздур ва биз ани қабул қилдуқ”¹. Поэмада ҳам ана шу

¹Алишер Навоий. Муҳаммад асарлар тўплами. 20 жилдлик. 17-жилд. Насойим улмуҳаббат. Тошкент: Фан, 2001. 256-257-б.

воқелик - Баҳовуддиннинг таваллуди бадий тўқима билан уйғунлашган ҳолда тасвирланган. Мазкур жараёни шоир Бобойи Самосий сафардан қайтаётгандаги ҳолати орқали реаллаштиради:

Бобойи Самосий, авлиё Бобо
Қасри Ҳиндундан қайта ўтар чок,
Ок чанлар тўзгиган сомон йўлида
Қадим ҳаёт билан сирлашди узок.
Бир зум тин олди-да, сўнгра дедилар:
“Димоғимиз сезган ўшал эр ҳиди бу гал
бу тупрокдан келди ортукрок” (232-233-бетлар).

Маълумки, Бобойи Самосий Баҳовуддинни ёшлиқдан фарзанд қилиб олган ва уни Амир Кулол тарбиясига топширган. Алишер Навоий мулоҳазалари мазкур фикрга ойдинлик киритади: “...Ва асҳоб сари боқиб, дебдурларки, “Бу ул эр (ўғил бола) дурки, бизга анинг иси етиб эрди, рўзгорнинг муқтадоси бўлғай. Ва Амир Саййид Кулолға буюрдиларки, “Фарзандим Баҳовуддин ҳақида тарбият ва шафқатни дариф тутмағайсан”¹. Поэмада ҳам шоир ушбу ҳақиқатдан чекинмаган: “Уч кундан сўнг Бобойи Самосийнинг осмоннинг ўнгири этакларига манглайига ой порлаган гўдакни куёш боласидай обкеб солдилар. Этаклари нурга чулганган Бобо уни фарзандликка қабул қилдилар” (257-бет).

Шоир ўз қахрамони – Баҳовуддинни “манглайида ой порлаган гўдак” дея таништирадики, бунда тасаввуфий руҳ сезилиб туради. Шу тасвир орқали китобхон шоир ифодалаётган воқеликнинг, у яратган бадий образнинг моҳиятини англашга интилади.

Поэмада Баҳовуддиннинг камолга етиши жараёни ҳам қаламга олинган. Унда ёзилишича, дин дунёсини, қаландарлар ҳаётини кузатган Баҳовуддин инсоннинг ёруғ дунёга келиши сабабларини излашга уринади. Ниҳоят, аллома бу дунёнинг орзу-ҳавасларидан воз кечмаган ҳолда Оллоҳ йўлида ибодат қилиб яшаш мумкинлигини тушуниб етади. Шу боис у “Дил ба ёру, даст ба кор” – “Кўнглинг Оллоҳда, кўлинг эса меҳнатда бўлсин” деган ҳаётий хулосага келади. Поэмада мана шу жараёнлар ниҳоятда ишонарли ифода этилган. Демак, эпиклик ва лиризмнинг уйғунлашганлиги асарда Баҳовуддиннинг туғилиши, болалик даври, камолот йиллари тасвири орқали реаллаштирилган.

Поэмада фалсафий мазмун, чуқур лиризм шоирнинг лирик монологлари, лирик эътироф, чекинмалари орқали юзага чиққанлигини

¹Ўша жойда.

кузатиш мумкин. Бу хусусият поэманинг кириш қисмидаёқ кўзга ташланади:

Бу –

Семурғ қони билан ёзилган китоб.

Қуёш томогида пиширилган таом...

Бу –

Ҳаққуш минқорида сайраган тарих,

“Ўлимсиз ҳаёт бу, ҳаётсиз ўлим” (229-бет).

Сўнгги мисра шоирнинг яшаш мазмуни ҳақидаги дастлабки теоремасифат қарашларидир. Чунки уларнинг жисми бу дунёни тарқ этса-да, номи билан эзгу амаллари ўлмасдир. Шундан сўнггина шоир воқелик тасвирига ўтади.

Эшқобил Шукур Бобойи Самосий, Баҳовуддин дунёқарашларига таяниб, бадий лавҳалар асосида ҳаётини хулосалар чиқаради. Бу поэмадаги лирик чекинишларда кузатилади. Шу маънода асарнинг олтинчи қисмини шоирнинг дунё ҳақидаги фалсафий қарашларининг жамулжами дейиш мумкин:

Одамлар қарийди, кунлар қаримас,

Авлодларни қаритиб, йиллар қаримас.

Вақтнинг шамолида дунё устунлари

Аччиқ қуюндилар учар сарбасар (233-бет).

Ёхуд поэманинг ўн еттинчи қисмида худди шундай ҳикматга йўғрилган лирик чекиниш мавжуд:

Хорлик тупроғида ободлик бордир.

Хоксорлик оёғида азизлик бордир (239-бет).

Шоирнинг бундай фикрга келиши бежиз эмас. Чунки хоксорлик – тупроққа тенг бўлиш тасаввуф фалсафасининг асосини ташкил этади. Шоир улўғ авлиёларнинг бадий сиймоларини яратар экан, уларнинг хорлик тупроғида ободликка эришганликларини, хоксорликлари тўфайли азизу мукаррам бўлганликларини алоҳида таъкидламоқчи бўлади. Айни шу ўринларда поэманинг тасаввуфий хусусиятлари юзага чиқади. Бошқа бир ўринда шоир яна ёзади: “Уйқу – тариқатдан енгилган ўлим” (239-бет). Биноборин, тасаввуф аҳли одамнинг уйқудалик ҳолатига ярим ўлим сифатида қарайди. Чунки кўп ухлаш инсонга берилган қисқа умрни беэмайдир. Шунинг учун мазкур мисралар қатида шоирнинг ҳаёт ва ўлим ҳақидаги қарашлари яширинган. Демак, шоир ўрни-ўрни билан ўзининг хис-кечинмаларини, воқеликка муносабатини лирик чекинишлар орқали

баён қилиб борган. Бу эса кейинги йиллар поэмачилигига хос муҳим хусусиятлардан бири сифатида гавдаланади.

Умуман, тасаввуфий мавзудаги “Нақшбанд” поэмаси Эшқобил Шукурнинг диний сарчашмаларга чуқурроқ кириб бораётганлигидан дарак беради. Энг асосийси, мазкур асар лиро-эпик поэманинг тасаввуфий, фалсафий мазмун билан йўғрилган янги бир кўриниши сифатида 90-йиллар ўзбек поэмачилигининг бадийи такомилида алоҳида ўрин тутди.

Икром Отамуроднинг “Тағаззул” поэмасида мумтоз дostonчилик анъаналари давом эттирилган. Шу билан бирга мутолаа давомида шоирнинг воқеликка, руҳият кенглиklarига янғича нигоҳ билан ёндашганлиги, “ҳиссий тафаккур ҳолатларини суратлантириш” (Н.Раҳимжонов)¹ сари интилаётганлигини кузатиш мумкин. Поэма “Хизонаи омира” китобидан олинган “Араб ва ҳинд шоирлари тағаззул биносини яратдилар” деган эпиграф билан бошланади. “Тағаззул” - бу ғазал сўзининг кўплиги бўлиб, ошиқлик, ишқий шеър маъноларини билдиради. Шоир сўзнинг ана шу маъноларидан келиб чиқиб, поэмага ёндашади. Тағаззул биноси бу ўринда рамзий мазмун ташийди. Чунки араб ва ҳинд шоирлари ғазалнинг юксак намуналарини яратган. Натижада “ғазал биноси” вужудга келган:

Тағаззул – кўп қадим бинодир, зотан,
Меъморлари – кангул фуқаролари.
Ишққа дохил суяги сурмаларга тан –
жисмимда ниш отган ишқ яролари².

Шоир тағаззулни “кўп қадим бино” дер экан, унинг Шарқ адабиётидаги кўплаб гўзал намуналарига ишора қилади. Маълумки, инсон танаси мукамал тузилган ва ундаги ҳар бир аъзо муҳим вазифани адо этади. Шоир инсоннинг тана тузилишига асосланиб, ғазал биноси тарҳини рамзий усулда чизади. Меъмор эса кўчма маънода кўнгили фуқароларидир. Демак, бу бинони муҳаббатдан озор чеккан қалблар кура бошлаган.

Тағаззул биносини шифтини беэба
терилган оғочлар – устихонларим.
Кўзларим – қалдирғочга интиқ дераза,
Нақшлар тўқиган сувоғ-қонларим (125-бет).

¹Раҳимжонов Н. Мустақиллик даври ўзбек шеърляти. Тошкент: Фаң, 2007. 166-б.

²Отамурод И. Тағаззул. Тошкент: Шарқ, 2008. 124-б. (Кейинги парчалар ҳам шу манадан олинди).

Тағаззул биносининг “шифтини безаб турган” — мустаҳкам сақлаётган турган огочлар эса лирик қаҳрамоннинг устихонлари — суякларидир. Бу мутаносиблик кейинги сатрларда янада тўлишиб боради. “Кўзларим — қалдиғочга интиқ дераза” сатри шоирнинг бетакрор метафорасидир. Чунки инсон аъзолари ичида кўзнинг бош вазифаси борки, бу кўришдир. Аслида кўзнинг деразага ўхшашлик асосида кўчирилишида ҳам шундай маъно бор.

Кўринадики, поэма бошланишидаёқ бетакрор рамзий-тимсолий ифодалар орқали ишқ биносининг сурати чизилади. И.Отамурод бунда инсон вужудидаги аъзолар қанчалик ўринга эга бўлса, тугса, ишқ биносиди ҳам улар шундай беназир вазифаларни адо этишини ўзига хос мутаносибликда очиб беради.

Асарнинг кейинги қисмида кўнгилга мурожаат муҳим ўрин эгаллайди. Бинобарин, ишқнинг макони кўнгил экан, шоир унга алоҳида мазмун юклайди:

Кўзларим селобин симирар қилқаб,
хузн дайросининг қовжираб лаби.
Эй мастона канглум, бу нечук хилқат —
мен каби нотавон, ғариб мен каби (126-бет).

Хузн сўзи арабча бўлиб, қайғу, ғам, ҳасрат каби маъноларни билдиради. Хилқат сўзи эса яратилиш деганидир¹. Кўзлар селоби — кўз ёшлари. “Дайронинг қовжираган лаби” ҳам метафорадир. Дарё сўзи эса тағйир санъати асосида дайрога айлантирилган ва бу эса шеърини сатрлар оҳангини мумтоз дostonларга яқинлаштирган. Ишқ ҳижрони, азоблари туфайли лаб қовжираган ҳолга келган. Демак, қайғу дарёсининг “қовжираган лаби” кўз ёшларни симиради. Шу боис ошиқ кўнгил ғариб ва нотавон маконга айланган.

Ҳолу ҳолотимга қатламу қатлам
ҳажр сиёҳидан битилган тасвир.
Эй мастона кўнглим, бу нечук матлаб,
фақат кангул билан анланувчи сир (126-бет).

Мукаррар санъати билан зийнатланган дастлабки мисрада (ҳолу ҳолот, қатламу қатлам) ошиқнинг қалб манзараси акс этган. Яъни “ҳажр сиёҳидан битилган тасвир”- ҳижрон ранглари ошиқ тарзининг қатқатигача сингиб кетган. Шу боис шоир яна кўнгилга мурожаат қилади.

¹Навоий асарлари луғати. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. 655, 779-б.

Поэмада фалсафийлик ва лиризм сатрдан сатрга ўтгани сайин кучайиб, бир-бирини бойитиб боради. Бинобарин, шоир бир ўринда кўнгилни “ишқ дардини ўстирган туфрок”қа, муҳаббатни эса кўнгилнинг таржимаи ҳолига менгзайди. Ёхуд ошиқ қалбидаги согинч ҳам турфа метафоралар воқитида фалсафий мазмун касб эта боради. “Соғинчим йўлларга тўкилган хазон, ўтган, қайтган пойи берур озорни” сатрларида бу ёрқин кўринади. Чунончи, хазон – ерга тўкилган кузги баргллар. Шоир соғинччи ана шу хазонга ўхшатади. Жавобсиз қолаётган муҳаббат эгасининг соғинчлари оёқ остидаги хазонга монанддир. Зеро, Шарқ ғазалиётида ҳижрондан зада бўлган қалб манзаралари юксак бадиий шаклда ўз ифодасини топган. Шу анъаналарнинг давоми ўлароқ И.Отамурод ҳам поэмага ғазал руҳини олиб киради. Гарчи асар шаклан аруз вазнида ёзилмаган эса-да, унинг мазмунида, ҳар бир сатрида ғазал руҳи сезилиб туради. Кўнгил, ишқ, ҳижрон, васл, соғинч сингари бадиий тимсоллар бор бўйи билан ўзини кўрсатиб туради; уларга шоир теран рамзий маънолар юклайди. Айни пайтда арабча сўзларнинг қўлланилиши ҳам поэмани моҳиятан мумтоз асарларга яқинлаштиради. Бу – кейинги йиллар ўзбек поэмачилигидаги алоҳида услубий йўналишни ташкил этади. Шу маънода Икром Отамуроднинг кўп йиллик ижодий изланишлари маҳсули бўлган “Тағаззул” достони лирик поэманинг янги бир фалсафий мушоҳадакорлик, тимсолли фикрлаш ва чуқур лиризм билан йўлланган кўриниши сифатида аҳамиятлидир. Поэмани ўқиш давомида китобхон ғазал оламига ошно тутинади. Чунки шоирнинг ҳар бир мисраси оҳорли ташбеҳлар, бетакрор метафоралар билан зийнатланган. Улар шеърхонни ҳаётни беқиёс тафаккур кенгликлари орқали чуқур англашга чорлайди. Асарнинг яна бир муҳим хусусияти, унинг монолог типига яратилганлигидир.

Демак, юқорида таҳлил этганимиз “Нақшбанд”, “Тағаззул” поэмалари ўзбек мумтоз дostonлари руҳида ёзилганлиги, ўтган асрнинг 90-йиллари ўзбек поэмачилигидаги ижодий-услубий изланишлар меваси сифатида ўзига хос аҳамият касб этади. Уларда комиллик сари бўй чўзаётган инсон, кўнгил нидоларига қулоқ тутгувчи шахс, ижтимоий ҳаётда содир этган хатоларидан озурда бўлган қалб тимсоллари ярақлаб туради. Бу эса шоирларимизнинг дунёга, ижтимоий воқеликка теран нигоҳ ташлаётганларидан, кўнгил деб аталмиш маҳзаннинг қат-қатларига тобора чуқурроқ кириб бораётганларидан далолат беради.

Омон Матжоннинг “Минг бир ёғду” поэмаси *маърифий* мазмун касб этади. Мазкур асар ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан мумтоз адабиётда-

ги дostonларни ёдга солади. У шаклий жиҳатдан Алишер Навоийнинг “Махбуб ул-қулуб” дostonи услубида яратилган. Алишер Навоий асарни насрий ва назмий шаклда ёзган. У ахлоқий, фалсафий қарашларини насрда баён этиб, хулосавий фикрларини киссадан ҳисса тарзида ўша матн мазмунига мос рубоий, қитъа ва фардлар орқали акс эттирган. Икки катта қисмдан иборат бу асарда шоир ҳар бир ахлоқий сифат ва фазилатларни таърифлайди; жамиятда яшовчи касб эгалари, олимлар, подшолар, турли табақага мансуб шахслар хусусиятларини насрий шаклда баён қилади; ўз хулосаларини тўрт, саккиз, икки мисрали сатрларда ифодалайди. Бинобарин, Алишер Навоий асарнинг “Қаноат” қисмида ушбу тушунча таърифини келтиради: “Қаноат бир чашмадирки, олган билан суви қуримайди; у бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилган билан камаймайди. У бир экинзорки, уруғи иззат ва шавкат ҳосилини беради; у бир дарахтдирки, унда қарам бўлмаслик ва ҳурмат меваси бордир...”¹. Шоир шу асосда қаноатнинг афзаллик жиҳатларини ёритиб, уни хасислик, тамагирик, нокаслик сингари ёмон хислатлар билан қиёслайди ва қарашларини рубоий орқали асослайди:

Ҳар кимнинг қаноатдек улуғ хислати бор,
Барча эл ичинда иззату ҳурмати бўлади,
Ҳар кимки тама ва ҳирсга бино қўйса,
Яхши-ёмон ичра хору наҳс кўринади (46-бет).

Мазкур мисралар шоирнинг қаноат ҳақидаги фикрларига яқун ясайди. Яъни, рубоий бунда киссадан ҳисса чиқариш вазифасини бажаради. Омон Матжон ҳам “Минг бир ёғду” поэмасида бугунги китобхонни Алишер Навоий асарлари, хусусан, “Хамса” мазмуни билан яқинроқ таништириш истагида бевосита мумтоз дostonчилик анъаналарига эргашади. Шоир айтилмоқчи бўлган бош ғояни сарлавҳага чиқаради, унинг моҳият-мазмунини очиб беради ва хулосавий фикр сифатида Алишер Навоийнинг “Хамса” дostonидаги мавзуга дахлдор сатрларни келтиради. Мисол учун:

“БОЛАЖОНЛИ ОТА фарзандининг Фарҳоддек етук-комил, уйнинг қалқони, элнинг кўрғони бўлишини истар! Бу боғда бегона дарахт йўқ. Фарзандлар камоли – эл камоли! Зийрак ва тадбиркор боғбон ҳар бир ниҳолнинг ҳолидан ҳар лаҳза хабардор; унинг ҳар куртак, ҳар баргидаги ўзгариш – боғнинг келажагидан хабардир;

¹Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. 45-бет.

Не ишким чарх этар изҳорин анинг,
Бурунроқ кўргузар осорин анинг.
“Жаҳонда қолмади ул етмаган илм,
Билиб таҳқирини касб этмаган илм.
Демонким кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку, сўзи поку, ўзи пок”¹.

Маълумки, Алишер Навоий ўзи яратган Фарҳод образида ҳар томонлама комилликни кўрган. Омон Матжон бу тимсолга юклатилган бадиий ғоядан келиб чиқиб, фарзандни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш хусусидаги қарашларини рамзий-фалсафий усулда насрий йўл билан баён этади. Яъни шоир отани боғбонга, фарзандларни эса боғдаги ниҳолларга қиёс этади. Боғбон ҳар бир ниҳолини меҳр билан ўстиргани каби ота ҳам ҳар бир фарзандига эътибор билан тарбия берса, улар орқали ёруғ келажакни яратади. О.Матжон ўз фикрларининг хулосаси сифатида “Фарҳод ва Ширин” достонидан Фарҳод характерини очиб берувчи сатрларни келтиради.

Асарнинг муҳим жиҳати, у маълум бир яхлит сюжет асосида қурилмаган. Балки “Маҳбуб ул-қулуб” достони услубига монанд замонавий ахлоқий-фалсафий фикрлар тажассумидан иборат маърифатномага айланган. Шу йўл билан шоир бугунги китобхонга Алишер Навоий “Хамса”си мағзини ташкил этувчи фикр ва ғояларни тушунтиришга, ўз таъбири билан айтганда, “минг бир хислатли – минг бир ёғдули бу асарни ташвиқ-тарғиб қилиш”га интилган ва натижада мумтоз адабиёт достонлари услубидаги поэманинг янгича жанр кўриниши вужудга келган. Айни пайтда достоннинг яна бир эътиборли томони, унинг бошдан-оёқ иқтибос санъати асосида қурилганлигидир. Умуман олганда, “Минг бир ёғду” Омон Матжоннинг поэмачиликдаги кейинги изланишлари самараси сифатида аҳамиятлидир.

Кўринадики, ўзбек мумтоз достонларига хос мавзу ва мазмун: тасаввуфий, фалсафий, маърифий ғоялар XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмалари руҳига сингдирилиб, воқеликни ифодалашнинг замонавий усулига айланган. Айни пайтда мумтоз достонлар шаклига хос жиҳатлар: эпик талқинда насрни, асар якунида шеърни қўллаш асосида бугунги поэмалардаги ибратли фикрларни тарғиб қилиш хусусияти намоён бўлди.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигининг муҳим хусусиятларидан бири шоирларимизнинг шаклий изланишлари билан боғлиқ. Ижодкорларимиз ўзбек мумтоз адабиётида анъанавийлашган адабий

¹Матжон О. Минг бир ёғду. Тошкент: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 69-б.

шакллардан фойдаланган ҳолда дostonлар яратдилар. Бу хилдаги поэмаларни шаклга кўра куйидагича гуруҳлаштириш мумкин:

1. Арузда ёзилган поэмалар (Ж.Камолнинг “Қуёш чашмаси”, «Шахрибону»).

2. Маснавий шаклида ёзилган поэмалар (Ж.Камолнинг, “Варахша”, М.Алининг “Бешгул”).

3. Қасида-поэмалар (М.Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Э.Воҳидовнинг “Тошкент садоси”, “Қуёш маскани”, Ж.Жабборовнинг “Қуёш юрти”, Т.Аҳмаднинг “Бухоронома” ва ҳ.к.).

Ўзбек мумтоз адабиётида дostonлар аруз вазнида ёзилган. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” дostonидан бошланган бу жараён Увайсий дostonларига қадар давом этганлиги маълум. XX асрнинг иккинчи ярмида бу шеърӣ анъана ўзбек поэмачилигида таниқли шоир Жамол Камол томонидан ижодий давом эттирилди. “Қуёш чашмаси” бунинг ёрқин далилидир.

Поэма аруз вазнининг рамали мусаддаси махзуф ёки мақсур тармоғида яратилган:

Шеъ-р(и) аҳ-ли/ тур-му-ши туй/-ғу э-кан
Туй-ғу шу о/-лам-да бир кўз/-ғу э-кан...
Кўз-ғу-дек мо/-вий, му-саф-фо/ бир са-ҳар
Мен гў-зал Бол/-қон са-ри қил/-дим са-фар¹.
Фо-и-ло-тун / фо-и-ло-тун / фо-и-лун

70-йилларда ўзбек замонавий арузининг жонланиши поэмачилиқда ҳам ўзининг ёрқин изини қолдиргани Жамол Камолнинг таҳлил этилаётган дostonи мисолида кузатилади. Адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул бу мулоҳазани куйидагича асослайди: “Шўро даврида Эркин Воҳидовгача ҳам арузда шеърлар ёзилган. Аммо Эркин Воҳидовнинг қасида ва ғазаллари улардан моҳиятда ва ифодада бутунлай фарқланади. Шу фарқланиш, яъни арузни янгилаш, очикроқ айтганда, “замонавийлаштириш” тамойили Жамол Камол ғазаллари ва “Қуёш чашмаси” дostonида ҳам ёрқин кўзга ташланади”². “Қуёш чашмаси” дostonи шоирнинг Булғория (Болгария)га сафари таассуротларидан сўзлайди. Поэманинг лирик қаҳрамони – шоирнинг ўзи. Асарнинг мазмун-моҳиятини уруш воқелиги ташкил этади. Поэманинг бошдан-оёқ аруз вазнида ёзилганли-

¹Жамол Камол. Дostonлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 55-б. (Кейинги парчалар шу китобдан олинади).

²Ҳаққул И. Шеърӣят – дард ва умид демак // “Бухоро мавжлари”, 2008 йил, 3-сон, 23-бет.

ги уни шакл жиҳатидан мумтоз дostonларга яқинлаштиради. Асарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, шоир арузни “замонавийлаштирган”, яъни замонавий мавзунини мумтоз оҳангда китобхонга етказа олган.

Маълумки, адабиётшунослигимизда маснавий жанри ва шакли фарқланади. Зеро маснавий жанри намуналари мумтоз адабиётимизда ҳажман ўртача ғазалдан каттароқ бўлган, а-а, б-б, в-в, г-г ва ҳ.к. тарзида қофияланадиган мустақил лирик жанрлардан бири бўлса, маснавий шакли унга хос қофияланиш тизимини ўзида сақлаган кенг ҳажмли лиро-эпик асарлар қурилишини англатади.

Ўзбек мумтоз адабиётида, умуман, Шарқ адабиётида дostonларни маснавий шаклида яратиш кўп асрлик анъана ҳисобланади. Масалан, Хоразмийнинг “Муҳаббатнома”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса” дostonлари худди шу шеърини шаклда яратилган бўлиб, уларда воқелик эпик усулда баён этилган. Шунинг учун Алишер Навоий маснавий орқали воқеликни кенг батафсил, яъни эпик ифода этиш мумкинлигини инобатга олиб, ёзади:

...Лекин ул барчадин дағи хуби,
Бор дурур маснавийнинг услуби...
Маснавийким бурун дедим они,
Сўзда келди васиъ майдони¹.

Адабиётшунос И.Султон маснавийнинг айнан шу хусусиятини назарда тутиб: “Воқеабандлик маснавийнинг характерли хусусиятидир... Шеър билан ёзилган сюжетли асар Навоий ва Бобур томонидан “маснавий” деб аталган, яъни “маснавий” лиро-эпик жанрнинг номи ҳам бўлган”, – деб ёзади². Академик Б.Валихўжаевнинг таъкидлашича, ўзбек адабиётининг XI-XIX асрлар мобайнидаги тарихида маснавий тарзида қофияланиш барча дostonларнинг хусусияти бўлиб қолган³. Демак, XX аср ўзбек адабиётида янги типдаги поэманинг пайдо бўлиши ва тараққий этиши мумтоз адабиётдаги маснавий жанри анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Бинобарин, ўтган асрнинг 30-йилларида Ғ.Ғуломнинг “Кўкан”, Ҳамид Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Зайнаб ва Омон”, Миртемирнинг “Аждар” сингари поэмалари маснавий шаклида ёзилганлиги маълум. XX асрнинг иккинчи ярми поэмачилигида мазкур жараён янада

¹Алишер Навоий. Сабаъи сайёр. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 35-б.

²Sulton I. Adabiyot nazariyasi. Toshkent: O`qituvchi, 2005. 179-b.

³Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. Тошкент: Фан, 1974. 22-бет.

такомнилашди. Айни пайтда маснавий шаклида ёзилган поэмаларнинг ўзи ҳам айрича хусусиятларга эга. Уларни куйидагича ички гуруҳларга таснифлаш мумкин:

1) тўлиқ маснавий шаклида ёзилган поэмалар;

2) маснавий шакли қисман асос қилиб олинган поэмалар.

М.Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Ж.Камолнинг “Қуёш чашмаси”, М.Алининг “Бешгул” сингари асарларини *тўлиқ маснавий шаклида ёзилган поэмалар қаторига* киритиш мумкин.

Мақсуд Шайхзоданинг “Тошкентнома” асари замонавий поэмачилигимиздаги маснавий шаклида ёзилган энг сара асарлардан биридир. Маълумки, маснавий “аруз ва бармоқда ҳам ёзилиши мумкин”¹. Ҳассос шоир ўзининг Тошкентга бўлган чексиз меҳри-эҳтиромини фалсафий мушоҳадалар билан йўғрилган сатрларга маҳорат билан тизади ва бармоқ вазидаги анъанавий маснавий шаклини қўллайди:

Шаҳарлар боқийдир, умр – ўткинчи,
Дарёлар собитдир, сувлар – кўчкнчи.

Ҳар ким ўз шаҳрида кўйган эсдалик:

Ё бино қуришда катта усталик,

Ё ширин латифа ёки ихтиро,

Ё дарахт, ё фарзанд, кўприк ё мисра.

Ё қўшиқ, ё дори, мактаб, соқчилик

Хулоса: дунёда бирон яхшилик...².

Эътибор берилса, поэма худди маснавий каби а-а, б-б, в-в, г-г... тарзида қофияланган. Яъни ўткинчи-кўчкнчи, эсдалик-усталик, ихтиро-мисра, соқчилик-яхшилик сингари сўзлар ўзаро оҳангдошликни - қофияни вужудга келтирган. Шу руҳ ва шакл асар сўнгигача давом этади. Бунда адабий шакл асар мазмунига мос келади. Чунки маснавийга хос муҳим жиҳатлардан бири – янги ўй ва туйғуларнинг раvon қуйланишидир. Шу боис мазкур усул “Тошкентнома” руҳига мувофиқ келади. Айни пайтда маснавий фалсафий фикрнинг изчиллигини таъминлайди. Гарчи дostonда воқеабандлик кўзга ташланмаса-да, маснавий воситасида Тошкент кўчалари, одамлари ҳақида яхлит тасаввур уйғонади. Демак, шоир услубининг ўзига хослиги шундаки, у маснавий шаклини бармоқ вазига мослаштирган.

Жамол Камолнинг уруш мавзуидаги “Қуёш чашмаси” поэмаси ҳам маснавий шаклида битилган. Асар бошдан-оёқ а-а, б-б, в-в, г-г... тарзида қофияланган.

¹Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент: Фан, 1992. 199-б.

²М.Шайхзода. Асарлар. Олти томлик. Иккинчи том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадий адабиёт нашриёти, 1971. 447-б.

Мавжланар эрди тасаввур чашмаси
Нурли ёшликнинг зилол, нур чашмаси.
Акс этарди унда ёрқин лавҳалар,
Ярк этиб гоҳида олтин лавҳалар.
Ўйлашардик: ул диёр тупроғи не,
Ул диёр тупроғи не, япроғи не (56-бет).

Юқоридаги парчада тасаввур – нур, ёрқин – олтин, тупроғи – япроғи сингари сўзлар қофиядош бўлиб, улар воситасида шоир воқеликни лиризм билан уйғун ҳолда акс эттиришга эришган.

Поэманинг яна бир характерли жиҳати, унда тасаввуфона руҳнинг мавжудлиги билан белгиланади. Шоир Булғория шаҳарларини кезаркан, майса, гул, лола билан сўзлашади. Ана шу гул, лола, майса аслида Ватан уруши қурбонлари тимсолида гавдаланади. Тасаввуф таълимотига кўра инсон танаси бу дунёни тарк этгач, у турли шаклда (дарахт, майса, гул ва бошқа) бўлиб ҳаётга қайтади. Поэмада айнан шу руҳ ҳукмрон. Буни маснавийга хос воқеабандлик асосида тасвир этилган айрим лавҳалар тасдиқлайди. Лирик қаҳрамон Георгий Димитров мавзолейини зиёрат қилади. Сўнгра йўли Варна, пахтакорлар ўлкаси Ямбол, Хасково каби масканларга тушади. У ерларни “бир ажиб ҳол” билан кезиб юрар экан, қабристонга дуч келади:

...Гул ўсарди боғ аро, бўстон аро,
Гул куларди мунгли қабристон аро!..
Гул ўпиб, гулзор аро гул танладим,
Гул узиб гул бирла суҳбат айладим (61-бет).

Ватан согинчи мавзуи адабиётимизда турфа оҳангларда куйланган. Бироқ мазкур поэмада бу ҳол ўзгача ранг ва оҳангда намоён бўлади. Чунки уруш туфайли хоки бошқа ватанда қолиб кетган ва лола, райҳон, атиргулга айланган ўзбек йигити ватандоши билан “дийдорлашганидан”, биттагина япроғининг ватанига боришидан ҳам таскин топади.

Поэмадаги яна бир жиҳат эътиборни тортади. Бу лирик қаҳрамоннинг ўрни-ўрни билан воқеликка муносабат билдиришида кўринади. Чунки шоир гулларга айланган юртдошларимиз билан суҳбат қурааркан, нафақат урушга лаънат ўқийди, балки юртдошларининг аччиқ қисматига чин дилдан ачинади:

– Шон-шараф бўлсин, фидойи жон, сенга
Ҳам муборак шу буюк майдон сенга.
Қай тил бирла тасалло айтайин,

Накди умрингга тасанно айтайин.
Сенки кардошликка жон бердинг ҳалол.
Безаволсан, безаволсан, безавол (64-бет).

Лирик қахрамон лола, атиргул, райҳон сингари турфа гуллар ва чечакларга айланиб, Ватан ишқини “қалбига” жо айлаган юртдошлар билан хаёлан суҳбат куради. Аслида бундай анъана мумтоз адабиётимизда анча эрта бошланган. Жамол Камол ҳам шу анъанани янгича услубда давом эттирди. Яъни жонлантиришнинг икки кўринишини баравар қўллаган ҳолда ва мунозара услубини оҳорли тарзда давом эттирди. Шoirнинг замонавий воқелик ифодасида мумтоз адабиётга хос анъаналарни қўллаши юксак санъаткорлик намунасидир.

Муҳаммад Алининг Ватан мавзуга бағишланган “Бешгул” асари ҳам тўлиқ маснавий тарзида қофияланган:

Табиат-ку, сенга берган беназир чирой,
Ёнда – нилий ҳошияли бир ҳовлиқма сой.
Бир томонинг Шаҳрихондир, бир ёғинг – Кува,
Бир томонинг пахта майдон, ям-яшил ува...
Соғинч ҳисси юракда-ю ёдимда бир-бир
Олис ўтмиш, бугун, эртанг чизмакда тасвир.
Не тонг, ахир сенга битта фарзанд эрурман,
Сенинг мўъжаз юрагингда қалққан ғурурман¹.

Ватанимиз табиати манзаралари ифода этилган мазкур сатрларда чирой – сой, Кува – ува, бир-бир – тасвир, эрурман – ғурурман сингари сўзлар оҳангдош бўлиб келган. Маснавий шакли мумтоз дostonлардаги каби поэмада ўзига хос воқеабандликни ҳам вужудга келтирган. Сабаби, шоир пейзаж ярата туриб ватаннинг кечаси, бугуни, эртасига назар солади. Шу асосда ўзининг ҳам қутлуғ гўшанинг бир бўлаги эканлигини ифода этади. Бунда шоир оҳорли мажозий ташбеҳ қўллайди. Яъни ватан – юракка, ундаги қалққан ғурур эса лирик қахрамонга менгзалади.

Демак, юқоридаги поэмаларда шоирларимиз замонавий мавзуларни тасвирлашда мумтоз дostonчиликка хос анъанавий маснавий шаклидан маҳорат билан фойдаланишган. М.Шайхзода ва М.Али маснавийни бармоқ вазни талабларига мувофиқлаштирган бўлса, Ж.Камол поэмани арузнинг рамал баҳрида яратган. Натижада адабиётимизда анъана ва ворисийликнинг ўзига хос янги кўриниши вужудга келган.

¹Али М. Сайланма. Тошкент: Шарқ, 1997. 262-бет.

Маснавий шакли қисман қўлланган поэмаларда шоирларимиз сюжет тадрижининг маълум бир нукталарида маснавийга мурожаат этишган. Ж.Камолнинг “Армон”, “Варахша”, Г.Жўраеванинг “Зухро юлдузи”, Э.Самандарнинг “Эрк садолари” сингари поэмаларини худди шу гуруҳга киритиш мумкин.

Жумладан, Жамол Камолнинг “Армон” асари кулминациясида – аскар кийимидаги йигитларнинг Ширин кампир ўғиллари қиёфасида ташриф буюриши эпизоди маснавий шаклида ёзилган:

Эртаси кун Она бир-бир исмин айта,
Болаларин чорлайверди қайта-қайта.
Айтар сўзи: “Болам, болам, болам!” эди.
Эшитганга алам, алам, алам эди...
Йиғилишди қишлоқдаги кампир-чоллар,
Йиғилишди раис бошлиқ оқсоқоллар.
Кенгашдилар, айтиб гапнинг сирасини,
Онажонга кўмаклашмоқ чорасини.
Топиларкан ҳар мушкулнинг бир чораси,
Онажоннинг учта шахид дилпораси –
Суратида уч йигитни шайладилар.
Белларига қайиш камар бойладилар¹.

Жамол Камол Ширин кампир ҳаётининг сўнгги лаҳзаларини акс эттирар экан, ҳаётининг воқелик талқинига – қишлоқ аҳлининг унинг ўғлига ўхшаган уч йигитни шайлаб, ҳузурига йўллашлари эпизодини акс эттиришга кенг ўрин беради. Сабаби, “маснавий шакли катта лирик-эпик асарга ҳам ўнғай, шакли содда, ҳашамсиз”² бўлгани учун шоир воқеабандликка асосланган юқоридаги эпизодда маснавийдан фойдаланган.

Шоирнинг тарихий мавзудаги “Варахша” достонида ҳам маснавий шакли қўлланган ўринлар бисёр. Бундай ҳолатни асар сюжетининг воқеалар ривожини қисмида ёрқин кузатиш мумкин. Хусусан, араб фотиҳи Қутайбанинг Бухорога бостириб киргандан сўнг халққа амри маъруф қилиш эпизоди маснавийда ёзилган:

Мусулмонлик нима? Инсонсеварлик!
Оҳи ваҳдат чекиб, йймон севарлик!
Мусулмонлик – ҳаром луқма емаслик,

¹Камол Ж. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. 25-б.

²Адабий турлар ва жанрлар. Уч жилдлик. Иккинчи жилд. Тошкент: Фан, 1992. 199-б.

Мусулмонлик – ҳаром сўзни демаслик.
Мусулмонлик – ҳаром йўлга юрмаслик
Ҳаром билан бир қаторда турмаслик
Ўзгаларнинг бисотига боқмаслик... (120-бет).

Парчадаги инсонсеварлик – иймонсеварлик, емаслик – демаслик, юрмаслик – турмаслик сингари сўзлар ўзаро оҳангдош бўлиб, маснавий каби а-а, б-б, в-в тарзида қофияланган. Шоир мазкур шакл ёрдамида мусулмонликнинг моҳиятини тушунтиришга интилади.

“Оловда қорайган Тўқсон чилангар” Қутайбага қарши гапиради:

Ҳар қадамда йўлимизга гов нечун?
Ҳар қадамда йўлимизга гов нечун?
Таҳдид нечун? Талон нечун? Дўқ нечун?
Қиргин нечун? Қирон нечун? Ўқ нечун?.. (122-бет).

Қутайбанинг амалий фаолияти унинг халққа айтган фикрларга мутаносиб эмас. Шунинг учун Тўқсон чилангар журъат ва жасорат билан Қутайбанинг халқ бошига солган кулфатларини, ҳақсизликка қарши ўтли исёнини ифода этади. Бинобарин, маснавий шакли ана шу воқеликни изчил ва батафсил ифодалашга имкон яратган. Айни мисраларда тажохули ориф санъати яратилган.

Ёхуд Туркон малика билан Қутайбанинг мунозараси ҳам мумтоз дostonлардаги каби маснавийда битилган:

“Сен, ёввойи тўнғиз, маърака булғар!
Гулни сассиқ алаф, дея билдингми?
Ўзингга тенг, салаф, дея билдингми?
Кўпдан чанқоқ эдинг қора ажалга
Айт додингни энди тақдир-азалга!..”

Маълумки, мумтоз адабиётда тарихий шахслар ва тарихий воқеалар тасвирида кўпроқ маснавийдан фойдаланилган. Жумладан, М.Солиҳнинг “Шайбонийнома” достони бунга ёрқин далилдир. “Варахша” поэмасида ҳам шоир ана шу эпик анъанани давом эттириб, тарихий мавзу – қадимий Бухоро тарихидаги айрим воқеаларни тасвирлашда маснавийга мурожаат этган. Шу шакл воситасида тарихий давр манзараларини, тарихий шахслар ҳаётини бадиий гавдалантиришга эришган.

Гулчехра Жўраеванинг “Зухро юлдузи” достони сюжетининг воқеалар ривожини қисми маснавийда ёзилган. Асар қаҳрамони Зухронинг француз аёли Жақлина билан суҳбати жараёни бунга ёрқин мисол бўлади:

Оналикка олдим битга Юлдузни –
Ўстирдим мен беш ўғилу беш қизни.
Олимаси, тўқувчиси ўзимдан,
Шифокори, ўқувчиси ўзимдан.
Бири деҳқон, бири ишчи, муаллим,
Кенжагойим богчада, хўп мулойим...¹.

Ҳаётдан мамнунлик руҳи билан йўғрилган бу сатрлар Зухронинг рақтерини очишга хизмат қилади. Бир қадар замонасозлик мазмунидаги мазкур дostonда шоира ўзбек ва француз аёлинини ҳаётини бир-бирига таққослайди ва ўзбек аёли бахтли турмуш кечиряпти, деган хулосага келади. Зеро, ўтган асрнинг 80-йилларида - адабиётимизда социализмни кўкка кўтариш авж олган бир даврда бундай асарларнинг ёзилиши табиий эди, албатта. Шунга қарамай, шоира маснавий шакли имкониятларини поэмасининг зарур ўринларида қўллаб, асарда тасвир этилган воқеликни ёрқин ифодалашга эришган.

Эркин Самандарнинг Аваз Ўтарга бағишланган тарихий мавзудаги “Эрк садолари” поэмасида ҳам маснавийга мурожаат этилган ўринлар кўп. Бу, хусусан, асарнинг Аваз руҳияти таҳлил этилган ўринларида кўзатилади. Халқ шоири Аваз Ўтарнинг эрк ва озодлик мавзуида ўтли сатрлар битганлиги маълум. Бу эса сарой аҳллари ва Хива хони Муҳаммад Раҳимхон Ферузга маъқул тушмайди. Шунинг учун исёнкор шоирни банди қиладилар. Асарнинг драматик лавҳалар ва коллизиялар акс этган олтинчи қисмида маснавийда ёзилган сатрлар мавжуд. Авазнинг отаси Ўтар бобо ўғлининг гуноҳини кечирини сўраб, муфти ва Феруз билан суҳбатлашади. Бу Авазга ёқмайди. Шу боис отасидан уларга ялинмаслигини сўрайди.

Асарга Телба образи кириб келади. Авазнинг Телба билан мулоқоти маснавий шаклида берилган:

Телба гўё учмоқ бўлади,
Фазоларни кучмоқ бўлади.
Қўлин ёяр мисоли қанот,
Ер депсиниб, қийқиради бот.
Кишанларни узмоқ истайди.
Қафасларни бузмоқ истайди.
Нигоҳимда ялтитар чақин,
Ҳеч кимсани йўлатмас яқин.

¹Жўраева Г. Зухро юлдузи // “Шарқ юлдузи”, 1980 йил, 4-сон, 37-б.

Тўқ-тўқ уриб ҳассасин шу он
Аста чиқиб келади эшон...¹.

Юқоридаги бадий парчада учмоқ – кучмоқ, қанот – бот, узмоқ – бузмоқ, чақин – яқин, он – эшон сўзлари ўзаро оҳангдош сўзлар бўлиб, маснавийнинг а-а, б-б, в-в, г-г шаклида қофияланган. Айни шакл ўзига хос сюжет тизимини вужудга келтирган. Шоир шу йўл билан ўзининг эрка муносабатини эпик усулда баён этган. Телба образининг асарга кириб келиши бежиз эмас. У руҳияти, эркинликни исташи жиҳатидан асарнинг асосий қаҳрамони Авазга яқин.

Ёхуд муаллиф Авазнинг бандиликда туш кўриши, шарпа билан суҳбатлашиши жараёнини тасвирлар экан, унинг воқеликка муносабатини маснавий шаклидан фойдаланган ҳолда баён этади:

... Кўз ўнгида тошми Авазнинг
Ё кўргани тушми Авазнинг.
Шоирни у айлаб ҳангу манг,
Лапанганиб турар кўндаланг.
Турса, тегай дейди бошига.
Етса, яқин келар қошига.
Сўзлай деса, оғзига келар.
Нафас олса бўғзига келар...

Кўринадики, юқоридаги монолог характеридаги сатрлар дostonда лирик қаҳрамонга хос хусусиятларни ифода этувчи эпик баён усулига айланган.

Қасида ўзбек мумтоз адабиётидаги фаол лирик жанрлардан биридир. Бу жанрдаги асарлар кўтаринки руҳ билан битилади. XX аср адабиётида қасида услубида ёзилган шеърлар ва поэмалар кўпчиликни ташкил этади. Қасида услубида битилган шеър ва поэмалар мумтоз қасидачиликдан бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Биринчидан, замонавий қасидачиликнинг муҳим хусусияти, уларда анъанавий аруз вазнини қўллаш билан бирга замонавий бармоқдан фойдаланишда кўзга ташланади. Бинобарин, Э.Воҳидовнинг “Ўзбегим” қасидаси аруз вазни (рамал баҳри)да яратилган. А.Ориповнинг “Ўзбекистон” шеъри эса бармоқ вазнида ёзилган. Иккинчидан, замонавий шеъриятимизда қасида жанри билан боғлиқ мазмун янгиланиши кузатилади. Чунки мумтоз қасидаларда кўпроқ бирор-бир тарихий шахс: подшоҳ ёки ундан кичик бир мансабдорни мадҳ этиш, мақташ хусусияти устуворлик қилади. Чунончи, Сак-

¹Самандар Э. Эрк садолари // Шарқ юлдузи, 1984, 11-сон, 45-б.

кокийнинг Улуғбекка, Алишер Навоийнинг А.Жомийга, Ҳ.Бойқарога, Огаҳийнинг Муҳаммад Раҳимхон Ферузга бағишлаган қасидаларида айнан шу жиҳат бўртиб туради. Замонавий қасидачилик эса кўпроқ адабиётшунос Т.Бобоев ўринли таъкидлаганидай: “халқимизни мадҳ этувчи, ватанни улуғловчи, улуғ айём кунларини тараннум қилувчи жанр”га айланди¹. “Ўзбегим”да халқ улуғланган бўлса, “Ўзбекистон” шеърида Ватан мадҳ этилган.

Шеърятимизда анъанавий қасидачиликнинг тараққий этиши поэмачилик уфқларини кенгайтди. Энди мадҳ, мақтов мазмуни лиро-эпик турда йирик ҳажмли асарлар яратиш имкониятларини юзага келтирди. Натижада М.Шайхзоданинг “Тошкентнома”, Э.Воҳидовнинг “Тошкент садоси”, “Қуёш маскани”, Ж.Жабборовнинг “Қуёш юрти”, Т.Аҳмаднинг “Бухоронома” сингари қасида услубидаги поэмалари яратилди. Бу поэма жанр типологиясидаги мазмун, шакл ва сифат ўзгаришларини ўзида ифода этади. Учинчидан, ўтган асрнинг биринчи ярмида яратилган поэмаларда лиро-эпик тасвир, воқеабандлик хусусияти етакчи эди. XX асрнинг иккинчи ярмида эса лиро-эпик тасвир билан бир қаторда лирик тасвирга ҳам кенг ўрин берилди. Лирик тасвирни ифода этиш усуллари-дан бири қасида жанри имкониятларидан фойдаланишда кўзга ташланади. Натижада адабиётимизда чуқур лиризм билан суғорилган поэманинг синкретик характердаги янги кўриниши – қасида-поэма вужудга келди. Юқорида тилга олганимиз дostonларда лирик кечинмани ифода этиш усули, композицияси, бадиияти билан фарқ қилиб турса-да, уларни икки-та муштарак жиҳат – қасида услубида ва Ватан мавзуида яратилганлиги бирлаштириб туради. Уларда шеърятда кузатилгани каби “анъанавий қасидаларнинг бир қатор “темир қонунлари бузилиб”, замонга мослаштирилган, тасвир имкониятлари кенгайган” (Т.Бобоев).

Бинобарин, Эркин Воҳидовнинг “Тошкент садоси” ва “Қуёш маскани” поэмаларини адабиётшунос У.Норматов тўғри таъкидлаганидай: “қасида, мадҳия, фаҳрия руҳида битилган”² қасида-поэма сифатида талқин этиш мумкин. Шоир, аввало, ўз фикрини ёрқин ифодалашга кўмак бера оладиган бадиий шаклни танлаган. У Тошкент ҳақида ёзишни мақсад қилар экан, бевосита фикрини қасида жанри имкониятлари: юксак пафос, кўтаринкилик, тантанавор услубдан фойдаланган ҳолда ифода этади.

¹Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 484-б.

²Норматов У. Кўнгилларга кўчган шеърят. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. 26-б.

“Тошкент садоси” поэмаси Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган. Аслида бу дostonнинг ёзилишига ўша зилзила кунларида мурғак қалби билан фожиани ҳис этган ўшлик жажжи қизалоқ Дилоромнинг хати сабаб бўлган. Дилором ўз хатида атлас кўйлакка деб йиққан беш сўм пулини зилзила оқибатларини тугатиб, Тошкентни янгидан бунёд этиш ишлари учун юбораётганлигини айтади ва уни болалар боғчаси куришга сарфлашни сўрайди. Митти юракнинг бундай жасорати Э.Воҳидов қўлига қалам тутқазади. Шу тарзда шоир қалбидаги чексиз меҳр қасида услубида юзага чиқади:

Мана ўша Тошкент, улуғвор, азим.

Шарқнинг дарбозаси, шарқнинг машъали.

Шаҳрим, бир фарзанддек қилурман таъзим,

Эй, буюк дўстликнинг боқий ҳайкали!

Шоир Тошкентни “Шарқнинг дарбозаси”, “Шарқнинг машъали”, “Буюк дўстликнинг боқий ҳайкали” дея таърифлайди. Ёхуд бошқа бир ўринда шоир ёзади:

Гувлаб ётган миллион темир юракдир

Бир лаҳза тинмайин кундузу кеча;

Чинни пиёладан токи трактор,

Кичкина урчукдан самолётгача

Бу сир эмас энди, - борлик дунёга

Тошкент тамғаси-ла кетади буқун.

Шаҳрингда тўқиған бари матога

Курраи заминни ўраса мумкин (466-467-бет).

Бунда шоир бунёдкор Тошкентни, унинг меҳнаткаш халқини алқамокда.

Бу “Москва”, “Россия”, “Ўзбекистон” бу,

Кечалар қаҳқашон бўлиб ёнадир.

Булар меҳмонхона, ҳақиқатда-ку,

Тошкент ўзи катта меҳмонхонадир (467-бет).

“Москва”, “Россия”, “Ўзбекистон” кабилар шаҳардаги энг мухташам меҳмонхоналардир. Шоир уларнинг номини тилга олар экан, Тошкентнинг ўзини катта меҳмонхонага менгзайди. Бу билан Тошкент халқининг меҳмондўстлигига ишора қилади.

Тошкент – нон шаҳри деб қозонган шухрат,

¹Воҳидов Э. Муҳаббатнома. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 463-б.

Демакки, тўкинлик, баракат шаҳри.
Қўшиқ бу масканда нондек зарурат,
Тошкент нондек азиз шеърият шаҳри...
Пабло Неруданинг, Нозим Ҳикматнинг
Ўлмас овозида яшар ўшал рух.
Шеърнинг маликаси, қизи Тошкентнинг
Зулфия созида яшар ўшал рух.

Тошкент уруш йилларида жуда кўп халқларга ёрдам қўлини чўзган. Шунинг учун у нон шаҳри дея эъзозланади. Шоир шу фикрни таъкидлар экан, яна бир сифатлаш қилиб, уни шеърият шаҳри деб атайти. Бу шаҳар тупроғига оёқ қўйган улуғ шоирлар Пабло Неруда ва Нозим Ҳикматни тилга олади. Демак, асарда қасида ва поэмага хос хусусиятлар ўзаро уйғунлашиб, севимли шаҳарга бўлган эзгу туйғу-кечинмалар тажассумидан иборат лирик поэманинг ўзига хос кўринишини вужудга келтирган.

“Қуёш маскани” достони ҳам қасида руҳида яратилган. Биографик мазмундаги бу асар аслида ватан мавзуида ёзилган қўшиқдир. “Ўйлаб қарасам, – деб ёзади шоир, – болалик хотираларимнинг кўпчилиги шеърларга, дostonларга кўчган экан. “Нидо”, “Қуёш маскани” поэмалари, “Болалик”, “Оқсоқол”, “Болалик экан-да...” шеърлари ўша мурғак тасаввур, илк хотираларнинг меваси бўлган”. Ҳақиқатан, “Қуёш маскани” достонида шоир ўзи туғилиб ўсган юрт Олтиариқ, “она шаҳри” Тошкент ва, ниҳоят, “Қуёшiston таърифли диёр” Ўзбекистонга бўлган фарзандлик меҳру муҳаббатини шеърий сатрлар бағрига тизади:

Мен илк бор дунёнинг харитасида
Олтин узук янглиг ўлкамни кўрдим.
Заминнинг дўппидек бир палласида
Ҳилолий нусха гул –
Бу менинг юртим!²

Бетакрор ташбехлар ва метафоралар билан зийнатланган бу мисраларда шоир Ўзбекистонни олтин узукка қиёс этади ва харитадаги шақлини “ҳилолий нусха гул”га менгзайди. Шундай кўтаринки рух асар сўнгигача давом этади.

Айни пайтда отадан эрта етим қолиб, тоғаси бағрида илиқ меҳрни туйган боланинг қалб тебранишлари, кечинмалари асарнинг лириклик

¹Воҳидов Э. Истеъдоднинг табиати исендир // “Ёшлик”, 1992 йил, 9-10-сонлар, 17-18-б.

²Воҳидов Э. Муҳаббатнома. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 482-б.

хусусиятини янада ёрқин ифодалашга хизмат қилган. Халқимизда “Бир тоға етти отанинг ўрнини босади” деган мақол бор. Шундан келиб чиқиб, шоир уни эзгу ишлар сари чорлаган, ҳаётнинг катта йўлини очиб беришга кўмаклашган тоғасини алоҳида меҳр билан тилга олади ва уларни мақтайди. Шу ўринда мумтоз қасидаларга хос улуг инсонларни мадҳ этиш хусусияти кўзга ташланади:

Эсим таниб, менга
“Тоға” деган сўз
“Ота” деган сўзга
Бўлди баробар.
Унинг меҳри ила
Умр ирмоғим
Қуюлди каттакон ҳаёт наҳрига
Қолди Олтиариқ –
Ота қишлоғим.

Она шаҳрим Тошкент олди бағрига (478-бет).

Шоир қасидага хос кўтаринкилик, юсак пафос, мадҳ, тантанавор услубни ва поэмага хос лиризм, композиция, эпик талқинни уйғунлаштирган ҳолда янгича кўринишдаги дoston ярата олган. Умуман олганда, Э.Воҳидовнинг “Тошкент садоси”, “Қуёш маскани” поэмалари ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан ўзбек мумтоз дostonчилиги йўлида ёзилганлиги билан 70-йиллар ўзбек поэмачилиги саҳифаларида ёрқин из қолдирди.

Демак, замонавий поэмачиликда мумтоз адабиётдаги дostonчилик анъанаси фақат мазмуний йўналишда эмас, бадий шакл нуқтаи назаридан ҳам давом эттирилган. Чунончи бу ижтимоий воқеликни унга хос тарзда тасаввувий, бадий-фалсафий, диний талқин этишда ҳамда маснавий шаклидан, аруз вазни имкониятларидан кенг фойдаланишда кузатилади. Натижада ўзбек поэмачилиги куйидаги хусусиятлар орқали такомиллашди:

– **биринчидан**, шоирлар мумтоз шеърятда кўп учрайдиган ташбех, тажохули ориф, сифатлаш, ташхис, талмеҳ сингари бадий тасвир воситаларидан самарали фойдаланган ҳолда лиро-эпик поэманинг хилма-хил жанр кўринишларидаги бадий баркамол намуналарини яратишга эришдилар;

– **иккинчидан**, ижодкорларнинг маснавий шаклига кўпроқ мурожат этишлари натижасида поэманинг эпик ифода тарзини янада кенгайтириш сари йўл очилди;

– **учинчидан**, давр поэмачилигида қасида мазмуни ва услубида ижод қилиш орқали унинг лирик хусусиятлари кучайтирилди. Айни пайтда бу услуб лирик поэманинг қасида-поэма бадий тизимидаги синкретик кўриниши вужудга келиб, анъанавийлашувига замин яратди;

– **тўртинчидан**, поэмаларга ғазал оҳанглари олиб кириш асосида лиризмни ёрқин ифодалашга эришилган бўлса, аруз вази имкониятларидан фойдаланиш орқали улар мумтоз дostonларга шаклан яқинлашди;

– **бешинчидан**, М.Шайхзода, Ж.Камол, Э.Воҳидов, Г.Жўраева, М.Али, А.Маҳкам, Э.Шукур, Э.Самандар, Т.Аҳмад сингари шоирларнинг юқорида таҳлил этилган поэмалари мисолида айтиш мумкинки, уларда реал ҳаёт манзаралари, замондошларимизнинг ўй-кечинмалари маснавий шакли ва қасида услуби воситасида янада ёрқинроқ рангларда очиб берилган. Бу эса ворисийликнинг ўзига хос кўриниши бўлиб, мумтоз ва замонавий адабиёт алоқадорлигини ўзига хос янгича йўналишда мустаҳкамлашга хизмат қилган.

II БОБ
XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК
ПОЭМАЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА
ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ

1-фасл. Достонлар бадий тўқимасида афсона ва нақллар

Поэмачиликда фольклор жанрларига мурожаат қилишнинг муҳим жиҳатларидан бири унга бадий-эстетик мазмуннинг юкланиши билан боғлиқ. Маълумки, шеърятимизда бу алоҳида адабий ҳодисага, тенденцияга айланган. Поэма билан шеърнинг ўзига яраша поэтик имкониятлари мавжуд. Шеър поэмадан ҳажман кичик бўлгани боис эпик миқёсга ва мазмунга эга бўлган воқеабандликка асосланмайди. Шунинг учун лирик асарларда эртак, афсона сюжетидан кўра уларга хос образлар, эпик услубий бирликларгина келтирилиши мумкин. Баъзида эса шеър таркибига халқ қўшиқларидан айрим мисралар киритилади. Бунда улар ё тазмин, ё иқтибос вазифасини ўтайди. Поэма эса ҳажман йирик асар бўлгани боис унда ижодкор истеъдодининг эпик жиҳатлари кенгроқ намоён бўлади. Унда шоир эртак, афсона, ривоят сюжетини тўлиқ шеърга солган ҳолда ифодаланиши мумкин.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида фольклор асарларидан фойдаланиш янада кучайди. Шоирлар шу йўл билан халқ қалбида яшириниб ётган ижтимоий дардларни айтишга интилдилар. Бу адабиётшунослигимизда стилизация ҳодисаси деб юритилади. Рус олими В.Е.Хализев стилизацияни муаллифнинг ўтмишда яратилган бадий сўз санъати услубидан, кўринишларидан фойдаланган ҳолда аниқ ва қатъий тарзда қайта яратиши, дея баҳолайди¹.

Ҳақиқатан, давр поэмачилигида бу жараён фольклор билан алоқадорликда намоён бўлди. Чунки шоирлар халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари: афсона, ривоят, нақлдан фойдаланиш асосида бадий тасвирни янгилашга эришдилар. Натижада адабиётимизда афсоналар,

¹Хализев В.Е. Теория литературы. Москва: Высшая школа, 1999. С. 250.

ривоятлар, нақллар асосида қурилган поэмаларининг ўзига хос тизими вужудга келди. Жумладан, Мирмуҳсиннинг “Широк”, А.Мухторнинг “Дол қоя”, Э.Воҳидовнинг “Руҳлар исёни”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, “Ранжком”, О.Матжоннинг “Ҳаққуш қичқириғи”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, О.Ҳожиёеванинг “Нажот”, А.Суённинг “Бешбармоқ”, У.Қўчқорнинг “Широк”, И.Отамураднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, Қ.Раҳимбоеванинг “Қишнинг охирлари”, А.Кутбиддиннинг “Ибтидо хатоси” сингари поэмаларъ шу йўлдаги жиддий изланишлар сифатида кўзга ташланади. Уларда афсона ва ривоятлар, М.Амилованинг ёзишича: “замонавий ҳаёт маънавий бойлигининг тарихий илдиэларини очишга, энг яхши халқчил ахлоқий фазилатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва мангулигини кўрсатишга ёрдам берди”¹.

Демак, халқ оғзаки ижоди жанрлари, образлари, мотивларидан фойдаланиш ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида етакчи тенденцияга айланганлигини кўрсатади. Мазкур жараён синкретик жанрларнинг вужудга келиши ва тараққий этишида асосий замин вазифасини ўтади.

ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмалари бадий структурасида халқ афсоналари муҳим ўрин тутаети. Маълумки, “Тўмарис”, “Широк”, “Зариадр ва Одатида” каби ривоятлар, “Қирққизтош”, “Хўжа Исҳоқ ғори” сингари афсоналарда Тўмарис, Широк, Зариадр каби халқ қахрамонларининг элу юрт мустақиллиги ва озодлиги учун олиб борган курашлари ҳақида сўзланади. Давр поэмачилигида мустамлака исканжасига тушиб қолган, хўрланган элу юртимизни асраб-авайлашга даъват этиш ғояси кучайди; афсона, ривоятлар шакли ва мазмунида, қолаверса, образлари асосида асарлар яратишга маънавий эҳтиёж пайдо бўлди. Хўш, нима учун айнан поэмачилиқда ривоят, афсоналарга кўпроқ мурожаат қилинди? Сабаби, дoston халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётимизнинг йирик лиро-эпик жанри ҳисобланади. Унда ижодкор қахрамон кечмишларини тўлиқ ва батафсил баён этиш имконига эга. Шунингдек, дostonда ижодкорнинг ички ҳис-кечинмалари ҳаётнинг кенг манзараларига боғлаб, чуқур таҳлил қилинади. Шу боис ўзбек поэмачилигида афсона ва ривоятлардан кенг истифода этилганлиги кўзга ташланади.

Демак, ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигининг ривожланиш хусусиятларидан бири лиро-эпик асарлар бадий тизимиға, ички таркибига *ривоят, афсона, этак ва нақллар сюжетларининг сингди-*

¹Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аъналарини. Тошкент: Фан, 1990. 107-б.

рилишидир. Бунда поэмалар бадий қурилишида ижтимоий-фалсафий, эстетик-маърифий вазибаларни бажариб келади. Кўпинча улардан композицион кўриниш, композицион восита сифатида кўпроқ фойдаланилганлиги кузатилади. Бинобарин, ривоят, афсона ва нақлларнинг поэмалар таркибига олиб қилиниши турли бадий вазибаларни адо этади. Мирмуҳсиннинг “Широк”, Асқад Муҳторнинг “Дол қоя”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Хуршид Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, У.Кўчқорнинг “Широк” сингари асарлари халқ ривоятлари материал асосида ёзилган. Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни” асарининг бадий структурасидан жой олган “Жаҳолат ҳақида ривоят”, “Абадият ҳақида ривоят”, “Фидоийлик ҳақида ривоят”, “Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят” кабилар психологик тасвир воситаси сифатида қўлланилган. Шу тариқа ривоятлар мазмунидаги тарихийлик хусусияти ёрқин ифода этилган. Келтирилган ривоятларнинг тарихийлигини асослаш, ундаги қаҳрамонларнинг элу юртига садоқатини, фидоийлигини таъкидлаш воситасида поэма қаҳрамони Назрул Ислоннинг фазилати бўрттирилади. Қолаверса, унинг ўз аждодларига муносиб ворис эканлиги ўрناق қилиб кўрсатилади. Яъни ривоятлардаги эпик қаҳрамон билан поэма қаҳрамони Назрул Ислон ўртасидаги руҳий боғлиқлик очиб берилди. Чунки ўз халқининг эрки ва озодлиги учун курашган исёнкор бенгал шоири Назрул Ислоннинг қалб манзаралари, руҳий кечинмалари ривоятлар орқали янада ёрқинлашган.

Демак, поэма мазмуни ифода этилган шакл ёхуд поэма таркибига киритилган фольклор материалининг эпик мазмундорлиги ҳисобига бадийликни, эстетик таъсирчанликни оширишга, ахлоқий-таълимий мазмуни ўзига хос шаклда кучайтириб ифодалашга хизмат қилади. Кейинги йиллар ўзбек поэмачилиги бадий қурилишидаги композицион янгилиниш кўпроқ шу билан белгиланади.

Афсоналар поэмалар таркибига киритилганда нафақат ижодкорнинг гоёвий-бадий ниятини юзага чиқаришга, балки асарнинг тасвир усулини белгилашга ҳам хизмат кўрсатади. Шунингдек, у орқали асарнинг миллий руҳи янада ортади.

Чунончи, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқирғи” поэмасида қирқ афсонадан фойдаланиб, асар мустақил кичик-кичик қисмларга, сюжет йўналишларига солинган. Шунинг учун шоир бу асарини «Қирқ афсона» деб ҳам атади. И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” поэмасида ёлғиз дарахт ҳақидаги афсона мазмуни асосида асарнинг фалсафий руҳи

кучайтирилган. А.Суюннинг “Бешбармоқ” асарида шу номдаги қоянинг келиб чиқиши ҳақида халқ ўртасида тарқалган афсона сюжетидан киритма воқеа сифатида фойдаланилган. Шунинг учун бу афсона композицион восита вазифасини бажарган. О.Ҳожиеванинг “Нажот” достонида замонавий воқелик афсона усулида акс эттирилган.

Фольклор асарларининг бадиий асар матнига олиб кирилиши икки хил вазифани бажаради.

1. Композицион восита ролини адо этади.

2. Композицион усул вазифасида келади.

Афсона, ривоят, эртакларнинг поэма структурасига киритилиши лиро-эпик жанр такомилда етакчи тенденциялардан бирига айланган. Бинобарин, халқ оғзаки ижоди жанрларининг ёзма адабиёт асарлари композициясидан ўрин олиши миллий ҳаёт манзараларини кенгроқ ифодалаш, уларга янада теран мазмун юклаш имконини беради.

Маълумки, афсона халқ оғзаки ижодининг қадимий жанрларидан бири бўлиб, эпик баён шаклида яратилади. Уларда юрт мустақиллиги, озодлиги, эрки учун курашган халқ қаҳрамонларининг жасорати ҳақида ҳикоя қилинади. Бугунги поэмачилик саҳифаларига назар ташланса, шоирлар афсонага тез-тез мурожаат этаётганликларини кузатиш мумкин. Бунинг сабаблари нимада? Аввало, ижтимоий воқелик шундай маънавий эҳтиёжни вужудга келтирди. Қолаверса, собиқ тузум даврида поэтик фикрни ошқора айтиш имконияти бўлмаган. Ижодкорлар эса халқнинг дилидаги ижтимоий дардларни, уларнинг туйғу-кечинмаларини ўз асарларида акс эттиришлари керак эди. Мана шундай шароитда афсона уларга қўмакка келди. Шоирлар халқимиз қалбида яшириниб ётган дардларни шу йўл билан ифода этдилар.

Поэмалар бадиий структурасига афсоналар мазмунининг олиб кирилишида икки хил ҳолат кузатилади. Биринчидан, айрим поэмаларнинг бошдан-оёқ афсоналар асосида қурилганлиги; иккинчидан, улар таркибига афсоналар олиб кирилганлигидир.

Асқад Мухторнинг “Дол Қоя” поэмаси бевосита афсона сюжети асосида қурилган бўлиб, унда афсона ўз истилоҳий маъносида қўлланган. Инсоний қадриятлар талқинига бағишланган бу поэмада афсона фалсафий мазмунни, ҳаётийликни кучайтиришга хизмат қилган.

Асарнинг бош қаҳрамонлари неvara ва бободир. Унда ҳикоя қилинишича, неvara кекса бобосини аждодлар удумига кўра Дол Қоядан улоқтириб, ўзи яна қабиласига қайтиши керак бўлади. Шунинг учун у

минг машаққат билан бобосини орқасига ортиб юқорига томон интилади. Лекин шу дамда унинг фикри ўзгаради:

– Бобо, қаранг, осмон, худди шийша!

Нахот, қийнамаса бу ранглар сизни?

Наҳотки шуларни кўзингиз қийса?

Яшашни ҳеч истамайсизми?!

Тажоҳули ориф санъати орқали ифодаланган бу мисраларда не-вара бобосини яшашга, ҳаётдан завқланишга чорлайди. Бобо ҳаётда эътиқодли инсон бўлганлиги учун кўҳна удумга қарши боришни ўзига иснод деб ҳисоблайди. Лекин невара бобони одамлардан узоқда яшириб сақлашини, асраб-авайлашини айтиб, уни кўндиришга эришади.

Поэмада инсон юксак қадрият сифатида улуғланади ва кексалар ҳар доим ҳам миллатнинг ақл-заковат чироғи бўлиб келганликлари бугунги китобхонга ахлоқий мазмунга эга бўлган афсона орқали тушунтирилади. Айни пайтда унда афсонага хос сеҳр-жоду кузатилади:

Дерларки, куюнлар унда сарсари,

Тунлари шарпалар юрармиш.

Моғоранинг зим-зиё қаъри

Одамдай шивирлар, дам оҳ урармиш (18-бет).

Дол Қоядаги моғоранинг одамдай шивирлаши, оҳ уриши одатий ҳол эмас. Шу орқали шоир унинг халқ назарида шунчаки оддий қоя эмас, балки ғайриоддийлик касб этган макон эканлигига урғу беради.

Асарнинг яна бир эътиборли жиҳати, шоир дастлаб бош қахрамонга ном бермайди. Эски удумни бузиб, бобосининг ҳаётини сақлаб қолган невара йиллар ўтиб эл-юрт корига ярайдиган фарзанд бўлиб етишгандан сўнг унга Ростон деб исм қўяди.

Поэмада худбин киши тимсолидаги тантиқ шахзода образи муҳим ўрин тутади. У халққа паст назар билан қараб, ким тонг нурини менга кўрсатса, унинг истагини амалга ошираман, деб шарт қўяди. Ҳамма қатори Ростон ҳам бу вазифани бажаришга киришади ва тонг нурини кўрсатишга муваффақ бўлади. Шартни бажарган Ростонни шахзода менсимайди ва унга бир “норасида” сифатида қарайди. Лекин Ростоннинг чағал уругини киз солиғидан озод қилиш ҳақидаги истаги уни эсанкиратиб қўяди. Халқнинг қўллаб-қувватлашини кўриб, шахзода ноилож бу истакни қабул қилади, лекин уларга нисбатан ёмонлик қилишни кўнглига тугади. Бир оз вақт ўтиб шахзода шу ёвуз ниятини амалга оширади. Ўрни чағал уругига тегишли

¹Мухтор А. Дол Қоя // “Шарқ юлдузи”, 1986 йил, 6-сон, 16-б.

дон-дун, ғарам, омборларни ёқиб юборади. Юртда очлик бошланади. Ана шу очликдан халқни яна Ростон кутқаради. Шу асосда шахзоданинг чағал халқини кулга айлантиришдан иборат худбиниона истаги амалга ошмайди. Юрт оқсоқолининг ногаҳон дунёдан кўз юмиши натижасида халқ ёш Ростонни бошлиқ этиб сайламоқчи бўлади. Шундагина у бу мартабага муносиб эмаслигини, азалий удумга қарши бориб бобосини Дол Қоядан ташлаб юбормаганини, бироқ халқни кулфатлардан кутқаришда ўша кекса ва донишманд бобоси сабабчи эканлигини айтади. Демак, шоир донишманд бобо образига шу жиҳатдан алоҳида мазмун юклайди.

Эътибор берилса, поэма сюжети ниҳоятда таъсирчан ва ҳаётий воқелик асосига қурилган. Унинг туб мағзида миллатнинг эрки ва озодлиги тушунчаси ётади. Халқнинг кўп асрлик орзу-кечинмаларини баралла айтиш мушкул бўлган ўтган асрнинг 80-йилларида шоир афсонага асосланиб, ўзининг ғоявий-бадий ниятини ифода этди.

Поэмадан Дол Қоя мисолида кўхна удумлар инсоннинг заволига эмас, камолига хизмат қилиши керак, деган ҳаётий хулоса келиб чиқади. Умунан, Асқад Мухторнинг “Дол Қоя” асари поэманинг афсона асосида қурилган ва фалсафий-ижтимоий мазмун билан йўғрилган ўзига хос кўриниши сифатида 80-йиллар ўзбек адабиётида ёрқин из қолдирди.

Адабиётшунос Ғ.Мўминов мазкур поэма ҳақида мулоҳаза юритар экан, шундай ёзади: “Омон Матжон ўз достонини қирқ афсона асосида куради. Лекин булар шунчаки афсоналарни қайта ҳикоя қилиб бериш эмас, балки шу афсоналар асосида яратилган шеърларнинг мантиқида муҳим ҳаётий проблемалар ётади. Шоир дунё воқеалари, кишилар муносабати, уларнинг тақдир ва қисматлари, улар зиммасидаги масъулият, ҳаётнинг кичик зарраларида намоён бўлувчи муаммолари хусусида ҳаёлга толеди, мушоҳада юритади, ўқувчини ҳам ҳаёт жумбоқлари ҳақида, келажак ҳақида фикр юритишга чақиради”¹.

Ҳақиқатан, Омон Матжон поэмасида назм ва наср уйғунлигида яратилган катта-кичик ҳажмдаги қирқ афсона замонавий воқеликни акс эттиради. Уларнинг ҳар бири, фольклоршунос С.Мирзаева ўринли таъкидлаганидай: “мустақил сюжетга эга ва улар шоирнинг адолат, инсоф, поклик, эътиқод, бурч сингари инсон маънавий камолотининг асосий сифатлари ҳақидаги қарашлари билан ички боғланишга эга”².

¹Мўминов Ғ. Ўзбек совет адабиёти тарихида фольклорнинг роли. Тошкент: Фан, 1985. 112-б.

²Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. Тошкент: Истиқлол, 2005. 77-б.

Маълумки, афсонанинг муҳим хусусияти, унда воқеликнинг хаёлий уйдирмага таянган ҳолда оғзаки баён этилиши ва сеҳр-жодуга асосланиши билан белгиланади. Шу моҳиятдан келиб чиқилса, Омон Матжоннинг “Ҳаққуш қичқириғи” достонида афсона икки хил: 1) воқеликни тасвирлашда халқ афсоналари сюжетидан фойдаланиш; 2) воқеликни афсона усулида тасвирлаш маъносида қўлланганлигини кузатиш мумкин.

Асарга Алишер Навоийнинг “Ёзмокда бу ишқи жовидона, Мақсудим эмас эди фасона” тарзида бошланувчи мисраларнинг эпиграф қилиб келтирилганлигидан ҳам ижодкорнинг асл мақсадини англаш қийин эмас. Зеро, шоир афсонани жуда кўп ўринларда “либоси мавзун” тарзида қўллаган.

Поэмадаги биринчи афсона “Табиатнинг иккинчи сири” деб номланади. Бундаги лирик кириш бадий усул бўлиб, унда баҳор манзараси тасвирланади ва шоир уни болалар характериға менгзайди. Ёхуд “тошдан тошга ирғиб, қувалашаётган” сойни бир тўп шумтакаларға, “гулларнинг лов қизариб туришини” қизалоққа ўхшатади. Табиатнинг иккиламчи кўрки-тароватини мана шуларда кўради. Шу асосда шоир афсона сюжети баёниға киришади. Афсонанинг қаҳрамони болалардир. Қирға ўйнаш учун кетган болалар қайтишганида мудҳиш ҳодисаға: жонажон қишлоқлари вайрон қилинганиға гувоҳ бўлишади. Харобалар оша ўзларига севимли бўлган нарсаларни, яқин инсонларини излаган болалар ҳеч нарсани тополмайдилар. Бу ҳолат “митти қалбларға чексиз хўрлик, ёлғизлик туйғусини солди”. Шунда ғалати ҳолат юз беради: “Шу пайт биринчи бўлиб гапирган энг кичкина қизалоқ яна гапирди: – Ойижоним айтган эдиларки, бўйинг ўсиб анави қизил гулимизға тенглашиб қолди. Энди ўша гул ҳам йўқ... Бирам ўша гулға айланиб қолгим келяптики... Бирдан мўъжиза юз берди. Қизалоқ қизил гулға айланиб қолди”¹. Буни кўриб бир бола ҳам ўз истакларини айтади. У ҳам сойға айланиб кетади. Учинчи бола буни кўриб қишлоғида қайта ҳаёт тикланишини сўрайди ва бояғи “тошқин сой бўйида чинорлар, уйлар, боғлар, қушлар пайдо бўлади. Чоллар, оталар, хотинлар кўринади”.

Эътибор берилса, бунда афсонаға хос муҳим жиҳат – воқеликнинг сеҳр-жоду асосида ифода этилиши кўзға ташланади. Яъни, харобаға айланган маконда қизил гул, тошқин сой, чинорлар, уйлар, боғларнинг бир зумда пайдо бўлиши, одамнинг бошқа кўринишға эврилиши мўъжизали ҳолатдир. Демак, бунда афсона атамаси ўзини оқлаган.

¹Матжон Омон. Ҳаққуш қичқириғи. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979. 8-бет (Кейинги парчалар шу китобдан олинди).

Достондаги иккинчи афсона “Ҳевоқ афсонаси” деб номланади. У мазмунан топонимик афсоналар сирасига киради. Чунки унда жой номи – Хиванинг келиб чиқиши изоҳланган. Унинг мазмуни Нуҳ тўфони ҳақидаги афсоналар сюжети билан боғланган. Нуҳ кемаси йўлга тушади ва ер кўрина бошлайди. Шунда:

Кемадаги жонларга Нуҳ:
“Ҳей! Бок! Депти. Ана, ер!
Ўша ердан бошланажак
Ҳамма учун она ер! (10-бет).

Нуҳ ва унинг кемаси келиб тушган замин “Ҳей, бок” деб атала бошлаган экан. Бу сўз даврлар оша фонетик ўзгаришларга учраб, Хива шаклини олган дейилади.

“Икки гул” деб номланган афсона профессор И.Мўминовга бағишланган. Ундаги биринчи гул, иккинчи гул, булоқ образлари рамзий маъно ташийди. Сувли-боғли шаҳар томон йўл олаётган биринчи гул жазирамада йўлида учраган булоқлардан ташналигини қондирмоқчи бўлганида улар япроғидан ташлаб кетишини сўрайдилар. Лекин биринчи гул бахиллиги туфайли уларга япроғидан бермайди ва натижада манзилга етай деганда сўлиб қолади. Шаҳар томон йўлга чиққан иккинчи гул эса йўлида учраган булоқлардан ташналигини қондириш баробарида уларга япроғидан биттадан ташлаб кетаверади.

Эътибор қилинса, афсонада биринчи ва иккинчи гул образлари контраст қўйилган. Биринчи гул бахиллиги туфайли қуриб қолади. Иккинчи гул саҳийлик қилиб, йўлида учраган булоққа баргидан бериб, сувидан қониб кетаверган. Натижада узилган барг ўрнига сув ичгани туфайли янги барглар чиқиб, гул янада гўзаллаша борган. Аслида бу афсона рамзий-фалсафий мазмун ташийди. Шоир қатга олим Иброҳим Мўминовни иккинчи гулга қиёс этади. Чунки бугун Ўзбекистоннинг фаҳрига айланган И.Мўминов ўз вақтида билим чашмаларидан кўплаб илм аҳлини баҳраманд этган эди.

Кўринадики, афсона шоирга поэтик фикрни фалсафий йўсинда ифодалаш имконини берган ва шу асосда Омон Матжон достонида тасвирлаган воқелик замонавий моҳият касб эта борган.

“Одамнинг ёши” деб номланган афсона ҳам ўзига хос мазмуни билан ажралиб туради. Унда Табиат бобонинг бор жонзотни жамлаб, ҳаммасига мос хизмат ва мавқе бериши ҳамда уларга қирқ ёшни белгилаши хусусида ҳикоя қилинади. Табиат бобо, эшак, ит, одам образлари орқали умр ва унинг мазмуни хусусида фикр юритилади.

Қирқ ёш эшак ва итга тўғри келмайди. Шу боис улар Табиат бобога арз қиладилар. Бироқ инсонга қирқ йил умр озлик қилади. Чунки:

Қирқ ёш – энг зўр ёш экан
Онг – тиниқ, куч – чош экан.
Лекин андак ташвиш кўп,
Умр – чоп-чоп, шош экан.
Ҳали уйим битмади,
Йиғин-тўйим битмади.
Орзу-ўйим битмади (20-бет).

Шу асосда Табиат бобо мулоҳаза қилиб, эшак, итдан ортган умрни одамга беради.

Кўринадики, ҳаётий воқелик бунда афсона йўсинида тасвирланган. Бу усул ижодкорга инсон умри ҳақида фалсафий хулосалар чиқариш имконини берган.

“Алла” деб номланган афсона шоир ғоявий мақсадини ёрқинроқ ифода этишга кўмакка келган. Маълумки, алла энг қадимги кўшиқдир. Унинг оҳангида бола ухлаб, ором олади. Аллада онанинг фарзандига бўлган чексиз муҳаббати акс этади. Бу муҳаббат Ватанга, яқинларга муҳаббат тарзида жаранглайди.

Афсонада Наврўз сайли ва уч дугона – Розия, Робия, Гулжон тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Шу сайлда хорижлик мато сотувчи йигитнинг ишқи Розияга тушади. Қизнинг оиласи уни ноилож хорижлик йигитга узатишади. Онаси қизига бахт тилар экан, шундай дейди: “Жон болам, соғ бўл, саломат бўл. Бахтли бўл. Битта ўтинчим: бола кўрсанг уларнинг ҳеч бирига алла айтма! Айтсанг, сендан бутун умр норози кетаман...” (26-бет).

Розия ўзга юртда кетма-кет икки ўғил кўради. Розия онасининг ўтинчини ёдида сақлаб, бирор марта гўдакларга алла айтмайди. Икки ўғил ҳам кўп яшамайди. Эри Розиянинг фарзандларига бирор марта ҳам алла айтмаганини биллади. Учинчи ўғли дунёга келгандан сўнг ҳам Розия унга алла айтмайди. Бола бетоб бўлган пайтда “эри даҳшатли қиёфада хайқирди: – Қандай онасан ўзи?! Меҳр деган нарса борми сенда ҳам? Бир алла айтиб, бағрингга боссанг-чи шўрликни?! Алла айт”, – дейди. Розия алла айтай деса, онаси тақиклаган, айтмай деса гулдай боласи кўз олдида сўлиб боряпти. У онасининг ўтинчларини ҳам унутиб, гўдагини бағрига босиб алла айта бошлайди. Шундан сўнг бола ором олиб ухлаб қолади ва секин-аста тузала бошлайди. Розия энди ҳар кун алла айтади. Алла оҳанглари орқали

яқинлари: ота-онаси, укалари, дугоналарини эслаб, уларни соғинганини ҳис этади, кишлоғи манзаралари кўз ўнгига келади. Бора-бора бу соғинч улкан бир дардга айланади. Юртига борай деса, замон нотинч, Гурлан ва у яшаётган мамлакат орасида қаттиқ жанглр кетмоқда эди.

Ҳақиқатан, асарда тасвир этилган воқеа ниҳоятда таъсирчан. Хўш, нега она қизидан алла куйламаслигини сўради. Афсонадаги бадий лавҳалар бу саволга жавоб беради. Зеро, алла инсон қалбига Ватан деган муқаддас туйғуни сингдиради. Чунки ватан деганда, аввало, туғилиб ўсган юрт гавдаланади. Унда эса ота-она, ака-укалар, яқин инсонлар истиқомат қилишади. Она аслида “узоқ юртда болам соғинчда ўртанмасин” деб, қизидан алла куйламаслигини илтимос қилган бўлади.

Поэмадаги бошқа афсоналар ҳам ўзига хос мазмунга эга. “Ҳаққуш қичқириғи” инсонларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришлари моҳиятини очишга қаратилган. Агар Ҳаққуш “ҳаққ” деган овози эшитилса (уни на кўриб бўлади, на билиб), одамлар хурсанд бўлишар экан. Чунки бу садо тинч-хотиржам яшашга ишора экан. Шу воқелик воситасида шоир Ҳаққуш овозидаги ғайриоддий кучнинг қудратини, халқнинг унга ишончини ифодалаб берган.

Асардаги “Комил Хоразмийнинг сулҳ тузишни сўрагани”, “Бир Хива – икки қалъа”, “Гурлан деган жойнинг номи”, “Ўн учинчи эшик” сингари афсоналар тарих саҳифаларидан сўзлайди.

Умуман, “Ҳаққуш қичқириғи” Омон Матжоннинг поэмачиликдаги бутунлай янгича изланишлари маҳсули сифатида аҳамиятли. У афсоналар сюжетини қайта бадий ишлаб, халқимизнинг минг асрлик орзу-кечинмаларини қаламга олади, қадим юрт тарихига оид манзараларни ғоятда жонли ва реал тасвирлайди.

Поэмадаги афсоналарнинг кўпчилигида жанр табиатидан келиб чиқиб ёндашилганлиги сезилади. Чунки уларда воқеликнинг ҳаёлий уйдирма воситасида, сеҳр-жодуга асосланган ҳолда ифода этилиши кузатилади. Шоир афсоналарда “ҳаётнинг энг кичик зарраларида намоён бўлувчи” (Ғ.Мўминов) серкўлам ҳаётни кўради. Шунинг учун бўлса керак, шоир уларнинг барчасини бир ном билан атайди. Худди ана шу хусусиятларига кўра дostonни *афсоналар асосида қурилган асарлар* қаторига киритиш мумкин.

Ойдин Ҳожиёвнинг буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ёзган “Нажот” дostonи¹ ҳам етти фасона-¹Ҳожиёва О. Кўзимнинг оқу қароси. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. 286-320-б.

дан иборит. Шоира шахсга сифинишнинг машъум оқибатларини, уруш, турғунлик йилларининг аянчли манзараларини, мақсадсиз афғон уруши воқеаларини афсона орқали тасвирлаган. Демак, поэмада замонавий воқеликни афсона услубида баён этиш кўзда тутилган. Шоира шу йўл билан халқ қалбида узоқ йиллардан буён яшириниб ётган дардларни, унинг ўқинч ва аламларини бадий акс эттирмоқчи бўлади. Бу асарнинг “Қирқинчи кути тилсими”, “Элдан чиққан бало”, “Асорат”, “Ҳамид Сулаймон ҳасрати”, “Муродбахш бобо ҳикояти”, “Хатар водийсидан фасона” каби қисмларида афсона сўзи атама маъносида эмас, балки ўтмишда рўй берган воқеликларни афсона, яъни Аристотель таъбири билан айтганда “Ҳақиқатдан хабар берувчи ёлғон ҳикоя”. Чунки бу асарда афсона жанри табиатига хос асосий белги – воқеликнинг хаёлий уйдирмага асосланган талқини кузатишмайди. Фақатгина “Болалик богидан фасона” деб номланган биринчи қисмда бу хусусият кўзга ташланади.

Поэмадаги ҳар бир афсона ўзига хос сюжет ва мазмунга эга. Биринчи афсона шоиранинг онаси Тошбиби Бобожаҳмат қизидан эшитган бир ҳаётий воқеа асос қилиб олинган. Шоира ўз кечинмаларини гарчи афсона услубида баён этишни мақсад қилса-да, бироқ матн таркибида халқ дostonларига хос композиция: наср ва назм уйғунлигидан фойдаланган. Ҳолбуки, афсона халқ оғзаки ижодининг насрий турига мансуб жанрдир. Унда эпик воқелик ҳикоявий кўринишда баён этилиши анъанага айланган. Бироқ шоира ўз асарида воқеликни шеърӣ баён этишга интилиб, бу анъанани янгилаш билан бир қаторда яна халқ дostonларига хос композицияни замонавий бадий ижод турига мослаштирмоқчи бўлади. Натижада унинг бу уринишлари янги бадий шаклнинг юзага келишига олиб келади. Маълумки, бундай уринишлар XX аср шеърӣятида ўзига хос услубий йўналишга айланган; алоҳида тамойилни ташкил этади.

Асарда О.Ҳожиева дастлаб ўзи туғилиб ўсган Рўзибиён қишлоғини ўзгача бир муҳаббат билан тасвирлайди ва у билан боғлиқ воқеаларни энтикиб эслайди. Шулардан бири Хизр ва нақшинкор дарвоза ҳақидаги ғамли ҳикоядир. Унда тасвирланишича, қишлоқдаги болалар “оқ либосли, соқоли кўксига тушган” афсонавий Хизр бобони доимий кутиб яшайдилар. Лекин мактаби, масжиди, мадрасаси бўлмаган қишлоққа қандай қилиб Хизр бобо келсин?! Бир куни қишлоқдаги файзу баракали нақшинкор дарвозаси бор ҳовли олдида ногаҳон “бир бечора жулдур чопон, оёқ яланг, ёқаси чок” чол пайдо бўлиб, бир кўриниш беради-ю, кўздан гойиб бўлади. Шундан сўнг у бошқа қайтиб келмайди. Хўш, нима

учун бу ғаройиб чол айнан нақшинкор дарвозали ҳовли олдида пайдо бўлди? Яна нега у жулдур кийимда? Ахир, у Хизр бобо бўлса, оқ либосда, узун соқолли бўлиши керак эди-ку!

Бечораҳол кўринишдаги ғаройиб чол ташрифидан сўнг нақшинкор дарвозали уйдан файзу-барака кўтарилиб, хонадон эгалари бошига оғир кулфат тушади. Демак, асарда жулдур кийимли нотаниш чолнинг келиши хонадон бошига тушажак фалокатдан огоҳлантиришдир. Айни пайтда унинг бу бадий вазифаси афсонавий Хизр образи вазифасига параллел олинганлигини сезиш қийин эмас. Хусусан, бу уларнинг кутилмаганда пайдо бўлиб, рўй бериши мумкин бўлган воқелик ҳақида олдиндан огоҳ этишида намоён бўлади.

Маълумки, халқ афсоналарида акс этган воқеликда хаёлий уйдирмадан ҳамда фантастик ва мифологик образлардан фойдаланилади. Бунда ҳам Хизрга ўхшаган бобонинг бир кўриниш бериши аслида мўъжизавий ҳолатдир. Шунга эътибор қаратилса, шоиранинг ўз асарини фасона деб аташи сабабини англаш мумкин.

Шўролар даврида халқнинг миллий қадриятларини топташ, уларни йўқ қилиш мана шу тарзда бошланди. Аслида бу маънавий қатагондан дарак берарди. Зеро, бугун бундай воқеалар ўтмиш ва тарихга айланиб улгурди.

Иккинчи афсона ҳам мантиқан биринчи афсонага яқиндир. “Қирқинчи кути тилсими” деб аталган бу қисмда моҳиятан шунга ўхшаш бошқа бир аянчли ҳолат тасвир этилган. Маълумки, шахсга сиғиниш йилларида араб имлосида битилган кўплаб дурдона асарлар ёқиб юборилди. Ушбу афсона Зарметан қишлоғида бўлиб ўтган худди шундай воқеалардан сўзлайди. Афсонанинг бош қаҳрамони ёш қизча ва Мавлавихондир. Арабчада битилган китоблар ёндирилаётган бир пайтда Мавлавихон жуда кўп ноёб китобларни кўмади. Лекин Алишер Навоийнинг девонини “дафн” этарга журъат топмайди” ва қизчага тугунча қилиб беради. У Шўравот қишлоғи томон йўл олади ва сойга дуч келади. Кўприк ўрнида ёғоч нов бўлиб, ундан ўтиш мушкул эди:

Норасида хўрсинди хомуш,

Ақли етмай бирор тадбирга,

“Алҳамду”ни айтди фаромуш (296-бет).

“Алҳамду” дейилганда “Фотиҳа”сураси назарда тутилмоқда. Шу ўринда шоира эртақларга хос анъанавий мотивлардан бири – мушкул вазиятларда бош қаҳрамонга қушлар, ҳайвонларнинг кўмак бери-

ши воқеасини дoston сюжетига сингдиришга уринади. Қизчага новдан ўтишда товушқон, тўрғайлар ёрдам берадилар.

Ва товушқон булутдай тўзиб,

Ўрнида оқ калава қолди.

Ва чувалиб-чувалиб ногоҳ,

Салла каби ёйилди пакқос.

Нов устига тўшалди оппок

Толалардан узун пояндоз (296-297-бетлар).

Тўрғайлар пояндозни тумшуғига тишлаб, икки ёғидан ушлаб туришади ва шу тариқа қизча сойдан ўтиб олади. У ҳалиги тугунчани Шўравотнинг боғбони Фармон бобога топширади. Фармон бобо китобни “боғ тўрида назардан ниҳон қирқинчи бол кутига солади”. Шу йўл билан Навоийнинг девонини асраб қоладилар. Ҳар сафар асал йиғиш мавсумида охириги кути очилмас эди. Фармон бобо:

– Ҳазратимнинг ўлмас сўзлари

Беҳроқ асалари сутидан, – дейди (297-бет).

Кўринадики, иккинчи афсона ҳам ҳаётий воқелик асосида қурилган. Аммо халқ афсоналари ҳаётий воқелик эмас, хаёлий уйдирма асосида яратилади. Шунинг учун шоира ўз асарларини гарчи фасона деб атаган бўлса-да, аслида буни истилоҳий маънода қўлламаганлигини англаш керак.

Шоиранинг “Элдан чиққан бало” деб номланган афсонаси ҳам китоблар қатағонидан сўзлайди. Унда мумтоз бадий асарлар билан диний китобларнинг ёқиб ташланиши воқеалари баён этилади.

Шоира қаламга олган даҳшатлар шахсга сиғиниш даврида бошланаётган қатағоннинг бир лавҳаси, холос. Лекин бу қатағон фақат китобларни ёқиш, одамларни бадном қилиш билан интиҳо топмаган, у авж олиб борган. Жумладан, дostonнинг “Асорат” деб номланган қисмида миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизнинг йўқотилиши билан боғлиқ воқеалар ифода этилган. Унда шоира қишлоқдаги келинсалом удумини тасвирлайди. Шундан келиб чиқиб, дoston композициясига келинсалом қўшиқлари киритилади. Натижада дostonнинг миллийлик руҳи кучайиб, халқчиллиги янада ошади.

Асарда Норбўта раиснинг халқнинг миллий маросимларини (“Келинсалом”) ўтказгани учун партиядан ўчирилиши ва ўз юртидан Беговот чўлларига сургун этилиши реал тасвирланади. Шоира эътиқоди, иймони бутун Норбўта раис тимсолида халқ дунёқарашини ифода этган.

Шахсга сиғиниш йилларида, хусусан, халқ орасидан етишиб чиққан миллат фидойиларини, зиёлиларини қатағон қилиш авж олди. Бешинчи афсона худди шу фожиа ҳақида сўзлайди. “Ҳамид Сулаймон ҳасрати” деб номланган бу қисмда навоийшунос олим, зукко муаллим Ҳамид Сулаймоннинг аянчли қисмати ҳикоя қилинади. У имтиҳон варақаларини ўзбек тилида тузгани учун “миллатчилик”да айбланади ва қамоққа олинади.

Инсонликнинг таҳқирланишини шоира қатағон қилинган миллат фидойилари қамалган қамоқхоналар мисолида реаллаштиради. Мана шундай жирканч муҳитда халқнинг асл фарзандлари чидам ва матонат билан йиллаб яшаганлигини шоира Ҳамид Сулаймоннинг аччиқ қисмати орқали тасвирлаб беради. Аслида ўша йилларда кўплаб зиёлиларимизнинг тақдири мана шу тарзда яқун топган.

Асарнинг лирик чекиниш қисми шоиранинг оху афғони янглиғ янграйди:

Гул элим, жамбил элим,
Сағиру сабил элим,
Ўз ўғлига “Ёрилтош”
Бўлолмаган қул элим...(312-бет).

Маълумки, халқ орасида “Ёрилтош” эртаги анча машхур. Унда тилсим тош ёмонлардан ҳимоя қилувчи магик восита маъносида талқин қилинади. Шоира “Ёрилтош”ни талмеҳ қилиб келтирар экан, унга жуда катта мазмун юклайди. Яъни, Ҳамид Сулаймонга ўхшаган миллат фидойиларини халқ ҳеч бўлмаса “Ёрилтош”чалик ҳам ҳимоя қилолмади, деган ўқинч шоира қалбини вайрон қилади.

Бу афсона асар композициясини бошқа афсоналар билан боғлашга хизмат қилган. Чунки шоиранинг ғоявий-бадийий нияти турли йилларда содир бўлган ҳаётий воқеалардан энг характерлиларини танлаб, ўшалар воситасида даврнинг манзараларини яратишдан иборат бўлган. Шу жиҳатдан Ҳамид Сулаймон ҳақидаги фасона – тарихий воқелик дoston композициясига яхлитлик бахш этган.

Асар композициясига эътибор берилса, афсоналар мазмуни бир-бирини тўлдириб, изчиллик касб эта борган. “Муродбахш бобо ҳикояти” олтинчи афсона бўлиб, унда турғунлик йиллари фожиалари акс этган. Шоира олти афсона орқали қатағон деган бало, турғунлик замони нафақат инсонларни заҳарлади, балки у яшаб турган заминга, миллат ҳаётига ҳам оғу солди, деган хулосага келади.

Адабиётимизда ўтган асрнинг 80-йилларидаги мақсадсиз афғон уруши мавзуида шеър битмаган, асар ёзмаган ижодкор йўқ ҳисоб. Ойдин Ҳожиева ҳам достонининг “Хатар водийсидан фасона” номли сўнги қисмини шу фожиага бағишлади.

Алишер Навоий – Ҳирот фарзанди. Ҳирот эса Афғонистонда жойлашган. “Ажал кузғунлари навқирон йигитларга чангал урганда, улуғ шоир гўрида тикка турди”. Чунки бундай хунрезликлар унинг юртида содир бўлаётган эди. Шу боис шоира Навоий руҳини сўзлатади:

Жайхун сувларига не бошлар окди,
Суврати, сийрати куёшлар окди.
Хасу хошок бўлди, бардошлар окди,
Санасам адашур саноғим менинг!
Қандай чидаш бердинг, пули Ҳайратон,
Ўтди кун қамалган тобутлар ҳайрон.
Далва-далва танлар ўтди лахта қон,
Кулок-бурни кесик Широғим менинг (316-бет).

Умуман, О.Ҳожиева юртимиз ва халқимиз тарихий тақдирига алоқадор яқин ўтмиш лавҳаларини бир-бир хаёлидан ўтказиб, афсоналар занжиридан ташкил топган яхлит дoston яратган. Улар мантиқан бир-бири билан боғланиб, қатагон даври ва турғунлик йиллари фожиаларини, афғон уруши оқибатларини бадиий акс эттиради. Шунинг натижасида ўқувчи кўз ўнгида кўкларга кўтарилган собиқ тузумнинг даҳшатли қиёфаси ёрқин намоён бўлади. Шу ўринда савол туғилади: нега шоира воқеликни тасвирлашда афсонани танлади?

1. Эпик баён афсонага хос. Ҳар бир афсона мустақил сюжетга эга.

2. Афсоналар ҳаётдан, воқеликдан сўзлайди. Шоира афсоналарида ҳам ўтмишимиз воқелиги ўз аксини топган.

Демак, асарда тасвир этилган қатагоннинг турли шакллари, турғунлик йиллари фожиалари, афғон уруши оқибатлари – буларнинг барчасида халқимизнинг ўтмишидаги аянчли қисмати ётади.

“Нажот” поэмаси ўтган асрнинг 90-йиллари поэмачилигида алоҳида ҳодисадир. О.Ҳожиева “Нажот” достонида ўз хаёлидан кечган воқеликларни баён этгани учун бадиий тасвирда афсонани “либоси мавзун” сифатида қўллаган. Достонда яхлит сюжет чизиги мавжуд эмас, у кичик-кичик эпизодлар тизимидан ташкил топган. Бу эпизодлар шоиранинг ягона ғоявий мақсадини – шахсга сиғиниш ва турғунлик йиллари воқелигини бор бўйича бадиий тасвирлашга қаратилган.

А.Суюннинг “Бешбармоқ”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дароخت”, Р.Мусурмоннинг “Рух насибаси” каби поэмаларида афсоналар *композицион вазифани бажаришга* хизмат қилган. “Бешбармоқ” лиро-эпик поэмасида ягона сюжет чизиги ва композицион яхлитлик мавжуд. Собит ота поэманинг бош қаҳрамонидир. Асарда баён қилинишича, Собит ота дунёдан кўз юмгач, унинг жасадини қабристонга эмас, Бешбармоқ қоясига дафн этишади. Чунки Собит ота ўлимидан олдин қавмдошларига шуни васият қилган эди. Шоир бунинг сабабини изоҳлаш учун поэма композициясини афсона қолипига мослаштиради. Бу афсонани бир вақтлар Собит ота айтиб берган бўлади. Унда “Бешбармоқ” номининг келиб чиқиши изоҳланади.

Афсонада ҳикоя қилинишича, кичик бир элат бошига офат ёғилади. Бу офатни даф қилиш учун қавм баҳодирлари кўп бош қотирадилар. Ниҳоят, улар ўйлаб-ўйлаб, элатни овулдан узоқлаштириш режасини тундадилар.

Хуллас, элатга ёв босиб келади ва беш баҳодир жангга киришади.

Беш баҳодир ҳам дарҳол,
Чиқар қоплон мисол.
Жанг бошланар беомон,
Қилич серпар беш ўғлон.
Бесаноқ учар бошлар,
Тоғдан кўчгандай тошлар
Қонлар оқар дарёдай
Ўлик қотар бўйрадай¹.

Шоир поэтик фикрни образли ифодалаш мақсадида ташбеҳдан самарали фойдаланган. Бинобарин, беш ўғлон қоплонга менгзалган. Улар мардлик билан жанг қилиб, душманнинг кўпчилигини ер тишлатади. Сонсаноксиз учган бошлар тоғдан кўчган тошларга, тўкилган қонлар эса дарёга қиёсланади. Ўликларнинг териб қўйилиши бўйранинг қаторларига ўхшатилади. Бу тасвирлар беш ўғлон жасоратини ифодалашга хизмат қилган, албатта. Ёвнинг сони ниҳоятда кўп бўлганидан уларнинг енгиллиши тайин эди. Шунинг учун беш паҳлавон ўзлари билан сирли дара томонга чекинадилар:

Шунда етишар ана,
Қизгин ёвлар ҳам, мана.

¹Суюн А. Куйганим – суйганим. Тошкент: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 98-б. (Кейинги парчалар шу китобдан олинди ва қавс ичида бети кўрсатилди).

Аммо бирдан беш ўғлон,
Дарага ўзни шу он
Ташлашар! Ҳайҳот шу тоб,
Гумбурлаб кетар тош-тоғ...
Дара ўрнида мағрур,
Беш ўғлон – қоя турар (102-бет).

Улар ўша ерда бешта қояга айланадилар. Бунда афсонага хос мўъжизавийлик хусусияти мавжуд. Ушбу топонимик афсона Бешбармоқ қоянинг келиб чиқиш тарихидан сўзлайди. Кўринадики, беш ўғлоннинг фидойилиги асрлар оша кўпчиликка ибрат намунаси бўлиб келган. Собит ота ҳам бу афсонани аслида бобосидан эшитган. Фольклор унсурларининг бадиий адабиёт асарлари таркибидан ўрин олиши ҳақида адабиётшунос Ш.Муродов шундай ёзади: “Ҳ.Шарипов, Э.Воҳидов, А.Орипов, О.Матжон ва бошқалар ўз асарларида анъанавий мифлар, ривоятлар, афсоналар, эртақлар, масаллардан ижодий фойдаланиб, шу йўл билан бадиий ишонарли ва мазмунли асарлар яратдилар, жанрнинг янги имкониятларини очдилар”¹. Зеро, поэма таркибидаги афсона шоирга поэтик фикрни ва эпик мазмунни очиб беришда кўмакка келган. Бу эса асарда миллийликни таъминлашдан ташқари унинг композициясида ҳам ўз ўрнига эга. Афсона орқали шоир китобхонга Ватан деган муқаддас тунунчанинг моҳиятини чуқурроқ англатишга ҳаракат қилган.

Собит отанинг ўзи ҳам жанггоҳларда беш ўғлон ҳолатини бошидан кечиради. Шоир ўз қахрамони тимсолида аجدодлар анъанасига содиқ ватанпарвар образини гавдалантирган. Шу ўринда бир мулоҳаза: шоир асарда ривоят ва афсона атамасини чалкаштириб қўллайди. У аслида ривоят дея тилга олган воқелик афсона жанри табиатига мос келади. Чунки афсонада хаёлий уйдирма – сеҳр-жоду – беш ўғлоннинг беш қояга айланиши акс этган. Шунинг учун бу асарни афсона композицион вазифа бажарган дostonлар қаторига киритиш мумкин.

Рустам Мусурмоннинг “Рух насибаси” поэмаси ҳам ўзига хос композицияси билан ўтган асрнинг 90-йиллари ўзбек поэмачилигида алоҳида ўрин тутади. Асарга сумалакнинг пайдо бўлиши ҳақидаги халқ афсонаси сингдириб юборилган:

Сахро... Ҳасан-Ҳусан... Биби Фотима...
На бир култум сув,

¹Муродов Ш. Жанровые особенности современной узбекской поэмы (на материале поэм 70-х годов). АКД. Ташкент, 1984. С. 10.

На... бир тишлам нон бор...
Фақат она-бола.
Одам зоти – на?
На бирор жондор бор
На бирор жон бор¹.

Биби Фотима кимсасиз саҳрода оч қолган эгизакларига қозонга “бир тутам майсаю тўртта тош ташлаб”, кечаси билан қайнатиб, бир таом пишириб беради.

Халқ афсонасида ҳам ҳикоя қилинишича, бир камбағал кампир эгизак болалари оч қолганига чидай олмай, “Ўтган йилги буғдойпоядан буғдой томирларини, энди ниш ура бошлаган ўт-ўланлар териб, уларни яхшилаб ювиб” қозонга солади ва эрталабга қадар худога нола қилиб, уни пиширади. “Тонгга яқин она ҳам қовлашдан чарчаб, қозоннинг қопқоғини яхшилаб ёпиб, димлабди-да, болаларини ёнига ёнбошлаб уйкуга кетибди. Эрталаб болаларининг шовқинидан уйғониб қараса, Ҳасан-Ҳусанлар қозонга қўлчаларини тиқиб, ниманидир ялашаётганмиш. Мўъжиза рўй берганидан кўзларига ишонмаган онаизорнинг ўзиям жимжилоғи билан қозондаги таомдан ялаб кўрса, ширин нарса экан”².

Достон учун ҳам айнан шу воқелик асос қилиб олинган. Буни шоир сатрлар қатига қуйидагича сингдиради:

...Алдади бегуноҳ Фотима,
Ўтруклашурлар, ёх, лафзларида!
Ҳеч овқат бўларми қозонда
Майсаю тўртта тош – думалоқ?
Юмилиб кетади азонда
Кўзлари...
Юмалаабб...
Юмалаа-абб...

Эътибор қилинса, асардаги воқеа халқ оғзаки ижодида эпик макон вазифасини ўтайдиган “кимсасиз саҳро”да бўлиб ўтади. Халқимизнинг қадим ўтмишига оид бу воқеа шоир лирик қаҳрамонига таъсир қилади:

Ухладим...
Ҳаво йўқ нафас олишга
Саҳро... Ҳасан-Ҳусан... Биби Фотима

¹Мусурмон Р. Рух насибаси. Достон // “Шарқ юлдузи”, 1994 йил, 3-сон, 100-б.

²Наврўз. (Тўплаб нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, М.Жўраев). Тошкент: Фан, 1992. 25-26-б.

Айланар бошимда гирди капалак
Миннатдор жилмаяр Биби Фотима –
Эгизлар талашиб ялар сумалак.
Увиллаб йиғлайман тушимда...

Бунда ҳам халқ эпик асарларига хос анъанавий туш мотивидан фойдаланилган. Лирик қаҳрамон ўша қадим воқеликни тушида кўради. Капалак образига эътибор берилса, у ҳам фольклорга хос бўлиб, асарда арвоҳ вазифасини бажарган:

“Бибижон, оч қолдим.
Бибижон, нон бер!!! ”
“Кўзингни юм!”- дейлар,
Юмаман...
“Кўзингни оч!” – дейлар
Очаман...
О чаман.
Оча
Ман –
Оч...
Ооччч!!!

Саҳродаги ҳолат лирик қаҳрамон тушида гавдаланади. Шоир поэмада поэтик синтаксисни ўзига хос тарзда қўллаган. Бинобарин, диалог, кўчирма гап ва сўз ўйинидан иборат бу лавҳада лирик қаҳрамоннинг руҳияти акс этган. “Очаман” сўзи шеърий матнда уч хил шаклда (очаман, о чаман, оча ман) қўлланган ва мазкур шаклдошлик уч хил маънога эга. Яъни кўзимни очаман, чаман-гулзор, мен очман кабилар шулар жумласидандир. Бу билан афсона қаҳрамонининг ўша мушкул дамлардаги изтироблари акс этган:

Ишонмайман –
Ҳушимда
Биби Фотима йўқ!
Ҳасан-Хусан йўқ!
Қўшқўллаб муштлайман бошимга.
Қўш қўллаб муштлайман боошимгаа!!!

Тушнинг сўнгида лирик қаҳрамон афсона қаҳрамонларини кўрмайди. Ҳақиқатан, Хусан Карбало даштидаги урушда, Ҳасан хотини берган заҳардан ҳалок бўлади. Бунда туш башоратли мазмун касб этади. Сўнгги сатрлар эса азадорлик йиғиси белгиларидир. Чунки азада баъзи аёллар бошига қўшқўллаб муштлаган тарзда йиғлайди.

Поэмадаги шеърӣ сатрларда таъсирчанликни ошириш мақсадида унли ва ундош товушлар иккилантирилган, чўзилган. Бу кейинги йиллар ўзбек поэмачилигида янгича усуллардан бири бўлиб, лирик қаҳрамон қалбида кечадиган туғёнларни ёрқин акс эттиришга хизмат қилади.

Хўш, шоир нима учун бу кўҳна афсонага мурожаат этди? Бизнингча, халқимиз тарихининг ниҳоятда қадимийлиги, миллий урф-одатларимизнинг узоқ асрларга бориб туташиши каби жиҳатларни бадиий акс эттириш мақсадида шоир мазкур афсонани шеърга солган ва бугунги замондошимиз нигоҳи билан олис мозийга теран нигоҳ ташлаган.

Икром Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” поэмасида келтирилган афсона унга ҳикматли йўналиш бағишлайди. Айтишларича, бир киши чексиз ёбонга дарахт кўчати экади. Дарахтнинг яшаш учун курашида бир неча фасллар алмашинади. “Лаби қувраган жавзо” орқали ёзнинг иссиқлигига “либосини алмашган кўклам” метафораси билан баҳор табиатининг гўзаллигига, “хайр этган тийрамоҳ” деб эса қиш сари юз тутган куз ҳолатига ишора қилинади. Ёбондаги ёлғиз дарахт табиат фасллариининг инжиқликларига қарамай, фақат кўкариш, яшариш ва юксалиш томон интилган.

Кейинги йиллар ўзбек поэмачилиги ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан янгилашиб бормоқда. Агар юқорида таҳлил этилган асарларда халқ афсоналари асар бадиий структурасидан ўрин олиб, турли композицион вазифаларни адо этган бўлса, кейинги йилларда ёзилган бир қатор поэмаларда *афсоналар қаҳрамонлари талмеҳ қилиб* келтирилган. Бу жиҳатдан Фахриёрнинг “Ёзиқ” асари эътиборлидир. Унда бир неча афсона мазмуни ва қаҳрамонларига ишора қилинганлиги кузатилади. Шулардан бири “Дедал ва Икар” афсонасидир. Ундаги бир лавҳага: Дедал ва Икарнинг осмонга учиши воқеасига ишора қилинган:

Дедал учиб боради,
дедалуслар термулар.
Икар учиб боради,
“икаруслар” ўрмалар¹.

Шоир афсонани бугунга боғлаган, Дедал ва Икар сингари афсонавий қаҳрамонларга ишора қилиш орқали талмеҳ яратган.

Иккинчи афсона Искандар Зулқарнайн ҳақида бўлиб, унда ҳам чўшоннинг най ясаши ҳолати асос қилиб олинган. Маълумки, Мақсуд Шайхзода айнан шу афсонага таяниб, “Искандар Зулқарнайн” номи

¹Фахриёр. Ёзиқ. Достон // Шарк юлдузи, 1991 йил, 4-сон, 91-б.

поэма яратган эди. Фахриёр эса ундаги бир мотивни: чўпоннинг най ясаши эпизодини асарга олиб кирган:

Ёзиклар гоҳ сура, гоҳ оят
қулок тутар сичқонлар – авом.
Қунгабокар қулоқни тунда
Ғор – қудуққа ташлаб юборар.
қамиш униб чиқади ундан
ё раб!..

Бозингар ютган қилич сингари
қудуқнинг бўғизига қамиш қадалар.

Чўпон йўқ най ясаб олгани,

Қишлоққа қайтмади подалар (92-93-бет).

Афсонага кўра Искандар Зулқарнайнинг бошида шохи борлигини энг сўнгги уста-сартарош билар эди. Шунинг учун Искандар бу сирни ҳеч кимга айтмаслик шарти билан унга сочини олдиради. Сартарош анча муддат маскур сирни яшириб юради. Бироқ унга бу оғирлик қилади. Бир куни қудуққа Искандарнинг шохи борлигини айтади ва енгил тортиб, уйига қайтади. Йиллар ўтиб, қудуқ кўмилиб, ўрнидан қамишлар ўсиб чиқади. Чўпон ўша қамишлардан най ясаб, уни чалишга чоғланса, куй ўрнида Искандарнинг шохи борлиги ҳақидаги садо чиқади. Фахриёр ана шу афсонавий воқеликка ишора қилади. Бунда ғор – қудуқ, чўпон, най сингари эпик макон ва образлар айнан афсонага хосдир.

Модернизм воқеликни бадий акс эттиришнинг ўзига хос усули бўлиб, унга хос муҳим жиҳатлардан бири бадий асарда қаҳрамонлар маълум бир белгилар орқали ифода этилади¹. Фахриёр – замонавий модернистик адабиётимизнинг ёрқин вакили. Шу боис “Ёзик” достонидаги талмехлар аслида шу усул воситасида юзага чиққан. Айни жараён лирик поэманинг мазмунини янгилашга хизмат қилган.

Демак, таҳлил этганимиз поэмаларда афсонадан қолиплаш усули сифатида фойдаланилган. Бунда улар композицион восита вазифасини бажариб келган. Афсона поэма таркибига бутунлай сингиб кетмаган. Фақат у маълум бир ғоявий мақсадни кўзлабгина поэма таркибига киритилган. Яъни ўша эпик асар (афсона ёки ривоят) асар композициясида мазмунни бойитишга ёхуд бош қаҳрамон характери ва руҳиятини очишга хизмат қилган.

¹Современный литературный процесс. Учебное пособие для вузов. Составитель Т.А.Тернова. Воронеж, 2006 (<http://www.lib.vsu.ru>).

Халқ афсоналарига мурожаат этиш, воқеликни афсона йўсинида тасвирлаш орқали XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан бойиди. Сеҳр-жоду ва хаёлий уйдирмага асосланган халқ оғзаки ижодининг бу қадимий жанри замонавий шоирларга поэтик фикрни кенг, таъсирчан қилиб тасвирлаш имкониятларини яратди. Бу эса лирик ва лиро-эпик поэма бадий структурасида янгиланишларни вужудга келтирди.

Фольклорнинг мустақил жанрларидан бири бўлган нақл бирор сабаб билан айтилади. Унда муҳокама қилиниши зарур бўлган мавзу бўлиши керак. XX асрнинг иккинчи ярмида эса бундай мавзулар сероб эди. Шунинг учун шоирлар нақлни бадий шакл сифатида танлаб, ўз кечинмаларини ички туғён билан муҳокама қилишга интилдилар. Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, А.Ориповнинг “Ранжком” сингари дostonларида халқ нақллари муҳим ўрин тутади.

“Рухлар исёни” дostonида “Олий руҳлар туғрисида нақл” келтирилган. Бу нақл ҳам бевосита асар қаҳрамони характерини ёрқинлаштирувчи воситага айланган. Чунки нақлда руҳлар иккига: оддий ва олий руҳга ажратилади. Даҳолар, улуғларнинг руҳи олий руҳ бўлиб, “улар аршда гуриб” инсониятга раҳнамолик қилар экан. Бинобарин, поэмада ҳам ўз халқининг эрки ва озодлиги йўлида жонини аямаган таниқли бенгал шоири Назрул Исломга ўхшаган инсонларнинг руҳи ҳам олий руҳ эканлиги ифодаланган. Нақл асарда қолиплаш вазифасини бажаради.

А.Ориповнинг “Ранжком” дostonида ҳам нақлдан фойдаланилган. Асар қаҳрамони Фаррош кампир ранжитувчилар комитети аъзоларига шундай нақл айтиб беради:

Бир қабила йўлбошчиси демиш Темурга:
– Сен бизларни қурол билан забт этдинг, амир.
Модомики, кетмас бўлиб келдинг бу ерга,
Фуқарога эгалик қил, қўллагил тadbир.
Қассоб бўлсанг сўйиб ташла шу захотийёк
Сотиб юбор, агар касбинг бўлса савдогар.
Магар ундоқ эмассанми, тут бизга қулоқ,
Сен бизларга бахт ато эт, подшоҳ бўлсанг гар¹.

Фаррош кампир Ранжком аъзоларининг қилмишларидан нафратланиб, ибрат бўлсин дея ўз юришлари билан оламни зир титратган Амир Темур

¹Орипов А. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. 375-б.

ҳақидаги нақли келтиради. Одамларини ранжитиш, уларга турли йўллар билан озор бериш режасини тузган кимсалар: раис, биринчи аъзо, иккинчи аъзо сингари Ранжком аъзолари доно кампирнинг бу ибратомуз, ахлоқий мазмунга эга ҳикоясидан сўнг бир қадар виждонлари қийналади. Зеро, шоир яратган образлар ичида бошда шунчаки персонаж бўлиб кўринган, аслида эса дostonнинг бош ғоявий-бадий концепциясини белгиловчи образ даражасига кўтарилган Фаррош кампир образига алоҳида маъно юклайди. Собиқ тузумнинг қора кўргуликларини бошидан ўтказган кампирнинг фикрлари, айниқса, сўзлаб берган нақли воситасида хушёрликка даъват этилади, занг босган, моғорлаган виждонларни уйғонишга чорлайди.

Халқ тилида баъзан ривоятни нақл деб ҳам айтадилар. Лекин фольклоршунослик илмида нақл ва ривоят алоҳида-алоҳида жанр сифатида ўзига хос хусусиятларга эга. Иккала жанрни фарқламаслик, уларни чалкаштириб қўллаш айрим шоирлар ижодида кузатилади. Жумладан, Шукур Қурбоннинг Алишер Навоийга бағишланган тарихий мавзудаги “Сўз йўли” поэмаси бу жиҳатдан эътиборли. Унда шоир ривоятни нақл сифатида қўллайди. Аслида эса Навоий ҳақида асар таркибига киритилган учта нақл ривоятдир. Шу боис бу асарни ривоятлар асосида қурилган дostonлар қаторига киритиш мумкин.

Шундай қилиб, афсона ва нақлларнинг поэмалар бадий структурасидан ўрин олиши жанрнинг бадий уфқларини кенгайтди. **Биринчидан**, замонавий воқеликни афсона услубида акс эттириш натижасида (“Ҳаққуш қичқириғи”, “Нажот) халқимизнинг кўп асрлик орзу-интилишларини, яқин тарихимиз саҳифаларини жонли ифодалашга эришилди. **Иккинчидан**, афсона ва нақллар поэмаларга ахлоқий, фалсафий мазмун (“Бешбармоқ”, “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, “Рухлар исёни”, “Ранжком”) бахш этди. Бу эса уларнинг ўқимишлилик даражасини оширишга хизмат қилди. **Учинчидан**, афсоналар поэма бадий композициясини бойитди. Натижада лиро-эпик поэманинг эпик тасвир имкониятлари янада кенгайди. **Тўртинчидан**, халқ оғзаки ижоди жанрларининг поэма мазмунига сингдирилиши шоирларнинг миллий заминдан узилмаганликларини кўрсатади.

2-фасл. Ривоятлар асосида қурилган дostonларнинг специфик хусусиятлари

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги сюжет ва композицион жиҳатдан ҳам янгиланиб борди. Дostonлар структурасига халқ оғзаки

ижодига хос бадий идрок ва ифода маданиятининг олиб кирилиши поэтик мазмунни, миллийликни кучайтиришдан ташқари, услубнинг рангбаранглашувига хизмат қилди. Маълумки, халқ орасида машхур тарихий шахслар, жойлар ҳақидаги ва ахлоқий мазмундаги турли ривоятлар мавжуд. Уларнинг лирик ва лиро-эпик поэмалар структурасига сингиши натижасида жанр таркибида ва тизимида бир қатор ўзгаришлар юзага келди. Ушбу ҳодиса жанрнинг янги-янги кўринишларини вужудга келтирди.

Мирмуҳсин “Широқ”, Э.Воҳидовнинг “Рухларисёни”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, О.Матжоннинг “Чўлдагилар”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, Ҳ.Саъдулланинг “Дўст қадри”, У.Кўчқорнинг “Широқ”, Қ.Раҳимбоевнинг “Қишнинг охирлари” сингари поэмаларида халқ ривоятлари сюжетларидан фойдаланилган. Шунинг учун бу асарларни *ривоятлар асосида қурилган поэмалар* қаторига киритиш мумкин. Аммо улар дoston таркибида ривоятнинг тутган ўрни ва вазифасига қараб бир-биридан ўзаро фарқ қилади. Шунга кўра бу хил дostonларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин:

1. Ривоят сюжети асосида қурилган поэмалар. (Мирмуҳсиннинг “Широқ”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят”, У.Кўчқорнинг “Широқ” сингари поэмалари).

2. Ривоят композицион қолип вазифасини бажарган поэмалар (Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, Ҳ.Саъдулланинг “Дўст қадри”, О.Матжоннинг “Чўлдагилар”, Қ.Раҳимбоевнинг “Қишнинг охирлари” каби асарлари).

3. Сюжетида ривоят психологик тасвир воситаси вазифасини бажариб келган поэмалар (Э.Воҳидовнинг “Рухларисёни” асари).

Маълумки, энг қадимги афсоналар ва ривоятлар кўпинча айрим парчалар ёки қисқартирилган баёнлар тарзида у ёки бу ёзма манба ичида сақланиб қолган. Жумладан, “Тўмарис”, “Широқ”, “Зариандр ва Одатида”, “Аморг ва Спаретра” каби ривоятлар шулар сирасига киради. Бироқ булар орасида “Широқ” ривояти алоҳида ўрин тутди.

Ўзбек поэмачилигида узоқ тарихимиз саҳифаларини ёритиб турган, номи халқ ривоятлари ва афсоналари бағрига сиғиб кетган сиймолар образларини бадий гавдалантириш ўзига хос анъана тусини олди. Шулардан бири юксак ватанпарварлик фазилатини ўзида мужассам этган халқ қаҳрамони Широқдир. Халқ оғзаки ижодида унинг бетакрор жасорати ҳақида “Широқ” ривояти яратилган. Маълумки, бу ривоят Полиэннинг “Ҳарбий ҳийлалар” асари орқали бизнинг кунларимизгача етиб келган.

Широқ ўз ватанини, ўзи мансуб бўлган сак (шак) элини беҳад севади. Ундаги ватанпарварлик, ватан тақдирига қуйиниш, у учун ширин жондан кечиш туйғуси бетакрор, бебаҳо, ибратли фазилатлардандир. Табиийки, халқ ўз қаҳрамонларини идеаллаштириб акс эттиради. Шу орқали қаҳрамонларнинг шахси, хатти-ҳаракатлари эпик асарлар қонуниятига мувофиқ бўрттирилади. Натижада халқ қаҳрамони идеал образ сифатида гавдаланади. “Широқ” ривоятида ҳам шу манзарани кузатиш мумкин.

Тарихий воқеа ва ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда юзага келган бу ривоят тарихий ривоятлар қаторига киритилади. “Широқ” ривоятининг яратилишига саклардан бўлган оддий бир чўпоннинг ҳийла ишлатиб, бир ўзи душманни мағлуб этиши воқеаси асос бўлган. Бу воқеанинг тарихийлигини, ҳаётда юз берганлигини тарихчи Полиэн тасдиқламоқчи бўлади. Асар сюжетидан маълумки, Широқ эл-юрт манфаати, бахт-саодати, унинг дахлсизлиги, эрки ва мустақиллиги учун қурбон бўлади. У ўз жонига қасд қилган ожиз одам эмас, аксинча, ниҳоятда жасур, мустаҳкам иродали, кучли ва чидамли, фидойи инсон. Унинг учун ватан озодлиги ва мустақиллигидан кўра олий тушунча йўқ. Широқ юрти тинч бўлса, оиласи ва болалари тинч бўлишини яхши англайди. Уларнинг эркин ва озод яшай олиш имконияти ватан эрки ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқлиги Широқни чуқур ўйлантириб, юксак қаҳрамонлик сари ундайди. Чунки ватан озод бўлмаса, ватанда душман аскарлари бемалол изғиб юрса, унда ёвуз келгиндилар ҳукмронлик қилса, оила эрки, халқ эрки, ватан эрки ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Худди шу фикр-кечинмалар Широқнинг қалбини ларзага солади ва уни сўнгги йўлга ундайди. Оддий бир чўпоннинг шу буюк жасорати ҳайрат ва таҳсинга сазовордир. Широқ ҳақидаги бу шов-шувли воқеалар нечоғлик ҳақиқат эканлиги бизга қоронғу. Қадим тарихчиси Полиэннинг маълумотларига кўра, у тарихий шахсдир. У ҳақидаги тарихий маълумотлар эса “Широқ” ривояти сюжети яратилишига асос бўлган. Фақат унда Широқ билан боғлиқ тарихий маълумотлар ривоят жанри талабига мувофиқ ҳаётий уйдирмага таяниб баён этилган. Уйдирма ёрдамида Широқ шахси Широқ образида жонлантирилган.

Широқнинг бетакрор жасорати ва қаҳрамонлиги XX аср ўзбек ижодкорларини унга бағишлаб бадиий асарлар яратишга ундади. Айниқса, Мирқарим Осим бу ишга насрда биринчилардан бўлиб қўл урди. Унинг тажрибаларини яна Явдот Илёсов “Хол-хол ўлим” қиссаси билан давом эттирди. Ўзбек поэмачилигида ҳам бу борада маълум муваффақиятларга

эришилди. Жумладан, шоир Мирмуҳсин билан Усмон Қўчқорнинг “Широқ” номидаги поэмалари мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Ҳар икки асар сюжети ҳам “Широқ” ривояти материали асосида тузилган.

Мирмуҳсин поэманинг “муаллифдан” деб номланган кириш қисмида шундай ёзади: “Бу воқеа мелоддан илгари 519 йилда бўлган. Лекин у ҳозир ҳам ва бундан кейин ҳам жуда ибратли бўлиб қолади”¹. Кўринадики, Широқнинг мислсиз қаҳрамонлиги орадан кўп аср ўтгандан сўнг Мирмуҳсин қўлига қалам тутқазди. Шоир дostonда тарихий изчилликка, ҳаёт ҳақиқатини акс эттиришга кўпроқ эътибор қаратган.

XX асрнинг 90-йилларида шоир Усмон Қўчқор ҳам шу мавзуда “Широқ” номли поэма яратди. Шоир бунда ўзига хос йўлдан боришга ҳаракат қилади. У поэмада халқ оғзаки ижодидаги яна бир бошқа ривоят “Тўмарис” асари сюжетидан ҳам ижодий фойдаланади. Шу боис дostonда “Широқ” ва “Тўмарис” ривоятлари сюжетига хос воқеликлар қўшиб юборилганлиги ёрқин сезилади. Усмон Қўчқор дostonида бадийий тўқима устунлик қилади.

Мирмуҳсин ва Усмон Қўчқор яратган “Широқ” дostonи тузилиши, вазни, образлар тизими, бадийий услуби, тили жиҳатидан ўзаро фарқланиб турса-да, асосий ғоясининг муштараклиги, ҳар иккаласи ҳам халқ ривояти сюжети асосида яратилганлиги жиҳатидан ўхшашлик касб этади. Ҳар иккала асарни ривоят асосида қурилган дostonлар қаторига киритиш мумкин.

Мирмуҳсиннинг “Широқ” дostonи асосий ғоясини Ваганга ва халққа чексиз муҳаббат ва садоқат кўрсатиш тушунчаси ташкил этади. Унда “Широқ” ва “Тўмарис” ривоятидаги қатор образлар – Широқ, Тўмарис, қабила оқсоқоллари Саксфар, Омарг, Рустак, Доро, унинг лашкарбошиси Раносбат қабила гавдалантирилган. Шоир тарихий шахслар характери ни яратишда тарихий ҳақиқатдан чекинмаган ҳолда бадийий тўқимадан унумли фойдаланган. Бу, айниқса, қаҳрамонлар портретларини чизишда ёрқин кўзга ташланади. Бинобарин, Мирмуҳсин Широқни ўқувчига қуйидагича таништиради:

Қўшиқ айтиб, тўда ичида

Ўтирарди елкадор йиғит...

Бошда кўнғир сур теридан бўрқ.

Қирғий бурни, қошлари туташ

¹Мирмуҳсин. Танланган асарлар. 3 томлик. 1-том. Шеърлар, дostonлар. Тошкент: Г.Фулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1973. 334-б.

Каюмарснинг нигоҳи тушган –
Қоплон дерлар, дўнг манглай кўчқор...
Широқ дерлар бу йигит отин,
Қирқ йўлбарснинг кучи бор белда¹.

Эътибор берилса, Широқ портрети батафсил чизилиб, унинг характер-хусусияти ҳам ёрқин тасвирланган. Яъни унинг қўлидаги шер тасвири туширилган қиличидан тортиб, курашда бирор марта мағлуб бўлмаганлиги, от устида бургут бўлиб чопиши, камон ўқини беҳато отиши, подага ҳеч қачон бўрини яқинлаштирмагани, моҳир овчилиги, ниҳоят, ташқи кўриниши: тийран нигоҳли, пўлат танли, басавлат йигит эканлиги каби жиҳатлар шоирнинг яратаётган қаҳрамонига алоҳида муҳаббатини кўрсатиб туради. Бу эса ривоятдаги образни бадиий қайта ишлаш асосида унга янгича мазмун бахш этилганлигини кўрсатади. Айни чоқда халқ қаҳрамонининг бетакрор қиёфасини китобхонга таъсирчан қилиб етказишга кўмак беради. Шоир ўзи яратган ҳар бир тим-солга ана шу ижодий тамойил нуқтаи назаридан ёндашишга ҳаракат қилади.

Поэмада юрт оқсоқоллари Саксфар, Омирис, Рустак образлари ҳам алоҳида ўрин тутади. Халқ ривояти сюжетидан фарқли ўлароқ “Широқ” достонида улар кўпроқ ҳаракат қилади. Яна шоир асли Омарг (Аморг) исмини Омирис шаклида ўзгартириб қўллаган. Саксфар ва Рустак исмлари эса ўзгаришсиз асл ҳолича келтирилган. Мирмуҳсин бадиий тўқимадан фойдаланиб, Широқ фарзандлари образларини дostonга олиб киради. Чунки ривоятда Широқнинг оила аъзолари дейилади-ю, бироқ улар ким эканлиги ҳақида маълумот берилмайди. Мирмуҳсин эса бадиий тўқимадан фойдаланган ҳолда Широқнинг оила аъзоларини индивидуаллаштиради ва уларнинг ҳар бирига алоҳида мазмун юклайди.

Доро Эрон шоҳларидан бири бўлиб, у тарихий шахсдир. Халқ унга босқинчи шоҳ сифатида нафрат билан қараган. Халқнинг ана шу нафрати “Широқ” достони мазмунига ҳам маҳорат билан сингдирилган. Шунинг учун шоир Доро ҳақида шундай ёзади:

– Саркардасин исмимиш Доро
Чодир ичра хотинлар каби
Берар эмиш ўзига оро...
Бадфеъл эмиш, ғоят копогон (345-бет).

¹Мирмуҳсин. Танланган асарлар. 3 томлик. 1-том. Шеърлар, дostonлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. 334-б.

Кўриниб турибдики, бу тасвирда Дорога нисбатан киноя, нафрат ва камситиш бор. Достонда Доро бошлик босқинчиларнинг кирдикорлари рўй-рост очиб ташланган. Асар бир қарашда шоир ривоятни шеърга солиб қўя қолган деган таассуротни уйғотади. Ҳақиқатан, поэманинг қусурли жиҳати ҳам шунда кўринади. Мирмуҳсин ривоят тафсилотларини шеърга солиш йўлидан борган. Натижада ривоят ва дoston ўртасида мазмунан деярли тафовут кўзга ташланмай қолган.

Усмон Қўчқор ҳам “Широқ”¹ достонини яратишда ривоят материалига таяниб иш кўрган. Бироқ у халқ қаҳрамонига бўлган чексиз ҳурматини чуқур лиризмга йўғрилган сатрларда, ҳар бир ҳолатга ижодий ёндашган ҳолда китобхонга етказишга ҳаракат қилган. Айни шу жиҳат уни Мирмуҳсиннинг “Широқ” достонидан ажратиб туради. Усмон Қўчқор ривоят мазмунига асосланиб, янгича руҳдаги асар ярата олган. Буни тарихий шахслар ва бадиий тўқима образлар тасвирида кузатиш мумкин. Унда воқеалар ривоятдаги каби яхлит сюжетда ифода этилган.

Широқ — достоннинг бош қаҳрамони. Шоир бу образни катта муҳаббат билан яратган. Ривоятда Широқ подачи-чўпон сифатида тасвирланади. Шоир буни “ота-бободан мерос бир таёғу бир найи” тарзида ифода этади. Айнан шу нуқтада бадиий тўқима бор. Ҳақиқатан, Широқнинг курули таёғидир. Ривоятда най ҳақида гапирилмайди. Демак, Усмон Қўчқор поэма жанри имкониятларидан келиб чиқиб, Широқ образини яратишда ижодийликка интилган. Натижада халқ қаҳрамони сиймосини тасвирлашда табиийликка эришилган. Бу, айни пайтда, асарнинг эпиклик жиҳатини кучайтирган.

Халқ ривоятида ҳикоя қилинишича, Доро қўшини саклар қабиласига бостириб киради. Буни эшитган Широқ оқсоқоллар кенгашига кириб келади. Дostonда эса Широқ Доронинг бостириб келганини йўлда бир чолдан эшитади. Тўғри, ривоятда ҳам Широқ оиласи ҳақида фикр юритилади. Дostonда эса шоир Широқ оиласи аъзоларини худди Мирмуҳсин асаридаги каби индивидуаллаштиради ва уларни ўғли ҳамда хотини сифатида китобхонга таништиради. Мирмуҳсиндан тафовутли жиҳати шундаки, У.Қўчқор Широқнинг умр йўлдошини Гулдурсин тарзида номлайди.

У.Қўчқор бадиий тўқима воситасида ривоятдан фарқли ўлароқ ватанпарвар образига чуқур мазмун юклайди. Зеро, оиласини, фарзандларини севган кишигина ватанпарвар бўлиши мумкин. Чунки аслида юртга

¹Қўчқор, Усмон. Широқ. Ривоят. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.

муҳаббат оилага, яқинларга муҳаббатдан бошланади. Шоир Широқни ўз ўқувчисига юксак бир меҳр, ички бир туғён билан таништиришни кўзлаганидан асарга унинг ўғли ва хотини билан видолашуви эпизодни олиб киради. Бу эса Широқнинг оила бошлиғи ва ота сифатидаги қиёфасини янада тиниқ рангларда ифодалаш имкониятини берган. Тўғри, ривоятда ҳам Широқнинг оиласини ва юртини асраш учун ўлимга тикка борганлиги тасвирланган. Достонда эса ана шу воқелик бадийий тўқима билан уйғунлашган ҳолда ғоятда таъсирли акс эттирилган.

Умуман айтганда, Широқ образи Ватан учун жонини фидо этган қаҳрамонларнинг адабиётдаги энг таъсирчан намунасидир. Истеъдодли шоир Усмон Қўчқор халқ ривояти материалидан ижодий фойдаланиб, озодлик курашчиси образини ёрқин чизгиларда акс эттира олган.

Абдулла Ориповнинг “Ҳаким ва ажал” достони¹ ҳам ривоят асосида қурилган. Ибн Сино ҳақидаги уч ривоят мазмунига асосланган яхлит сюжетли достондир. Бунинг натижасида синтезлашган фольклоризм вужудга келган.

Жумладан, “Ибн Сино ва китоблар” номли халқ ривоятида Бухоро шаҳри хонининг бетоб бўлиб қолиши, уни Ибн Сино даволаши ва бунинг эвазига у шох саройидаги катта кутубхонадан фойдаланиш ҳуқуқига кутубхонага эга бўлиши, ҳасадгўй табиблар томонидан кутубхонанинг ёқиб юборилиши воқеалари ҳикоя қилинади².

А.Орипов мазкур ривоятдаги иккита жиҳатга эътибор қаратган: 1. Ибн Синонинг хонни даволашга Бухорога келиши. 2. Ибн Сино кутубхонасининг ҳасадгўйлар томонидан ёқиб юборилиши. Шоир мана шу ривоят материалини бадийий қайта ишлаб, уни мазмун жиҳатдан бойитган. Достонда Ибн Сино маликани даволашга келади. Малика эса уни табиб сифатида саройда қолдиради. Ибн Синога сарой кутубхонасидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади. Бу маликага уйланиш илинжида юрган вазирнинг ўгли Мирзога ёқмайди. У маликанинг кун сайин табибга интилишини кўриб, ҳасади кўзгайди ва саройнинг бой кутубхонасини ёқиб юборади.

“Заҳри қотил” номли ривоятда Ибн Сино Эрон шоҳининг қизини даволаши ҳақидаги воқеалар акс этган. Тунд, ҳеч ким билан гаплашмайдиган, ҳеч нарса емаётган маликани кўрган Ибн Сино қайфиятни кўтарадиган дори тайёрлайди. Дорини аввал ўзида синаб кўрган табиб

¹Орипов А. Танланган асарлар. Тўрт жилдлик. 1-жилд. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 371-389-б.

²Асотирлар ва ривоятлар. Тошкент: Ёш гвардия, 1990. 102-106-б.

кейин маликага ичиради. Шундан сўнг шоҳ қизи кайфияти кўтарилади. Подшоҳ Ибн Синодан ниҳоятда хурсанд бўлади¹.

А.Орипов бу ривоятдаги Ибн Синонинг Эрон маликасини даволаши мотивидан ижодий фойдаланган. Достонда малика Бухоро подшоҳининг қизи сифатида қатнашади. Поэмадаги воқеалар ривоятдаги каби тасвирланган. Унда маликанинг ҳашамлар ичида ўтириши-ю, ҳеч ким билан гаплашмаслиги, ҳеч нарсага ҳуши йўқлиги айтилади. Фақат Ибн Сино ташрифидан сўнг малика руҳияти ва кайфиятида ўзгаришлар пайдо бўлади. Шоир ривоятдаги мана шу жиҳатларни достонга олиб кирган.

“Ибн Сино ва гиёҳлар” номли ривоятда ёнар гул ва унинг хусусиятлари ҳақида ҳикоя қилинади. Унда Ибн Синонинг чўпонни илон захри билан даволаши, шу туфайли унга бошқа табибларнинг ҳасад қилиши ва ҳакимни ўлдиришга чоғланиши воқеалари тасвирланган.

Достонда А.Орипов мазкур ривоят мазмунидан ҳам самарали фойдаланган. Ундаги Ибн Синонинг ўлимга даво топиши билан алоқадор эпизодларда буни ёрқин кузатиш мумкин. Маълумки, Ибн Синонинг ажалга даво топишга интилганини ривоятлар ва тарихий манбалар тўла далиллайди. Юқоридаги ривоятда ҳам шу икки жиҳат алоҳида ажралиб туради: Ибн Синонинг ёнар гул ва илон захри ёрдамида инсонни тирилтирувчи дорини тайёрлаши ва табибларнинг унга ҳасад кўзи билан қарашларидир. А.Орипов достонда ана жиҳатларга урғу берган ва ривоят материални бадий қайта ишлаб, достон ҳолида уни ўз ўқувчисига тақдим этган. Ривоятдаги чўпон образи достонда Мирзо тимсолида намоён бўлган. Тўғри, ривоятдаги чўпон оққўнгил, бироқ достондаги Мирзо эса ҳасадгўйдир. Шоир табибларнинг ҳасадгўйлиги ва чўпоннинг Ибн Синони тирилтириши сингари хусусиятларни Мирзо образига сингирган.

Умуман, “халқ ривоятлари ва тарихий воқеалар асосида буюк ҳаким ва қомусий аллома образини яратиш мақсад қилиб қўйилган достон санъат асарларининг марказида турадиган азалий мавзулар – мангулик ва ўлимнинг моҳияти, эзгулик ва ҳасаднинг азалий кураши муаммоси бадий юксак, қўйма сатрларда талқин этилиши” (Д.Бегимқулов)² натижасида адабиётимизда лиро-эпик поэмачилик янада бадий такомилга эришди. А.Орипов бир неча хил халқ ривоятлари сюжети ва тарихий манбаларга таяниб, янги типдаги, яхлит сюжетли асар яратди.

¹Ўша жойда, 109-112-б.

²Бегимқулов Д. Шеърятимиз юлдузи. Китобда: А.Орипов. Танланган асарлар. Биринчи жилд. Тошкент: Ф.Фуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2000. 415-б.

Хуршид Даврон – тарихнавис ижодкор. У ҳамиша тарих қатларидан ҳақиқатлар излайди, аждодларимиз жасоратини ёш авлодга ибрат қилиб кўрсатади, қадимги халқларимизнинг юксак этиқоди, ватанпарварлигидан сўзлайди. “Ватан ҳақида етти ривоят” достони бу жиҳатдан аҳамиятли¹. Асар моҳиятан юқорида таҳлил этилган дostonларга яқин туради. “Ватан ҳақида етти ривоят” бир-бирини тўлдирувчи етти ривоятдан ташкил топган.

“Боболар мозори” деб номланган биринчи ривоятнинг бош қаҳрамони Доро ҳисобланади. Маълумки, унинг ёвузлиги халқ ривояти “Широқ”да ёрқин тасвирланган. Шоир мана шу ривоят мазмунидан келиб чиқиб, Дорога хос салбий жиҳатларни янада ёрқинроқ ифодалашга эришган. Жуда кўп юртларни эгаллаган Доро “денгиз ортида ястаниб ётган дашт”га кўз тикади. Даштликлар шоҳи унга бир шарт қўяди: Ватан-ку ватан, агар улар мозордаги битта қабрни ғорат қилишса ҳам тиш-тирноқлари билан уларга қарши курашажагини айтади. Дастлаб бу Дорони ғазабга келтиради, мозордаги қабрни бузишни буюради, лекин тезда фикридан қайтади ва қўшинини олиб бу ерлардан кетади. Зеро, даштдаги боболар мозори – Ватаннинг бир бўлаги. Ундаги бир қабрни топташ – Ватан тупроғини топташ билан баробар. Мазкур ривоят орқали шоир ватаннинг ҳар бир қаричи муқаддас эканлигини яна бир қарра уқтирмоқчи бўлади.

Дostonдаги иккинчи ривоят “Бир парча ер”да Ватан тушунчаси ўзига хос талқин этилган. Ривоятнинг бош қаҳрамони Қари Туманнинг ўгли бўлиб, у отаси вафот этгандан сўнг тахтга ўтқазилади. Ривоятда қўшни ҳоқоннинг ёш подшоҳга ишонмасдан уни тафтиш қилиши воқеалари тасвирланган. У ёш подшоҳ учун азиз бўлган нарсаларни: “худоларнинг отини”, сулув ва гўзал хотинини ва, ниҳоят, “ўн икки ой ёмғир тушмайдиган”, “бирор гиёҳ ўсмайдиган” бир парча ерни сўрайди. Ёш ҳоқон дастлабки икки нарсани қўшни подшоҳга инъом қилади. Бироқ учинчи нарса – бир парча ерни бермайди. Ўша бир парча ер Ватаннинг бир бўлаги бўлгани учун Ботир халққа даъват қилиб, уларни душманга қарши курашга чорлайди:

“... Қани, дилин
Ватан меҳри
Илитган мард бор бўлса.
Жангга чиксин! Унутилмас
Ватан учун ким ўлса”.

¹Хуршид Даврон. Ватан ҳақида етти ривоят// Шарқ юлдузи, 1990, 7-сон, 2-8-бетлар; 8-сон, 159-163-бетлар.

Юрт учун оёққа турган халқнинг шиддаткорона кураши қўшни ҳоқонни шошириб қўяди ва у ўз қўшинини олиб бу юрт ҳудудларидан кетади. Демак, шоир ёш подшоҳнинг ватанпарварлигини мана шу ҳаётий воқелик орқали реаллаштиради ва бир парча ер тимсолида бутун бошли Ватанни англаган қадимги аجدодларимизнинг шижоатини бугунги ёшларга ўрнак қилиб кўрсатади.

Достондаги учинчи ривоят моҳиятан олдинги ривоятларга яқин туради. Унда Эрон шоҳи ва қўшни давлат ўртасидаги кураш ҳақида ҳикоя қилинади. Кўп юртларни босиб олиб, ғалабадан масрур бўлиб турган Эрон шоҳига айғоқчилар қўшни ўлка исёнга тайёрланаётганини айтади. Унга вазирлари ўша юрт тупроғидан келтириб, боғнинг ярмига ташлашни маслаҳат беришади. Қўшни ҳоқон Эрон шоҳи билан боғни кезиб юрганида, ўз юрти тупроғини танийди. Эрон шоҳининг асл ёвуз мақсадини англаган ҳоқон эрки учун ҳамиша курашишини билдиради. Кўринадик, ҳоқонни хушёрлантирган, уни эрк-озодлик сари чорлаган нарса юртдан келтирилган тупроқ эди. Демак, шоир юрт тупроғи муқаддаслигини, Ватан, эрк ва озодлик тушунчалари бир-бири билан ҳамоҳанг эканлигини ривоят орқали бадиий ифода этади.

Тўртинчи ривоят Бобур билан боғлиқ. Маълумки, Бобур гарчи ўзга юртларда яшаса-да, она юрти ишқини ҳамиша қалбида мустаҳкам сақлаган. Ривоятга кўра, Бобур умрининг сўнгида хасталаниб қолади. Уни даволаш учун табиблар ҳамма усулни қўллайдилар. Лекин бирортаси ҳам кор қилмайди. Шунда Бобур навкарларидан бири бир кафт тупроққа қараб фол очадиган бенгаллик чолга учрайди. Бу воқеа достонда қуйидагича тасвирланган:

Донишманд ҳинд килди башорат:

“Уни таъқиб айлар пиёла

Пиёлага чекилган сурат

Етти дона қип-кизил лола”

Яна айтди: “Шундан шоҳ лоҳас

Шундан шоҳнинг дилида фарёд

Ул пиёла бўлмиш муқаддас

Шоҳ юртининг хокидан бунёд”

Ҳақиқатан, бу пиёлани бир пайтлар беклардан бири Самарқанд ёқдан келган карвондан олган эди. Алқисса, шу пиёлани топиб, уни майдалаб кўмгандан сўнг Бобур тузалади ва тахтга қайтади. Кўринадик, бу ривоятда ҳам чуқур мазмун бор. Бобурнинг Ватанга бўлган чексиз меҳри ва садоқати уни дарддан фориғ этади.

Бешинчи ривоят “Ватан меҳри” деб номланади. Бу ривоят яқин тарихимиз саҳифаларидан сўзлайди. Унда Кауфман замонида яшаган самарқандлик Бобоннинг мард ва жасурлиги ҳикоя қилинади. Унда ёзилишича, Бобон ўз одамлари билан тоғни макон тутиб, вақти- вақти билан боққинчиларнинг жазосини берар экан. Кауфманнинг айғоқчилари тоғ орасида бир чолни невараси билан тутиб оладилар ва сўроқ қиладилар. Чол жуда тадбиркор ва ақлли киши бўлганидан Кауфманга неварасини боғлаб тоғдан пастга ташлашларини, сўнг Бобоннинг маконига бошлашини айтади. Солдатлар худди шундай қиладилар. Неварасининг соғ-саломат пастга тушганига ишонган чол:

Мен-ку қари
Мен кўрқаман
На қийноқ, на ўлимдан.
Мен тайёрман
Қилавергин
Неки келса қўлингдан!
Фақат билгин:
Тоғ ичида
Сени енгар қўлим бор —
Неварамнинг отаси-ю,
Менинг ботир ўғлим бор, — дейди.

Эътибор қилинса, ушбу эпизод Широқ жасоратини ёдга солади. Чол кўллаган тадбир моҳиятан Широқ усулига ўхшайди. Агар Широқ битта ўзи бутун бошли Доро кўшинини енгган бўлса, умри поёнига етишини билган чол ҳам бир ўзи Кауфман кўшинига қарши чиқа олди. Ватан сирини сотмаган чол тадбиркорлиги туфайли нафақат ватанпарвар ўғли ва неварасини, балки бутун бошли кўшинни қора қирғиндан сақлаб қолди. Кўринадикки, шоир бунда чол образига алоҳида мазмун юклайди. Яъни у тоғдаги сирни айтиши, ўзини ўлимдан сақлаб қолиши мумкин эди. Бироқ у бошқача ва тўғри йўлни танлайди: ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, умрининг давомчилари бўлган фарзанди ва неварасини асраб қолади. Бундай ишни фақат ватанпарвар инсонгина қилиши мумкин.

“Ватан ҳақида ривоят” достони еттита мустақил ривоятдан ташкил топган эса-да, уларни битта ғоя — Ватан ва унинг муқаддаслиги тушунчаси бирлаштириб туради. Хуршид Даврон услубининг ўзига хослиги шундаки, у халқ ривоятларини ягона тизимга солиб, поэма имкониятларидан фойдаланиб, ватанпарварлик ғоясини шеърый шаклда, ғоятда таъсирчан қилиб бугунги ўқувчига етказа олган.

Ҳабиб Саъдуллоанинг хотира характеридаги “Дўст қадри” дostonи бадийи структурасида ҳамривоят муҳим ўрин тутaди. Гарчи шоирнинг ўзи “эслайман тоғликлар маҳзун дostonин” деса-да, мазкур матн мазмунан халқ ривоятларига яқин. Шунинг учун дostonни ривоят асосида қурилган поэмалар қаторига киритиш мумкин.

Поэманинг яна бир муҳим жиҳати шуки, ундан ўрин олган ривоят тўрт бўлимдан ташкил топган. Асарда Дармиён мамлакатининг подшоси, қабила бошлиғи князь, чопар сингари образлар иштирок этади. Унда ҳикоя қилинишича, Дармиён мамлакатининг подшоси ўзларига яқин жойда бир қабила князь бошчилигида тинч-тотув яшаётганлигини эшитади ва чопарини унинг ҳузурига юборади. Князь унга ҳеч қачон тобе бўлмаслигини, фақат “меҳр билан дўстлик қўлини” чўзса, тотув қўшничилик ўрнатишини айтади. Бироқ подшо макр йўлига ўтади. У князни гўёки дўстона тарзда таклиф этади-ю, аммо ҳийла қўллайди. Подшони кутиб олишга чиққан князнинг қўл-оёғига занжир солишади ва унинг ҳузурига олиб боришади. Шу ўринда шоир диалог усулидан фойдаланади. Бу аслида мумтоз дostonларга хос хусусият бўлиб ҳисобланади:

– Мағрурсан

– Ғурурим – тоғликлигимда

– Тиз чўктириб қилгум ғуруринг поймол.

– Чиранма қўл-оёқ боғликлигимда,

Бандини бола ҳам йиқар бемалол!¹

Шундан сўнг подшо унга энг азиз ва яқин бўлган ота-онаси, фарзанди ва хотинини дор тагига олиб келишни буюради. Отаси, онаси, хотини князнинг подшога тиз чўкишига рози бўлмайди. Подшо уларни бирин-кетин қатл қилдиради. Князнинг гарчи дили ўртанса-да, кўзидан ёш чикмайди. Кейин унинг яқин дўстини дор остига олиб келадилар. Яна ундан тиз чўкишини сўрайдилар. Бироқ дўсти бунга рози эмаслигини айтади. Дўстини ҳам ўлдирадилар. Шоир князнинг шу дамдаги ҳолатини мумтоз дostonларга хос бўлган мотивдан фойдаланиш асосида очиб беради:

Бошин урай деса бунда йўқ, девор,

Ўкириб-ўкириб чекарди фарёд.

Тулғанар кўз ёшин тўкиб шашқатор

Мисоли Ёсуман домиди Фарҳод.

¹Саъдулла Ҳ. Дўст қадри. Дoston // Шарқ юлдузи, 1992 йил, 3-сон, 136-б.

Бунда Фарҳод князнинг ўзи, Ёсуман эса подшо тимсолида гавдаланади. Зеро, князнинг дўстидан айрилган пайтдаги изтиробли ҳолати Ёсуман кампир қўлида азоб чекаётган Фарҳодга ўхшайди.

Қиссадан ҳисса чиқариш мазмунида битилган бу дostonда ривоят жуда кагта ўринни ишғол этган. Натижада асар бутун бошли ривоятдан иборат бўлиб қолган. Шоирнинг асл ғоявий мақсади бир қадар сояда қолиб кетган. Чунки дўст образи моҳияти очилмай қолган. Бу эса китобхонда шоир ривоятни шеърга солиб қўя қолган деган таассуротни уйғотади. Шунга қарамай, “Дўст қадри” достони ҳам ривоят асосида курилган поэмалар қаторини тўлдиради.

Шундай қилиб, шоирларимиз ривоятлар сюжетини бадий қайта ишлаб, уни поэма шаклида китобхонга тортиқ этган. Рус адабиётшуноси М.Числов поэмада лирика, эпос, драматик турга хос хусусиятлар уйғунлашиб кетишини ёзади¹. Демак, поэма кагта имкониятларга эгадир. Шу боис дostonда воқеалар ривоятга қараганда батафсил, кўламдор тасвирланади, образлар тасвирига кенг ўрин берилади.

Тўлан Низомнинг “Уч сўз” достонида Бубна ҳақидаги ривоят келтирилган. Шу боис асарни *иккинчи гуруҳга – таркибига ривоят сюжети олиб кирилган поэмалар* қаторига киритиш мумкин. Шоир воқелик ифодаси жараёнида ривоятга хос насрий баён усулини бир қадар сақлаган.

Маълумки, халқимиз орасида машҳур тарихий шахслар ҳақида турли-туман ривоят ва афсоналар мавжуд. Бобур ҳам шундай таниқли зотлардан биридир. Унга нафақат буюк шоир, улуғ саркарда, шижоатли шоҳ, балки инсон сифатида ҳам муҳаббат билан қарашган. Ҳатто Бобурга ғойибан ошиқ бўлган, уни тушида кўриб севиб қолган қизлар сон-саюксиз бўлганлиги эҳтимолдан холи эмас. Дostonдан ўрин олган Бубна ривояти худди шундай воқеалардан сўзлайди. Тарихнинг гувоҳлик беришича, Бобур Самарқанд ва Андижон тахтини кўлдан бергандан сўнг Афғон сари йўл олади. Бунинг хабари Афғон юртига ҳам етиб келади. Қаландарлар кўчаларда кезиб шоҳ Бобурнинг Афғонистонга ташрифи ҳақида куйлай бошлайдилар. Адабиётшунос Ш.Ҳасанов мазкур дostonга муносабат билдирар экан, ёзади: “Шоир дostonда Бобурнинг Афғонистондаги ҳаётига Бубна исмли қиз билан боғлиқ ривоятни келтириб ўтади. Асарнинг анча қисмини эгаллаган бу тасвир ахборот тарзида ёзилган мақолага ўхшаб кетади. Чўпчакнамо бу тасвир ўрнига шоир Бобур руҳияти манзараларига эътибор қаратганда, асар эмоционал таъсир

¹Числов М. Время зрелости – пора поэмы. Москва: Советский писатель, 1986. С.71.

кучига эга бўларди”¹. Ҳақиқатан, бу эътирозга қўшилиш мумкин. Чунки шоир Бобурнинг инсонийлик қиёфасини, муҳаббатга муносабатини ифода этиш, асарнинг эпик руҳини кучайтириш мақсадини кўзлаган бўлса-да, ривоятдаги бир қатор тасвирларда сунъийлик сезилиб туради. Бинобарин, Бубнанинг киз бола бўлишига қарамай Бобур истиқболига чиқиши, анча муддат унга навкар кийимида хизмат қилиб юриши, умри поёнида Бобурга ўз муҳаббатини ошкор этувчи шеърӣ сатрларни тақдим этиши сингари лавҳаларда бу кузатилади. Сабаби, юқоридаги ҳолатлар шарқона одоб доирасига у қадар мос келмайди. Шунга қарамай, шоирнинг халқ ривоятини асар бадий структурасига олиб киришга интиланглигини таъкидлаш зарур.

Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” эртақ-поэмаси бадий структурасида Тўққизвой ҳақидаги ривоят муҳим ўрин тутди. Мазмунан ҳайвонлар ҳақидаги эртақларни эслатувчи бу асарда ривоят *қолипловчи ҳикоя* вазифасини бажаради. Шоир дoston қаҳрамонлари чумчуқ, қалдирғоч ва илоннинг муносабатларини ойдинлаштириш, қолаверса, ўрмон ҳаётини реал тасвирлаш мақсадида асар матнига “қўхна бир ривоят”ни олиб киради. Бу ривоят Тўққизвой ҳақида бўлиб, моҳиятан Нух пайғамбар қиссасини ёдга солади. Унда баён қилинишича, бир ўспирин йигит эринмасдан тўққиз хунарни ўрганади ва Тўққизвой деб ном олади:

Аммо йигитнинг номи
Чунки ёруғ дунёни
Тўфон босди туйқусдан...(294-бет).

Диний адабиётларда, хусусан, Носируддин Рабғузӣнинг “Қисаси Рабғузӣ” асарида Нух пайғамбар ҳақида қисса бор. Шоир мана шу қисса сюжетини қайта ишлаб, асосий ғоявий ниятини юзага чиқаришга хизмат қилдирган.

Нух пайғамбар ҳақидаги қисса (афсона)лардан бирида дунёни тўфон босиши чоғида унинг кема ясашиб, ердаги мавжудотлардан бир жуфтдан сақлаб қолиши, бироқ кемада овқат тугаб очлик бошланган пайтда каламуш кеманинг бир четини кемириб, уни тешиб қўйиши, шунда илон қулча бўлиб тешиқни ёпиб, хавфнинг олдини олиши, эвазига эса у энг ширин гўштни талаб қилиши, аммо қалдирғоч бунда илоннинг истаги ушалишига тўсқинлик қилиб, одамзодни унга ем бўлишдан асраб

¹Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. ДД. Тошкент, 2004. 103-б.

қолиши, шундан кейин илоннинг қалдирғочга нисбатан душманга айланиши воқеалари баён этилади. Поэмада худди шу сюжет воқелигидан ҳикоя ичида ҳикоя сифатида фойдаланилган. Бироқ унда воқеалар Нўҳ пайғамбар номига эмас, Тўққизвой номи билан боғлаб келтирилган. Адабиётшунослигимизда воқеа ичида воқеанинг бўлиши қолиплаш усули тарзида қайд қилинади. Қолиплаш эса асарларда композицион востита вазифасини бажаради. Шу йўл билан чумчукнинг аламли ҳолати, қалдирғочга бўлган хўсумати бадийий очиб берилади. Демак, “Қилмишқидирмиш” достони таркибидан жой олган бу ривоят ҳам шундай мазмунга эга. Ривоят дoston бадийий структурасини бойитиб, унинг миллий руҳини кучайтирган.

Қутлибека Раҳимбоеванинг замонавий мавзудаги “Қишнинг охирлари” достонида ҳам ривоят *композицион вазифани* бажарган. Асарнинг “Учинчи хатим – “Ўқиганларнинг эътиқоди шу бўлса, ўқимадим!” – деб олий мактабни ташлаб кетмоқчи бўлаётган ҳамқишлоғим Ойгулга” деб номланган қисмида халқ ривоятларидан бири келтирилган. Унда ҳикоя қилинишича, эрк истаб исён қилган халқни ҳеч қандай куч, ҳатто подшо ҳам тўхтатолмайди. Шунда подшога бир оқили аввал шундай маслаҳат беради:

“Бир халқнинг ҳаммаси бўлмас исёнкор
Озодлик нелигин билмайди бари.
Турғун дарахтларни қўзгаган шамол –
Беш-унта китобни ўқиганлари.
Китобни билганлар – тарихин билар,
Билар эртасини, танир ўзини
Кетган ғурурларни қайтариб келар,
Тузини берса-да, бермас тизини”¹.

Подшо оқили аввалнинг гапига кириб, барча билимдиларни қиличдан ўтказди. Ахлоқий мазмундаги бу ривоятга шоира замонавий мазмун юклайди ва шу йўл билан Ойгулни ўқишдан воз кечиш фикридан қайтармоқчи бўлади.

Маълумки, Алишер Навоий асарлари мазмунини чуқурроқ тушуниш ва тушунтириш йўлидаги эзгу ҳаракатлар барча даврларда у ёки бу шаклда давом этган. XX аср поэмачилигида бу ўзига хос анъана тусини олди. Шоирларимиз Алишер Навоий асарларидан таъсирланиб, уларнинг таъзаминида яширинган маъноларни топишга интилдилар. Би-

¹Раҳимбоева Қ. Қишнинг охирлари. Дoston // Шарқ юлдузи. 1988 йил, 4-сон, 120-б.

нобарин, Омон Матжон “Минг бир ёғду” достонида шоир “Хамса”си моҳиятини бугунги китобхонга тушунтиришга интилади. Шунинг учун асар маърифий характерга эга. Шукур Қурбон ҳам ўз достонида Алишер Навоийнинг ҳаёт йўлини тасвирлашни кўзламайди, балки унинг мумтоз асарлари бағрида яширинган маъноларни англашга чоғланади. Яъни шоирнинг “сўз йўлини”, унинг туркий тилга бўлган буюк муҳаббатини тасвирлаш йўлидан боради. Шу боис шоир ҳаётга дахлдор бўлган маълум бир кичик эпизодларнигина асарга олиб қиради ва уни халқ ривоятлари воситасида акс эттиради. Тўрт қўшиқдан ташкил топган, руҳий мулоқот шаклида битилган мазкур дostonга учта халқ ривояти киритилган. Шукур Қурбонни “йиллар давомида ҳазратнинг она тилимиз мавқеи ҳамда равнақи учун олиб борган курашлари” ҳаяжонлантирди ва унинг қўлига қалам тутқазди.

Дostonнинг “Биринчи қўшиқ” қисмида “Муҳокамат ул-луғатайн” чизгилари тасвирланган. “Иккинчи қўшиқ” қисмида эса “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Сабъаи сайёр”, “Садди Искандарий” дostonлари мазмунидан келиб чиқадиган ҳикматомуз фикрлар ифода этилган. Алишер Навоийнинг ижодий жараёнини ишонарли ифода этиш мақсадида у ҳақидаги “Дилором билан китобий муомала” ривоятига мурожаат қилинган¹. Унда Алишер Навоийнинг хужрасидан чиқмай ижод билан машғул бўлганлиги хусусида ҳикоя қилинади. Халқ ўртасида Навоийнинг ўз хужрасидан чиқмай айш-ишрат билан шуғулланаётганлиги ҳақида миш-миш тарқалади. Султон Ҳусайн шу ҳолатни текшириб кўриш учун ясовул чорлайди ва у билан бирга шоир хужрасига бостириб қиради. Улар ҳайратли бир манзарага дуч келадилар. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр”нинг тайёр байтларини овоз чиқариб ўқиётган эдилар. Султон ўз хатосини англайди ва шоирга халал бермасдан хужрани тарк этади. Ишқ мавзуидаги “Сабъаи сайёр” дostonини баланд овозда ўқигани учун бир гуруҳ одамлар уни айш-ишрат билан машғул деган хулосага келган эдики, аслида эса буюк шоир шуурида туғилган сатрларнинг оҳангдорлиги, таъсирчанлиги устида ишлаётган эди. Мазкур ривоятни келтириш орқали Шукур Қурбон Алишер Навоийнинг ижод дунёсини акс эттирмоқчи бўлади.

“Тўртинчи қўшиқ”да иккита ривоят келтирилади. Биринчиси сўзга, тилга бағишлаган. Унда ёзилишича, Мирзо Алибек деган шоир

¹Эл деса Навоийни. Ҳазрат Мир Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлар (Тупловчи ва нашрга тайёрловчи М.Жураев). Тошкент: Чўлпон, 1991. 52-53-б.

шеър ёзар экан. У “Кўзинг не бало қаро бўлубтур, Ким жонга қаро бало бўлубтур” байтини битади-ю, айш-ишратга берилиб, уни давом эттиролмайдди. Шундай вазиятда Навоий байтнинг “оға-инилари”ни – кейинги мисраларини ижод этади. Натижада гўзал бир ғазал дунёга келади. Алишер Навоий ҳақидаги “Бир матлаъ тарихи” халқ ривоятда айнан шу воқеликка ишора мавжуд¹. Бу ривоятни шеърга солиш орқали Ш.Курбон Алишер Навоийнинг бадий сўзга нечоғли масъулигини, ундаги шоирлик иқтидорининг ниҳоятда юксаклигини ифода-лашга интилган.

Учинчи ривоят Султон Хусайн Бойқаронинг Алишер Навоийга жиловдорлик қилгани воқеаларига бағишланган. Алишер Навоийнинг биографиясидан маълумки, у “Хамса”ни ёзиб тугатгандан сўнг асарни биринчи бўлиб Хусайн Бойқарога тақдим этади. У эса буюк шоирга эҳтироми ва хурмати рамзи сифатида Алишер Навоийнинг оти жиловдан ушлаб, халқ орасидан олиб ўтади:

Аҳли маъни ҳайрон боқар, эл ҳайрон,
Жиловдор – шох, султони соҳибкирон
Тилга ҳурмат – шохни гадо айлаган
Шоирни шох айлаган
Қадни расо айлаган².

Айнан шу воқелик “Шоир жиловдори” номли халқ ривоятда ҳам ақс этган³. Шукур Курбон ривоят мазмунини асар структурасига сингдириш орқали шохларнинг бадий сўзга муносабатини очиб беради.

Эътибор берилса, дoston композициясига уйғунлашиб кетган уч ривоят қолипловчи ҳикоялар сифатида шоирнинг ғоявий-бадий ниятини юзага чиқарувчи бадий воситага айланган. Айни пайтда ривоят лирик дostonга эпик мазмун бахш этган. Шу асосда Шукур Курбон Алишер Навоийнинг сўз йўлини ёритиб берган.

“Рухлар исёни” адабиётшунослар эътирофига кўра, Э.Воҳидов ижодининг чўққиси ҳисобланади. Унда поэманинг бир неча кўринишларига хос хусусиятлар омухталашган. Шуни инobatга олиб, адабиётшунос У.Норматов “Рухлар исёни”ни фалсафий, қахрамонлик, фожей дoston деб атайди: “Рухлар исёни” шакл жиҳатдан ҳам ўзига хос, новаторона асар. У хилма-хил шеърый шакл, ритм, ҳиссий оҳанг, ранглар ҳам ҳаётий лавҳалар, ҳам ривоятлар, шартли-символик ифодалар синтезидан таш-

¹Эл деса Навоийни. 5-6-б.

²Шукур Курбон. Сўз йўли. Тарихий дoston // Шарқ юлдузи, 1991 йил. 2-сон. 108-б.

³Эл деса Навоийни. 77-79-б.

кил топган”¹. Ҳақиқатан, асарда Назрул Ислоом қисматини очиб бериш учун шоир бир неча усуллардан фойдаланган. Шулардан бири асар матнига ривоятларнинг сингдирилишидир. “Лирик дostonларда, – деб ёшди адабиётшунос Ш.Ҳасанов, – метафорик фикрлаш тарзи кучайган бўлса, лиро-эпик ва драматик дostonларда фольклор оҳангининг таъсири сезиларли бўлмоқда. Биргина “Рухлар исёни”даги ривоятларнинг ўзи ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди. Дostonдан жой олган ривоятларнинг бари Шарқ фольклорининг мумтоз дурдоналаридир. Гап бу ривоятларнинг мумтозлигида ҳам эмас. Асосийси – бу ривоятларнинг дoston сюжети-га сингдириб юборилганлигида. Замонавий дostonчиликда реалистик ва романтик тасвир усулларининг омухта этилаётганлиги жанрнинг янги истиқболдан далolat беради”². Бинобарин, асар структурасидан ўрин олган: “Жаҳолат ҳақида ривоят”, “Абадият ҳақида ривоят”, “Фидойлик ҳақида ривоят”, “Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят”лар асар композициясида *психологик тасвир воситаси* ҳам бўлиб келган. Шу боис бу асарни ривоят психологик тасвир воситаси вазифасини бажарган дostonлар қаторига киритиш мумкин. Чунки ўз халқининг эрки ва озодлиги учун курашган исёнкор бенгал шоири Назрул Исломининг қалб манзаралари, руҳий кечинмалари ривоятлар орқали янада ёрқинлашган. Уларнинг ҳар бири қаҳрамон характериға хос қайсидир бир муҳим жиҳатни ойдинлаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилган.

Асарнинг муқаддима қисмида ҳаёт ва абадият хусусида мулоҳаза юритилади. Зеро, истибдодда яшайдиган инсон учун абадиятни орзу ҳам қилиш мумкин эмас. Шу ўринда шоир “Абадият ҳақида ривоят”ни келтиради. Айтишларича, обиҳаёт суви бўлиб, ундан ичган киши абадий умр кечиради. Ривоят асосини ана шу воқелик ташкил этади. Унда саҳрода ташна қолган йўловчи ва обиҳаёт сувини ичиб минг йиллардан буён азоб чекаётган чол образи яратилган. Йўловчи сиймосида сабр-қаноатли инсонлар тимсоли гадаланади. Шоирнинг хулосаси шуки, инсон бу дунёда абадий ҳаёт эмас, фоний умр танлади. Чунки инсон умрининг мазмуни яқинлар, дўстлар, ҳамсуҳбатлар мавжудлиги билан белгиланади. Бунини шоир чол образида ёрқинлаштиради. Дoston мазмунидан инсон эзгу ишлари ва амаллари билан абадиятга дахлдор бўлиши мумкин деган мантиқий хулоса келиб чиқади. Аслида ривоятнинг шоир қаҳрамони

¹Норматов У. Кўнгилларга қўчган шеърийят. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2006. 28-б.

²Ҳасанов Ш. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonлари поэтикаси. ДД. Тошкент, 2004. 36-б.

билан боғлиқлик жиҳати нимада? Назрул Ислом ҳам халқининг озодлиги учун курашга бел боғлади. Демак, у абадиёт сари йўл очди. Зеро, одам бир аср яшаши мумкин. Бироқ инсон умри йил билан эмас, бажарган эзгу амаллари билан ўлчанади. Назрул Исломга ўхшаган эрк ва озодлик учун курашганларнинг ҳаёти мангуликка дахлдор. Ривоят қаҳрамон руҳиятидаги мана шу жиҳатни очишга хизмат қилади. Айни пайтда унинг сўнгида шоирнинг қиссадан ҳисса тарзида айтган мулоҳазалари ибратомуз, афористик фикр даражасига кўтарилади:

Бу ҳаётнинг ярми роҳат
Ярми ғамдир, шукр қил.
Умринг узун бўлса — раҳмат,
Агар камдир, шукр қил¹.

“Рухлар исёни” ягона сюжет чизиғига эга эмас. Бироқ ўрни-ўрни билан шоир ҳаёти саҳифаларига назар ташланади. Бинобарин, унинг болалик, ўсмирлик, ёшлик йиллари шоир нигоҳидан ўтади. Ўтли бир даврда дунёга келган Назрул Ислом инглиз зулми остида эзилаётган халқига нажоткор бўлишга интилди. Тўғри, хронологик вақт ва воқеалар тафсилоти асарда муҳим ўрин тутмайди. Бироқ тарихийлик хусусияти сезилиб туради. Ана шу хусусият тарихий ривоятларга эҳтиёжни вужудга келтирган. Натижада Э.Воҳидов халқ ривоятларига мурожаат этган. У лирик тасвири эпиклик билан уйғунлаштириш ва бош қаҳрамон руҳиятида кечаётган турфа ҳолатларни ҳаётини ифодалаш мақсадида “Фидоийлик ҳақида ривоят”ни келтиради. Қадим Ҳиндистонда эри ўлса хотинини, хотин ўлса эрини қўшиб қўмиш урф бўлган. Ривоят ана шу воқеликдан сўзлайди. Унда жангга кетаётган бир ўғлоннинг жасорати: Ҳиндистонда минг йиллардан буён давом этиб келаётган удумга исёни тасвирланган. Чунки у подшоҳга мардона туриб, агар жангга ҳалок бўлса, хотини билан эмас, жанг қуроли билан қўшиб қўмишларини сўрайди. Шундан бошлаб Ҳиндистонда мазкур удум барҳам топади. Демак, бир йигитнинг фидоийлиги, журъати ва жасорати туфайли халқ эски одатдан кутулади.

Ҳиндистонни озод қўриш истагида ёнган фидоий инсон Назрул Ислом жангчи ўғлон сингари биринчилардан бўлиб она халқи бўйнидаги истибод занжирини узишга бел боғлайди. Демак, ривоятдаги жангчи ўғлон ва достондаги Назрул Ислом образлари орасидаги муштараклик айнан шу жиҳат билан белгиланади. Достонда 1926 йилдаги Калькутта ғалаёни ва унда Назрул Исломнинг иштироки воқеалари эпик баён услу-
¹Воҳидов Э. Садоқатнома. Тошкент: Ф. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. 373-б.

бида тасвир этилади. Назрул Ислом халқни тўхтатишга ҳаракат қилгани учун ҳибсага олинади ва зиндонга ташланади. Мана шу тарихий воқеаник мазмунига вобаста ҳолда шоир асарга “Жаҳолат ҳақида ривоят”ни олиб киради. Унда халқни гиёҳлар билан даволаб, эл ичра машҳур бўлган табибнинг қисмати ҳикоя қилинади. Достонда жоҳил оломон томонидан табибнинг оловда куйдирилиши, кўзи наштар билан очилган чолнинг оловга ўтин келтириб ташлаши воқеалари ниҳоятда таъсирчан ифода этилган.

Шоир чол образига алоҳида мазмун юклайди. Чунки унинг нутқида бу дунёдаги норасоликлар, инсоннинг хор этилиши акс этган. Чол ҳам ўзича ҳақ. Аммо ҳаким кўп йиллик изланишлари саробга айланганидан қаттиқ ўкинади ва оломондан оловни баландроқ ёқишларини сўрайди. Лекин йиллар ўтиб элнинг ақл кўзи очилади, ҳакимга олтиндан ҳайкал ўрнатадилар. Ҳақимнинг аччиқ қисматига жаҳолат, илмсизлик сабабдир. Бинобарин, Назрул Ислом ва ҳақим қисмати ниҳоятда ўхшаш. Чунки Назрул Ислом ҳам оломон томонидан зиндонбанд қилинади. Ривоят бош қахрамон Назрул Ислом қалбида кечаётган туғёнларни, унинг ҳақсизликка қарши исёнини ёрқин ифодалашга хизмат қилган.

Достоннинг “Тутқунликда” деб номланган қисмида шоирнинг зиндондаги ҳаёти акс эттирилади. У ерда ҳам озодлик йўлидаги мардона курашнинг бошлаб берган шоирнинг кўнглида ўкинч-армон эмас, дилшодлик ҳукмрон. Э.Воҳидов Назрул Исломнинг айнан шу ҳолатига ҳамоҳанг “Шоҳ Жаҳон ва Аврангзеб ҳақида ривоят”ни келтиради. Маълумки, Аврангзеб отаси Шоҳ Жаҳондан тахтни зўрлик билан тортиб олади. Шундан сўнг ўша давр удумига кўра у уй қамоғига маҳкум этилади.

Ўғли томонидан таҳқирланган Шоҳ Жаҳон уйининг тор дарчасидан кенг оламини, сеvimли “Тожмаҳал”ни кўради ва шунга ҳам шукр қилади. Оломон – жаҳолат эли томонидан банди қилинган Назрул Ислом ҳам зах-зиндоннинг кичкина туйнугидан кенг оламга назар солади. Демак, Шоҳ Жаҳон ва Назрул Ислом қисматларидаги муштараклик ривоят орқали ёрқин ифодаланган.

Умуман, поэма таркибидаги ҳар бир ривоят чуқур мазмунга эга. Улар бенгал халқи озодлиги учун курашган исёнкор шоир Назрул Ислом руҳиятида кечадиган изтиробли ҳолатларни, озодликка ва эрка ташна қалбнинг манзараларини ёрқин ифода этишда психологик тасвир воситасини бажарган. Достон шу жиҳати билан XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги уфқларини янада кенгайтди.

Юқорида таҳлил этилган дostonларда ҳар бир ривоят поэмалар табиатида ўзгача, бир-бирини такрорламаган ҳолда бадиий вазифаларни адо этгани кузатилади. Мазкур хусусиятлар куйидагиларда кўринади:

Биринчидан, Мирмуҳсиннинг “Широқ”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, У.Кўчкорнинг “Широқ”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят” сингари поэмалари бадиий структурасига ривоятлар сюжети сингдирилган. Натижада дostonларда ривоятга хос эпиклик жиҳати янада кучайиб, чуқур лиризм билан уйғунлашиб кетган. Тўғри, Мирмуҳсиннинг “Широқ” дostonида ривоятни шунчаки шеърга солиб кўя қолиш хусусияти сезилади. Бироқ бу жиҳат кўп ўринларда (Широқнинг қаҳрамонлиги, оиласи тасвири кабилар) асар бадиияти соясида қолиб кетган. Усмон Кўчкор эса ривоятдаги ҳар бир эпизодга ижодийлик билан ёндашган. Ҳар иккала дostonнинг қиёсий ўрганилиши шуни кўрсатдики, уларда тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқиманинг уйғунлашганлигини кузатиш мумкин. Мирмуҳсин ва Усмон Кўчкор бугунги ўқувчига Широқнинг жасоратини янада таъсирчанроқ етказиш мақсадида воқеликни кенг ва батафсил тасвирлашга (поэма имкониятларидан келиб чиқиб), халқ қаҳрамони сиймосини ёрқинроқ гавдалантиришга интилганлар.

А.Орипов эса Ибн Сино ҳақидаги бир неча ривоят сюжетигадики мақбул жиҳатларни бадиий қайта ишлаб, яхлит сюжетли дoston яратган. “Ҳаким ва ажал” дostonи сюжетига ривоятлар шу даражада сингишиб кетганки, китобхон уни реал воқеликдан деярли ажратолмайди. Хуршид Давроннинг “Ватан ҳақида ривоят” дostonининг шу турдаги поэмалардан фарқи шуки, биринчидан, у бир неча кичик композицион бўлақлардан ташкил топган. Мазкур композицион бўлақларнинг ҳар бири бир халқ ривояти асосида қурилган. Иккинчидан, ҳар ривоятда алоҳида-алоҳида қаҳрамонлар қатнашади. Яъни асар ягона сюжет ва ягона образлар тизими асосланмаган. Бироқ улар ягона ғоявий-бадиий концепция асосида яхлитлик касб этган. Учунчидан, ривоятлар эпик баён усули сақланган ҳолда шеърга солинган. Шу боис мазкур асар 90-йиллар ўзбек поэмачилигида ўзига хос ўрин тутади.

Иккинчидан, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, Ҳ.Саъдулланинг “Дўст қадри”, Қ.Раҳимбоеванинг “Қишнинг охирлари”, Ш.Қурбоннинг “Сўз йўли” сингари дostonларида эса ривоятлар композицион вазифани бажарган. Бунда ривоятлар шоирларимизнинг ғоявий ниятини юзага чиқарувчи муҳим воситага айланган. Ҳ.Саъдулланинг “Дўст қадри”, Қ.Раҳимбоеванинг “Қишнинг охирлари”,

Ш.Курбоннинг “Сўз йўли” поэмаларида ривоят ахлоқий мазмун ташийдди. Шу асосда яратилган образлар моҳияти очиб берилади. “Қилмишқидирмиш” да келтирилган ривоят чумчуқ характерини очишдан ташқари асарнинг умумий сюжет йўналишини белгилашга ҳам хизмат қилган.

Учинчидан, Эркин Воҳидовнинг “Рухлар исёни” достони бадиий структурасига тўртта ривоят олиб кирилган. Бу эса жанр структурасида янгича ифода унсурларини вужудга келтирган. Уларнинг ҳар бири рамзий-тимсолий мазмунга эга. Ривоятлар бош қаҳрамон Назрул Ислом руҳиятида кечаётган жараёнларни ёрқинлаштиришга, асарнинг фалсафий мазмунини кучайтиришга хизмат қилган. Шу асосда шоир китобхонни ўз қаҳрамони билан таништиришга эришган. Айни пайтда ривоятлар тарихий характерда бўлгани учун асарнинг умумий мазмунига мувофиқ келган. Шоир шу йўл билан достоннинг тарихий мавзуда эканлигига алоҳида урғу берган.

Тўртинчидан, халқ ривоятларининг достонлар бадиий структурасига олиб кирилиши ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида алоҳида адабий ҳодиса ҳисобланади. Бу айни пайтда шоирларимизнинг халқимиз маънавий қадриятларини, оғзаки ижод намуналарини, айниқса, ривоятларни яхши билишларидан далолат беради.

Бешинчидан, ривоятлар асосида қурилган достонлар эпик тасвир имкониятларини кенгайтирди.

Кўринадики, достонлар таркибидан ўрин олган ривоятларнинг ҳар бири ўзининг ғоявий-бадиий юкига эга. Энг асосийси, улар поэма жанри талабларига бўйсундирилиб, шеърый шаклга солинган. Шу асосда поэтик фикрни таъсирчан ифодалашга, мазмунни ёрқин акс эттиришга эришилган. Муҳими, халқ ривоятлари достон бадиий структурасини бойитишга хизмат қилган. Бу эса ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигидаги етакчи тенденциялардан бири сифатида эътироф этилаётир. Айни чоқда ижодкорларимизнинг жанрий-услубий изланишларининг маҳсули сифатида ҳам қимматлидир.

3-фасл. Эртақ-поэма жанри табиати ва унинг такомил белгилари

ХХ аср ўзбек шеъриятида гарчи поэма деб аталса-да, мазмунан ёки шаклан халқ оғзаки ижодининг эпик жанрлари: асотир, афсона, ривоят, эртақ, достонларга хос белгилар асосида яратилган асарлар алоҳида силсилани ташкил этади. Бироқ уларда халқ оғзаки ижодидаги у ёки бу анъа-

навий эпик формула, эпик образ, мотив, тасвир воситаси муайян мақсадда ёзма ижодга хос қонуниятлар асосида берилади. Шунинг учун бундай асарларни кўпчилик ижодкорлар икки ном билан аташади. Жумладан, эртак-поэма, ривоят-достон тарзида ва ҳоказо. Табиийки, бундай номлаш бежиз эмас. Чунки оралик ҳодиса сифатида пайдо бўлган бу каби адабий ҳодисаларни ё эртак, ё поэма тарзида якка номлаш қийин. Бунга оғзаки ва ёзма ижоднинг ўзига хос қонуниятлари йўл бермайди. Шу боисдан эртак мотивлари ва образлари, эртак ифода услубида яратилган ёзма асарларни эртак-поэма жанри сифатида жуфт атама билан аташ урфга айланди.

Эртакда халқнинг, яъни кўпчиликнинг ўй-хаёллари-ю қарашлари, манфаатлари бадиий акс эттирилса, эртак-поэмада бир шоирнинг ўз руҳий кечинмалари, қалб туйғулари бадиий очиб берилади.

Халқ эртаклари аноним (яратувчисининг номаълумлиги), оғзаки яратилиб, оғзаки тарқалиши, вариантларда учраши, хаёлий ва хаётий уйдирмага асосланиши билан ўзига хослик касб этадики, айти пайтда ёзма эртаклар бундан мустаснодир. Ёзма эртакларнинг яратувчиси аниқ бўлади. Ёзма тарзда яратилиши боис улардаги образ ва мотивлар кўпинча турғунлик касб этади ва у асардан бу асарга кўчиб юрмайди. У индивидуал ижодкорнинг топқирлигини белгиловчи маҳорат маҳсули сифатида қаралади. Шунинг учун ижодкорлар томонидан ёзма тарзда яратилган эртаклар адабий эртаклар дея алоҳида таснифланади.

Халқ оғзаки ижодидаги кенг тарқалган оммавий жанрларидан бири эртакнинг ёзма адабиётга кириб келиши, ундаги сюжет, мотив, образлардан ижодий фойдаланиш асосида адабиётимизда эртак-поэма, эртак-қисса, эртак-пьеса сингари бир неча қоришиқ жанрлар пайдо бўлди. Айниқса, улар орасида эртак-поэма бир қадар эрта юзага келди. Бунга, асосан, ижтимоий давр воқеликлари туртки бўлди. Маълумки, халқ эртакларида, адабиётшунос О.Сафаровнинг ёзишича, эрк ва адолат учун кураш ҳамма замонларда етакчи мотив бўлиб келган¹. Бинобарин, 30-йиллар ўзбек поэзиясида ҳам халқимизнинг эрка, мустақилликка, озодликка интилишлари бош мавзуга айланди. Мана шундай ижтимоий шароитда эртак қаҳрамонлари образларига мурожаат қилиш, унинг мотивларига эргашиш адабий анъана моҳиятини касб этди.

Халқнинг орзу-умидлари, истак-интилишлари акс этган эртаклар шоир ва ёзувчиларга катта имкониятлар эшигини очди. Нати-

¹Сафаров О. Ҳамид Олимжон шеърӣ-адабий эртаклари // Педагогик маҳорат. 2003 йил. 4-сон. 65-б.

жада адабиётимизда жанрлар синкретлашувига замин пайдо бўлди. Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ” поэмалари мана шундай ижодий изланишларнинг ёрқин намунаси сифатида бунёдга келди. Улар XX аср ўзбек адабиётида эртак-достоннинг энг юксак намуналари саналади.

Ўтган асрнинг 30-50 йилларида бу йўналишда яна Миртемир, Асқад Мухтор, Султон Жўра сингари таниқли шоирлар ҳам жиддий изланишлар олиб бордилар. Натижада Миртемирнинг “Сув қизи”, А.Мухторнинг “Адолат”, С.Жўранинг “Зангори гилам” каби асарлари халқ эртаклари сюжетлари асосида яратилди. Уларнинг яхши анъаналари XX асрнинг иккинчи ярмида Ҳ.Шарипов, Т.Сулаймон, Шукрулло, М.Раҳмон каби шоирлар томонидан ўзига хос йўсинда давом эттирилди.

Хўш, нега янги жанр эртак-поэма дея номланди? Маълумки, эртак ўзига хос қатор жанрий белгиларга эга. Улар 1) анъанавий зачин (бошланма) ва тугалланма асосида қурилиши; 2) ҳамшиша яхшилик билан тугаши; 3) яхлит сюжетга эгалиги; 4) воқелик ифодасида фақат эпик баёнга асосланиши; 5) мазмун йўналишига кўра сеҳрли, ҳайвонлар ҳақидаги, маиший эртакларга ажратилиши; 6) сюжетида мифологик образлар ва мотивлар, фантастик тасвир иштироки кузатилиши билан ажралиб туради. Бинобарин, эртак-поэма бўлиши учун мана шу хусусиятлар асарда уйғунлашиб кетган бўлиши лозимдир. Кўринадик, поэманинг таркибига эртак баъзида бир қатор муҳим хусусиятлари билан сингишиб кетади. Лекин барибир бунда поэманинг жанр хусусиятлари бўртиб тураверади: биринчидан, поэма шеърий шаклда ёзилиши сабаб эртак-поэмалар ҳам шу йўлда яратилади. Иккинчидан, поэмада ҳаётнинг кенг манзаралари акс этиши боис унинг жанр имкониятлари кенг бўлади. Учинчидан, поэмаларда лиризм устунлик қилади. Чунки қаҳрамоннинг ҳис-туйғу, кечинмалари сюжет ҳамоҳанглигида очиб берилади. Тўртинчидан, унда эпиклик жиҳатлари мавжуд. Бу эса эртакка ҳам хосдир. Демак, эртакдаги эпиклик поэмада ҳаётини манзаралар яратиш имкониятини беради. Шу жиҳатлар инобатга олинса, эртак ва поэма хусусиятлари бир-бирига сингишиб кетади. Натижада жанрнинг синкретлашган янги бир кўриниши вужудга келади.

Адабиётшунос Н.Раҳимжонов эртак-достонни лиро-эпик поэманинг услубий кўринишларидан бири сифатида эътироф этадики, бу фикрга тўла қўшилиш мумкин¹.

¹Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. Тошкент: Фан, 1986. 145-6.

Эртақ сюжетларига таяниб ёзилган дoston фольклоризм ҳодисаси асосида вужудга келган поэманинг янги услубий типидир. У XX аср ўзбек адабиётида икки хил усулда яратила бошланди:

1. Эртақ сюжетини бадиий қайта ишлаш асосида. Бундай ҳодисаларни адабиётшунос Б.Саримсоқов жанр стилизацияси тарзида баҳолайди.

2. Эртақ руҳида асар яратиш асосида. Бунда қайсидир эртақ сюжети асос қилиб олинмайди, балки унга хос ифода услуби, образлар, мазмун, мотивлардан ижодий фойдаланилади.

Шоирларимиз эртақ-дoston воситасида кўпинча замоннинг ижтимоий муаммоларини, халқ қалбида яшириниб ётган дардларни ифодалашга интидилар. Бунда уларга эртақларга хос аллегорик усул ниҳоятда қўл келди. Хусусан, Шукруллонинг “Умр ҳақида эртақ”, “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Қалтис юриш”, “Минг иккинчи кеча”, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” сингари шу даврда яратилган эртақ-дostonлари бу жиҳатдан мулоҳазаларимизни тасдиқлайди.

Эртақ-поэмалар мундарижасига назар ташлайдиган бўлсак, уларда халқ эртақларига хос қуйидаги хусусиятлар сақланганини кузатиш мумкин:

1. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек адабиётида яратилган эртақ-поэмаларда анъанавий зачин – бошланма, тугалланма мавжуд. Хусусан, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Қалтис юриш” дostonлари шулар жумласидандир. Буни Ҳ.Олимжон, Миртемир каби шоирлар бошлаган анъананинг давоми дейиш мумкин.

2. Эртақ-поэмаларнинг аксарияти яхшилик билан тугайди. Жумладан, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ” асарида балони даф қилган чўпон йигит ва Малика ўз мурод-мақсадларига етадилар. Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” дostonида ҳайвонлар Филни подшоҳ этиб кўтарадилар ва ўрмон аҳли фаровон турмушга эришади.

3. Халқ оғзаки ижодида шеърӣ эртақ йўқ. Лекин эртақ ичида шеърӣ парчалар учраши ҳолати кузатилади. Аммо ёзма адабиётда эртақ-поэма фақат шеърӣ йўл билан ёзилади. Юқорида номлари тилга олинган эртақ-дostonларнинг барчаси шеърӣ шаклда яратилган.

4. Халқ эртақлари каби эртақ-поэмалар ҳам ўзининг ички кўринишларига эга. Демак, агар халқ эртақлари сеҳрли, ҳайвонлар ҳақидаги, майший сингари мавзувий типларга эга бўлган бўлса, эртақ-поэманинг ҳам шу каби ички жанрий кўринишлари шаклланди

ва тараққий этди. Бинобарин, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча” дostonлари мазмунан ҳайвонлар ҳақида бўлса-да, аслида бу мавзу рамзий моҳият касб этади. Чунки шоир шер, илон, чумчуқ, қалдирғоч, туяқуш, фил (“Қилмиш-қидирмиш”), бўри, кўзичок (“Минг иккинчи кеча”) сингари турли қушлар ва ҳайвонлар образларини бадиий гавдалантирган эса-да, аслида улар орқали замонавий воқеликни рамзий-тимсолий тарзда ифода этади. Ёхуд Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида қисса”, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” эртак-dostonлари ижтимоий-маиший мавзуда ёзилган бўлиб, ижтимоий-ахлоқий мазмун ташийди. Бу хусусият жанрнинг такомил белгиларини ўзида намоён этади.

Эртак-поэма атамаси асосида яратилган асарлар эртакка хос қайси белгини қайта ишлаганлигига қараб бир-биридан фарқ қилади. Масалан, Т.Сулаймоннинг “Харсанг” эртак-поэмасида фақат эртак образлари ва мотивларидан фойдаланилган. Хусниддин Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Қалтис юриш”, “Минг иккинчи кеча”, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” каби эртак-поэмаларида эртак бадиий қурилишига хос композицион белгилар: эртак бошланмаси ва тугалланмасидан, образларидан, мотивларидан фойдаланилган ҳолда улар шеърӣ тизимга солинганлиги ва ижодқорнинг шахсий ҳис-кечинмалари, қарашлари, лирик муносабати асосида қайта ишланганлиги кузатилади. Бинобарин, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш ” dostonи “Бор экан-да, йўқ экан, Айтилган сўз ўқ экан... Қадим-қадим замонда Роҳатижон ўрмонда...” , “Қалтис юриш” dostonи эса “Бор экан-да, йўқ экан. Оч экан-да, тўқ экан. Қадим-қадим замонда. Ҳиндистонми Эронда” тарзидаги зачин билан бошланади.

Маълумки, ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларда инсон образлари қатнашмаслиги билан белгиланади. Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча” эртак-dostonларининг қаҳрамонлари ҳам фақат ҳайвонлар ва қушлардан таркиб топган. Ёхуд Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак” (“Бир бор экан ҳам йўқ экан, Қадим-қадим замонда Қўш кокилдек Амударё ва Сир оққан томонда...”), М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” асаридаги зачин (“Эмиш: талаб юртининг Ҳар боғи ҳар гузарин. Ўтибди бир баттол шоҳ. Билмай босар-тусарин”) ҳам халқ эртаклари руҳида битилган. “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”даги “Қадим-қадим замонда” бирикмаси анъанавий халқ эртакларидаги зачинларни эсга солса, “Қора кўйлак”даги

“эмиш” сўзи эпик замонни ифодалашдан ташқари бошланма вазифасини ҳам бажариб келмоқда. Одатда, маиший эртақларнинг қаҳрамонлари оддий халқ вакиллари, подшолар ва подшозодалар, маликалардан иборат бўлади. “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ”да кекса султон, унинг қизи – малика, вазир, унинг ўғли, чўпон йигит тимсоллари, “Қора кўйлак”да эса подшо, малика ва навқар образлари яратилган. Айти пайтда юқорида номлари тилга олинган асарларда эпик баён услуби ҳам (воқеликни кетма-кет ифодалаш) эртақ асосида қурилган.

Кўринадики, ХХ асрнинг иккинчи ярмида эртақ шакли ва усулида яратилган поэманинг янги типи вужудга келди. Шоирларимиз эртақ-достон яратишда фольклордаги эртақ жанрига хос шаклий хусусиятлардан ижодий фойдаланиб, улар воситасида замонавий воқеликни бадиий ёритиб беришга эришдилар. Шу асосда адабиётимизда ўтган асрнинг 30-йилларида шаклланган эртақ-достон жанри 60-80-йилларга келиб мустақил жанрга айланди.

ХХ асрнинг иккинчи ярми ўзбек достончилигида Ҳамид Олимжон анъаналари ўзига хос йўсинда давом эттирилди. Буни Шукрулло, Ҳ.Шарипов каби шоирлар ижодида ёрқин кузатиш мумкин.

Бинобарин, эртақ-поэмаларда эртаққа хос қатор хусусиятлар сақланиб қолиши кўзга ташланади. Ҳамид Олимжон эртақ-поэмалари мундарижасига назар ташлайдиган бўлсак, қуйидаги жиҳатлар бўртиб кўринади:

1. Шоир эртақ-поэмаларида анъанавий зачин – бошланма, тугалланма мавжуд (“Жамбил деган томонда, Жуда қадим замонда”)¹.

2. Улар яхшилик билан тугайди. Бинобарин, “Ойгул билан Бахтиёр” асарида Ойгул Бахтиёр билан бирга Сусамбилни эркин ва озод юртга айлантирадилар ва бахтли ҳаётга эришадилар.

3. Халқ оғзаки ижодидаги эртақлардан фарқли ўлароқ Ҳамид Олимжон достонлари шеърӣй йўл билан ёзилган.

4. “Ойгул билан Бахтиёр”, “Семурғ” поэмаларида халқ эртақларига хос сюжет, мотив, образлардан унумли фойдаланилган. Айти пайтда фантастик, мифологик образлар: “Семурғ”да дев, ялмоғиз, Семурғ образлари яратилган.

5. Шоир поэмалари мавзу жиҳатдан ҳам ранг-баранг. Уларда адабиётшунос Н.Раҳимжонов ўринли таъкидлаганидек, қаҳрамонлик,

¹Ҳамид Олимжон. Асарлар мажмуаси. Беш томлик. Иккинчи том. Тошкент: Ғ.Ғуллом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971. 120-б.

фантастик-саргузашт, ижтимоий-маиший каби бир қатор мавзулар ёритилган¹.

Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”² асари куйидаги жиҳатлари билан Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ” достонига ҳамоҳанглик қилади:

1. Мавзу жиҳатидан. Чунки “Семурғ” достонидаги сюжет ижтимоий-маиший воқелик заминида қурилган. “Мардлик ва вафо ҳақида эртак” достонида ҳам шу хусусият бўртиб туради.

2. Ҳар иккала достонда муҳаббатга эришиш йўлидаги қаҳрамонлик ҳикоя қилинган. “Семурғ”да Бунёд Паризод муҳаббатига сазовор бўлиш учун девни ўлдиради ва у буюрган оғир юмушни бажаради. “Мардлик ва вафо ҳақида эртак”да ҳам чўпон йигит Маликани бўрон ва қора қушлар хужумидан асраб қолади. Яъни бунда Бунёд ва чўпон йигит, Паризод ва Малика образлари моҳиятан бир-бирига яқинлашади. Фарқи шуки, Паризод Бунёд муҳаббатини оёқости қилади, Малика эса чўпон йигит муҳаббатини қадрлайди.

3. Иккала асар сюжети ҳам халқ эртаклари асосида қурилган. Уларда халқ эртакларига хос эпиклик хусусияти ёрқин кўринади.

Демак, Шукруллонинг эртак-достон яратиш йўлидаги изланишлари куйидагича намоён бўлади:

1. “Мардлик ва вафо ҳақида эртак” поэмаси эртакларга хос анъанавий бошлама — зачин билан (“Бир бор экан ҳам йўқ экан, Қадим-қадим замонда”) билан бошланган.

2. Асар сюжетини ташкил қилувчи воқеалар бевосита халқ эртакларига хос анъанавий сюжет билан боғлиқ. Унда подшонинг яккаю ягона фарзанди, меросхўри, гўзалликда танҳо маликанинг ҳукмдор отаси истанидай юқори табақали йигитга эмас, аксинча оддий халқ вакили бўлган чўпон йигитга турмушга чиқиши воқеаси анъанавий эпик мотивлар халқасида баён этилган. Бу воқеаларнинг ечимга қараб боришини таъминлаш учун анъанавий туш мотивидан тугун сифатида фойдаланилган.

3. Поэма гарчи шеърий кўринишда яратилган бўлса-да, унда эпик баён услуби етакчилик қилади. Ундаги эпик баённи таъминлашда халқ эртакларига хос анъанавий образлар ва мотивлар алоҳида аҳамият касб этган. Бинобарин, поэмада халқ эртакларидаги каби маликанинг од-

¹Раҳимжонов Н. Ўзбек совет адабиётида поэма. Тошкент: Фан, 1986. 51-б.

²Шукрулло. Тўқилган дардларим. Тошкент: Шарқ, 2001. 311-б.

дий халқдан чикқан мард, жасур йигитни тушида кўриб севиб қолиши, тўтикушнинг ва сеҳрли найнинг бош қаҳрамонга ёрдам бериши, уларнинг одамдек тилга кириб, йигитни ўз муҳаббатини синовдан ўтказишга даъват қилиши, йигитнинг қора қуш кўринишида пайдо бўлган балоларни мерганлик билан камондан ўқ узиб даф этиши каби воқеалар баёни асарнинг эртакона эпик руҳини таъминлаган. Умуман айтганда, ижодкор халқона сюжетни гўзал шеърый шаклда жозибали баён этишга эришган.

4. Асарда подшо, малика, вазир, лашкарбоши, тўтикуш, сеҳрли най, чўпон йигит, қора қуш тимсоллари келтирилганки, улар кўпинча эртақларда учрайдиган анъанавий образлар эканлиги ва Ҳамид Олимжоннинг “Семурғ” достонида (Паризод, подшо, Семурғ, Бунёд) ҳам мавжудлиги билан эътиборни тортади. Адабиётшунос Ғ.Мўминов мазкур достонни таҳлил этар экан, ёзади: “Шукруллонинг “Мардлик ва ваф” достони халқ достон ва эртақларидаги традицион сюжетдан жўнгина фойдаланиб ёзилгани учун ҳам схематик бир асар бўлиб қолган”¹. Бизнингча, достонда кўпроқ эртақ сюжети ва мотивларидан фойдаланилган. Ғ.Мўминовнинг ҳақлиги шундаки, Шукрулло достони бир эртақдек таассурот уйғотади. Унда замонавий воқелик билан алоқадорлик унчалик сезилмайди.

Эртақ-достон жанрининг шаклланиши ва тараққиёт йўлига киришида Миртемирнинг алоҳида ўрни бор. Унинг эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик кураши тасвирланган “Сув қизи”, “Аждар” сингари поэмалари XX асрнинг иккинчи ярмида худди шундай йўналишдаги поэмалар ёзилишига ўзига хос туртки бўлди. Буни Эркин Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” асари мисолида ёрқин кузатиш мумкин. Достонда Миртемирнинг “Сув қизи” поэмасидан таъсирланиш сезилади:

1. Миртемир асарни эртақ, Эркин Воҳидов эса Қора денгиз эртаги деб атайди. Айни пайтда Э.Воҳидов поэмасига Миртемирнинг “Сув қизи” достонидаги “Кеча ойдин, баҳор айёми, Қатра-қатра ёш тўкар булоқ” сатрларини эпиграф қилиб келтиради. Демак, шоирнинг бундай эпиграфни келтириши бежиз эмас. Чунки Э.Воҳидов асар бошидаёқ Миртемирга эргашганлигига ишора қилади.

1. Ҳар иккала достон лирик кириш билан бошланади. “Сув қизи” да:

Юлдузлар-ла чароғон кеча...

Ўрмонларга боқар ўроқ ой.

¹Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек достончилигида услубий изланишлар / Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги. Тошкент: “Фан”, 1983, 135-б.

Йўлларингга боқдим, эркатой,
Сен кечикдинг ваъдага пича¹.

2. “Орзу чашмаси” дostonидаги дебоча ҳам ана шундай қайғули рух билан ибтидо топади:

Тебранади
Охиста тўлқин,
Мовий денгиз тилга киради,
Қояларга бошин уради...².

3. Сюжетлараро боғлиқлик бор. “Сув қизи” да ҳам, “Орзу чашмаси” да ҳам асар қаҳрамони денгиз бўйида яшаши тасвирланади. Демак, экспозиция билан боғлиқ мутаносиблик мавжуд. “Сув қизи” да Орзини қароқчи Али бобо денгизнинг нариги ёғидаги бераҳм султонга сотиб юборади. “Орзу чашмаси” да ҳам қароқчи Али бобо Орзуни ўғирлаб кетади ва уни хонга тортиқ қилади.

4. Сюжетлараро боғлиқлик рухий-маънавий жиҳатдан ўхшаш образларни вужудга келтирган. Бинобарин, ҳар иккала бош қаҳрамон ҳам Орзу (Миртемирда Орзи) дея номланган. Сабаби, Миртемирнинг қаҳрамони Орзи отасининг якка-ю ягона фарзанди сифатида вояга етган. Эркин Воҳидовнинг лирик қаҳрамони ҳам ота-онасининг ёлғиз фарзанди. Айни пайтда улар қисматдош. Воқеалар ривожи кузатилса, ҳар иккала дostonда қароқчилар томонидан ўғирланган, орзулари поймол бўлган қизлар бир йил ўтиб фарзандли бўлади. ~~Поэма~~ларнинг ечимида Орзи ва Орзу бағридаги боласи билан бирга ўзини тўлқинли денгизга ташлайди. Демак, дostonларнинг тасвир йўсини ўхшаш.

Кўринадики, Эркин Воҳидов Миртемирнинг эртак-дostonчиликдаги ижодий анъанасини давом эттирган. Айни пайтда шоирнинг ўзига хослиги, Э. Воҳидов асарда лиризмга кенг ўрин берган. Чунки поэмадаги лиризм, латиш адабиётшуноси В. П. Киканснинг таъкидлашича, узлуксиз равишда ривожланиб боровчи жараёндир³. Демак, Миртемир дostonига нисбатан “Орзу чашмаси” да лирик рухнинг устунлигини айнан шу фикр билан асослаш мумкин.

Миртемирнинг “Сув қизи” дostonида эртак ва поэма жанри хактеридан келиб чиқиб, эпиклик лиризм билан уйғунлашиб кетган.

¹Миртемир. Асарлар. Уч томлик. Тошкент: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 384-б.

²Воҳидов Э. Муҳаббатнома. Икки жилдлик. Биринчи жилд. Тошкент: Ғ. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987, 383.

³Киканс В. П. Современная советская поэма. Рига: “Зинатне”, 1982. С. 44.

Э.Воҳидов эса асар сюжетини “Кунтуғмиш” дostonи мотивлари билан бойитганлиги кузатилади. У “Сув қизи”дан фарқли ўлароқ, асарга Орзунинг севгилиси Оғадўст образини олиб киради. Асарнинг яна бир муҳим жиҳати, шоир булоққа алоҳида мазмун юклайди. Уни ийсонлаштириб, Орзунинг сирдоши сифатида тасвир этади. Шу маънода Эркин Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” дostonи XX асрнинг 30-йилларида вужудга келиб, такомиллаша бошлаган янги типдаги лиро-эпик поэмага хос анъаналарни давом эттирди ҳамда уни мазмун ва шакл жиҳатидан янада бойитди.

Хусниддин Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” асарида шоир замон дардларини эртак сюжети, образлари ва мотивларидан фойдаланган ҳолда аллегорик усулда баён этган. Маълумки, ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар халқ оғзаки ижодида алоҳида ўрин тутди. Уларнинг энг муҳим хусусияти, бундай эртакларда инсон образлари қатнашмайди. Хусниддин Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш” дostonидаги барча образлар қушлар ва ҳайвонлардир. Демак, шоир эртак-дostonда эртакка хос шу жиҳатни ҳам назардан қочирмаган. Натижада ҳайвонлар ҳақидаги эртак-дoston лиро-эпик поэмалар сафини тўлдирди.

XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигидаги баъзи асарлар тажрибаси мисолида айтиш мумкинки, сюжет мотивлари фольклор – мумтоз адабиёт – замонавий адабиёт бадий-тадрижий такомил босқичларини босиб ўтганлиги кузатилади. Бунга Хусниддин Шариповнинг айнан “Қилмиш-қидирмиш” поэмаси ёрқин мисол бўла олади. Негаки, бу асар мазмунан Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” фалсафий дostonини ёдга солади. Маълумки, улуғ шоирнинг “Лисон ут-тайр” дostonида қушлар ўзларига бошлиқ излаб, Худхуд бошчилигида йўлга тушадилар. “Қилмиш-қидирмиш”да эса ҳайвонлар ва қушлар ўзларига муносиб бошлиқ тайинлашга ҳаракат қиладилар.

Асарнинг бошланишиданоқ унда эртак мотивлари руҳи уфуриб туради. Эътиборли томони, поэма халқ эртаклари каби махсус зачин – бошланма билан ибтидо топади:

Қадим-қадим замонда
Роҳатижон ўрмонда
Бўри баковул эди,
Тулки ясовул эди,
Ғоз карнайчи эди,
Ўрдак сурнайчи эди,

Қарға қақимчи эди,
Чумчук қақимчи эди...¹.

Бир қарашда бундай бошланма халқ эртақлари услубига ўхшашдек туюлади. Бироқ унда халқ эртақларига хос анъанавий кириш шакли бироз ўзгартирилган. Негаки, халқ эртақларининг кириш қисмида дастлаб, анъанавий зачин (бошланма), сўнгра эпик макон ва замонни ноаниқ шаклда характерлайдиган бошлама келтирилади. Ҳ.Шариповнинг ушбу поэмасида аввал эпик макон ва замонни ноаниқ шаклда характерлайдиган бошлама, кейин эса анъанавий зачин берилган. Худди шу нуқтада ижодкорнинг ўзига хос бадиий маҳорати намоён бўлади.

Ҳ.Шарипов эртақларга хос анъанавий кириш ва бошламани шеърга солиб, асарнинг эртакона руҳини таъминлашга эришган. Поэма сюжети бевосита ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар каби қурилган. Унда ҳайвонлар шоҳи Шер, ўрмон жониворлари, қушларнинг рамзий образлари бадиий гавдалантирилган. Шуниси эътиборлики, асардаги ҳар бир образ, аввало, анъанавийлигини сақлаган. Жумладан, поэмадаги чумчук образи гийбатчи ва текинхўр қиёфасида тасвирланган:

Чумчук эса шунча йил
Гийбат ташиб хилма-хил
Гийбатлари ҳамиша
Қолса ҳам бенатижа,
Хазинадан дон терди,
Еган сари жон дерди (283-бет).

Чумчуқнинг бу характери асар сюжети воқеалари ривожланишига ўзига хос таъсир кўрсатади. Чунки у бошлаган гийбату фисқу фасод ўрмон ҳайвонларининг тинчлигини бузиб, уларни парокандаликка олиб келади. Бу манзара эса собиқ социалистик тузумдаги турғунлик йилларини эсга солади. Зеро, шоир эртақка хос тасвир усулидан фойдаланиб, ўзи яшаган давр ва жамият ҳаётининг фожиаларини, турғунлик иллатларини тасвирлашга уринган. Бунда эртақ шоирга ўз фикр-кечинмаларини парда остида баён қилишга ёрдам берган. Ҳусниддин Шарипов шу йўл билан халқнинг дардларини қаламга олиб, турғунлик даврининг аянчли манзараларини яратишга интилган.

Шер – ҳайвонлар шоҳи. У халқ эпик асарларида, хусусан, эртақларда шу тарзда ифода этилади. Ҳ.Шарипов ҳам шунга амал қилган ҳолда бу

¹Шарипов Ҳ. Асирингман. Тошкент: “Шарқ”, 2003, 282-б. (Кейинги парчалар шу китобдан олинди ва қавс ичида бети кўрсатилди).

образни асарига ҳукмдор тимсолида олиб киради. Негаки, шўро даври раҳбарлари турли даражадаги кишилар эди. Лекин бирорта раҳбар ўз ихтиёри билан лавозимини топширмас эди. Шер кексайиб қолган учунгина эмас, муаммолар кўпайиб кетгани, уларни ҳал қилишга кучи етмаслиги учун ҳам шохликдан воз кечади ва ўрмонзорга қочиб беркинади. Ўз арзи ҳолларига жавоб истаб турган қушлар ва ҳайвонлар уни кута-кута чарчайдилар. Аввалига эшикни тақиллатиб кўрадилар, очилавермагач, уни бузиб кирадилар, лекин шохни ўз ўрнидан топмайдилар. Шундан сўнг ўрмон ҳаёти парокандаликка юз тутаети. Охири “катталар йиғилишиб”, янги подшо сайлаш ҳақида қарор қилишади.

Кўриняптики, поэмада нафақат эртақларга хос анъанавий образ ва мотивлардан, балки бадий тасвир воситаларидан ҳам янги услубда маҳорат билан фойдаланилган. Унда ҳайвонлар ҳақидаги эртақларнинг энг муҳим белгиси – мажозийликдан, аввало, рамзийликни яратишда истифода этилган. Бу орқали инсоният бадий тафаккури тадрижга хос хусусиятларни илғаш, воқеликни бадий акс эттириш тажрибасининг тараққиёт тамойилларини англаш имкони пайдо бўлади.

Асарда шоир яна сайлов манзарасини акс эттирган. Бу манзара ҳам яқин ўтмишимиздаги воқеликни ўзида мужассам этган. Сайлов ҳам халқда байрамдек ташкил этилади. Шу боис ҳайвонлар ва қушлар ҳам “байрамона кийиниб” халқ сайловига шошилади. Унда бошлиқ сайлаш ҳуқуқи эркин тарзда ўтказилиши айтилади. Лекин айрим жиҳатларни ҳисобга олиш зарурлиги уқтирилади:

- Булбул бийрон бўлса ҳам,
Гавдасининг вазни кам...
- Гарчи балиқ ҳалолдир,
Нутқ сўзлаши маҳолдир...
- Капалаклар соз яшар,
Минг афсуски, оз яшар...(288-бет).

Шундан сўнг “феъли, дили ва тили ўхшашлар” давра қилиб, маслаҳатга киришадилар. Биринчи қарорни қушлар номидан зағча ўртага чиқиб, элга маълум қилади: у бургут номзодини таклиф этади. Бу ҳайвонларга маъқул тушмайди. “Тўрт оёқли” жондорлардан така ўртага чиқиб, ҳайвонларнинг қарорини эълон қилади: у подшоҳликка бузруквор туяни сайлашни сўрайди. Бу таклиф қушларни қониқтирмайди:

- Қарға қағиллай кетди,
Бақа вақиллай кетди,

Булбул “биё”лай кетди,
Мушук миёвлай кетди,
Чумчуқ чириллай кетди,
Арслон ириллай кетди,
Каклик какиллай кетди,
Кўппак акиллай кетди... (291-бет).

Шоир ҳайвон ва қушларнинг икки томондан айтилган таклифларга муносабатини табиий ҳолатда баён этади: бунда ҳар бир қуш ва ҳайвоннинг норозилик кайфияти уларнинг овозлари воситасида очилади. Айни манзара ички оҳангдошликни – ундош товушлар аллитерациясини вужудга келтирган ва шу асосда воқелик табиийлик касб этган. Шундай қилиб, ҳайвонлар ва қушларнинг таклифлари ўрганиб чиқилади ҳамда подшоҳ қилиб туяқушни сайлашади. Бунга ҳам шоир ўзига хос ижтимоий мазмун юклайди: туяқушнинг подшоҳ сифатида сайланиши бежиз эмас. Унда қушга хос қанот, ҳайвонга хос ерда юриш хусусияти мавжудлиги инobatга олинади. Шу боис бу таклиф барчага маъқул тушади. Амаллар қайта тақсимланади:

Бўри баковул бўлди,
Тулки ясовул бўлди,
Ғоз карнайчи бўлди,
Ўрдак сурнайчи бўлди,
Қарға қақимчи бўлди,
Турна тўқимчи бўлди... (292-бет).

Юқоридаги сатрлар эртақларнинг “Бўри баковул экан, тулки ясовул экан, ғоз карнайчи экан, ўрдак сурнайчи экан, қарға қақимчи экан, чумчуқ чақимчи экан” тарзидаги бошланмасини ёдга солади. Шоир бошламага асосланиб, ҳар бир ҳайвоннинг вазифасини белгилаб беради. Айни пайтда шоир унга ижодий ёндашиб, чумчуқ образи ўрнида турнани киритади. Шу асосда турнанинг ҳам саройда ўз ўрни борлигини эслатиб ўтади. Демак, шоир халқ эртақларидаги анъанавий зачин – бошламадан эпик баён усули сифатида фойдаланади.

Асардаги кейинги воқеалар ривожини ҳам ғоятда қизиқарли тасвир этилган. Унда илоннинг фармони билан осмонга нозир қилиб ўргимчак, қуруқдаги элга раҳбар этиб эчкиэмарнинг тайинланиши, янги сайловдан кейин ҳам халқнинг аҳволи ёмонлашиши, эчкиэмарнинг қилиқлари сингари воқеалар тизими халқ эртақларидагидек муайян изчилликда ифода этилган.

Шоир подшо туякуш образига ҳам алоҳида мазмун юклайди. Гарчи халқ туякушнинг ҳам ҳайвонлар, ҳам қушларга мансублигини, уларнинг дардини барабар тинглашини эътиборга олиб, уни ўзига бошчи қилиб сайлаган бўлса-да, туякуш бу масъулиятли вазифани кўнгилдагидай адо этолмайди. Чунки бунга билими ҳам, кучи ҳам етмайди. Туякушнинг ўзини даҳо санаб ўй-фикрга берилиши, халқ норозилигига жўяли жавоб топмасдан, ҳайвонларга қушлигини, қушларга эса ҳайвонлигини пеш қилиш асосида қийин вазиятлардан чиқишга уриниши, бунинг учун илонни ёрдамга чақиришини шоир ҳаётий тасвирлашга интилади. Хусусан, шу воқелик тасвири билан боғлиқ зағчанинг жимжимадор ҳалқалар тайёрлатиши, уни арз қилиб келган қушларнинг бўйнига осиши воқеаси янада таъсирчан. Ҳалқа бунда тимсолий мазмун ташийди. Чунки собиқ тузум йилларида эркнинг бўйнига ҳалқа солинган эди. Даврнинг бошбошдоқликларини шоир мана шу йўсинда ёритиб беради. Энг муҳими, ҳақ сўзни баралла айтиш мушкул бўлган турғунлик деб аталмиш даврда шоир истеъдодсиз, уқувсиз раҳбарларни шу йўл билан танқид остига олади. Бу усул аслида ўзбек мумтоз адабиётида, аниқроғи, Гулханий ижодига (“Зарбулмасал”) хос бўлган мажозий усул бўлиб, замонамиз шоири уни янгича шаклда давом эттирди.

Илоннинг буйруғи билан денгиздан марварид терган оққуш, ўрдак, ғоз, тўти, тўрғай, булбул, қарға, қирғий, кумри каби қушлар жабрдийда халқ тимсолини ўзида ифода этади. Шоир илон образига халқ эртаклари хусусиятларидан келиб чиқиб, салбий мазмун юклайди. Бу илоннинг айёрлиги, зolimлиги билан алоқадор. Чунки қушлар бўйинларига илинган ҳалиги ҳалқа туфайли йиғиштирган марваридларини “туфлаб ташлашди” ва кейин ўша жавоҳирларни ташишга тушишади.

Чумчуқнинг ёвузлиги эса қалдирғочнинг уйини тафтиш қилиш тўғрисида буйруқ тайёрлаши ва вазира имзо қўйдиришида ёрқин намоён бўлади. Шоир қалдирғоч характериға хос жиҳатларни унга контраст бўлган чумчуқ образи ёрдамида очиб беради. У дўстларидан ёрдам сўраб, уларнинг ҳузурига шошилади, бироқ хунук бир манзараға дуч келади:

Анча кезди ўрмонда
Учрамади бирор қуш.
Ана ўрқач-ўрқач сув,
Қушлар сиғмас қирғоққа.
Дўстларини кўргач у,
Тўлиб кетди дил оҳға:

Қул бўпти ғоз, оққушлар,
Жон ва қонда дарди бор.
Ҳатто аҳли донишлар
Бўпти бунда мардикор (310-бет).

Бу ҳолатдан эзилган қалдирғоч бошпанасиз қолган бўлса ҳам, аммо хали ўз эркин фикри борлигидан бир қадар қувонади ва ўзида журъат топиб қушларни подшоҳга арз қилишга чорлайди. Қушлар ва ҳайвонлар Подшо туяқушдан лойиқ жавоб ололмаганлари учун хуррият йўлида кўзгалишга бел боғлашади:

Қилмоқ керак ҳаракат
Хурриятнинг йўлида
Сабр таги – олтинмас.

Юқоридаги мисраларда “Сабр таги – олтин” мақолининг инкор шаклида қўлланиши асосида ҳайвонлар ва қушларнинг мавжуд ҳолатдан норозиликлари ифода этилган.

Ёхуд:

Ҳўкиз югура кетди,
Қоплон ўкира кетди,
Қирғий қийкира кетди,
Айғир айқира кетди,
Чорлоқ чағиллай кетди,
Мушук биғиллай кетди
Итлар вовуллай кетди...(313-бет).

Бу аслида асарнинг энг авж нуқтаси – кульминацияси ҳисобланади. Бунда шоир аллитерация санъатидан (қирғий қийкира кетди, айғир айқира кетди, чорлоқ чағиллай кетди сингари) фойдаланиб, ҳар бир ҳайвон ва қушнинг табиий овози, ҳаракати асосида ҳаётий манзара яратган ва шу йўл билан ҳайвонлар ҳамда қушларнинг исёнкорона кайфиятини ифодалашга эришган.

Асарнинг ечими эл хурлик истаб селдай тошиб келганда, подшо, вазир, нозир, котиб ҳар томонга қочиб кетиши, доно филнинг халққа сарқор – подшо қилиб тайинланиши воқеаси билан алоқадор. Фил тадбиркорлик билан иш юритиб, ҳар бир қуш, ҳайвонга ўзи бажара оладиган ишни топширади:

Хизмат учун бел боғлаб,
Минди ғайрат отига.
Унга санъат бўйича

Булбул муовин бўлди.
Донин териб мусича,
Хўкиз ер ҳайдаб қолди... (314-бет).

Хуллас, асар халқ эртакларидаги каби яхшилик ва эзгулик ғалабаси – яшил ўрмонда янгича гўзал ҳаёт бошланиши воқеаси билан якун топади. Демак, шоир халқ эртакларига хос бу хусусиятни ўз асарида тўла сақлаган.

Эътибор берилса, асарнинг қаҳрамонлари ўрмонда яшовчи барча кушлар ва ҳайвонлардир. Юзаки қараганда, дoston ҳайвонлар ҳақидаги эртакларга ўхшайди. Чунки унда бирор инсон образи қатнашмайди. Аслида эса ўрмон бутун бошли бир мамлакат, кушлар ва ҳайвонлар эса халқ сифатида намоён бўлган. Турғунлик йилларидаги турли даражадаги раҳбарлар шер, туякуш, илон, ўргимчак, чумчуқ, фил образлари орқали тимсоллаштирилган. Бинобарин, укувсиз, билимсиз раҳбарлар туякуш, илон, ўргимчак, чумчуқ образлари воситасида реаллаштирилган бўлса, фил образида меҳнаткаш, фикрловчи, укувли раҳбарлар тимсоли ифода этилган. Халқ эртакларида ҳам туякуш, илон, чумчуқ, ўргимчак кабиларга салбий маъно юклатилади. Улар зарар келтирувчи куш ва ҳайвонлар сирасига киради. Бинобарин, чумчуқ чақимчилик ва дангасалик, илон айёрлик, ўргимчак ёвузлик тимсолида талқин топади. Асарда шоир уларнинг ана шу жиҳатларини назардан қочирмаган. Қалдирғоч эса халқ қарашлари асосида яратилган эпик асарларда ҳамиша инсоннинг дўсти сифатида тасвирланади. Дostonда ҳам халқни ҳурриятга бошлаган эзгулик тарафдори қалдирғочдир.

Мазкур эртак-позма 1975-1976 йилларда ёзилган. Қайта қуриш шамоллари эса 80-йилларнинг ўрталарида эса бошлади. Бинобарин, 70-йилларда шоирларимиз озодлик, эрк ҳақидаги фикрларини ошкора айтолмас эдилар. Шунинг учун ҳам Хусниддин Шарипов эртак сюжети орқали расман озод, аслида мустамлака сифатида яшаётган халқнинг қалбидаги орзу-интилишларини акс эттирди. Натижада реал воқелик мажозий усулда китобхонга етказилди.

Тўра Сулаймоннинг “Харсанг” поэмаси ҳам эртак сюжети асосида қурилган. Асар кўпроқ маиший эртакларни эсга солади. Унда ака ва ука муносабатларини очиш мақсадида оилавий ҳаёт манзараларига назар ташланади. Асардаги аканинг бефарзандлиги, унинг шу йўлдаги изтироблари ифодасида “Алпомиш” халқ достони мотивлари таъсири сезилади. Хусусан, одамларнинг акага фарзанд кўриш учун авлиё-анбиёларга

сигинишни маслаҳат бериши ва унинг шу маслаҳатларга амал қилиши эпизодларида бу ёрқин кўзга ташланади. Чунки “Алпомиш” дostonида ҳам ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг бефарзандлиги, уларнинг фарзанд тилаб Шохимардон пирга учрашлари тасвир этилган¹. Шоир дostonдаги шу мотивга ижодийлик билан ёндашиб, фақат аканинг бефарзандликдан қийналишини акс эттирган. “Бу ғамларга чидолмай, сочларига оқ туш”ган ака авлиё-анбиёларга сигиниши натижасида ўғил кўради². “Алпомиш”да эса ака-ука қирқ кеча-кундуз чилла ўтиришгандан сўнг, фарзандли бўлишади.

Асарда мазкур мотив асосида ҳаётий воқелик эртак сюжети-га мувофиқлаштирилган ҳолда давом эттирилди. Аканинг фарзандли бўлиши, унга Тоштемир деб исм қўйиши, уни еру қўкка ишонмай, ардоқлаб катта қилиши, уканинг акаси қувончига шерик бўлиши сингарилар талқинида шу хусусият кузатилади. Асарда аканинг қўш ҳайдаб, далада қолиб кетиши, “оға ғамидаги ини”нинг бир ширбоз қўзини сўйиб, қариндошларга тарқатиб, ундан маълум бир улушни акасига олиб келиши воқеаларида ана шу жараён тасвир этилган.

Асарда янга образи ҳам муҳим ўрин тутати. У акаси учун ҳамма нарсага тайёр бўлган қалби соф уканинг яхши ният билан ўғли Тоштемиргга қўзининг туёғини беришини нотўғри тушунади. Натижада ака-ука ўртаёсидаги илиқликка соя ташлайди. Шу боис асар халқ эртакларидан фарқли равишда бир қадар қайғули якун топади. Маиший воқелик халқ эртаклари йўсинида тасвир этилган дostonда эртакка хос зачин-бошланма мавжуд; эпик баён усули етакчилик қилади; образлар халқ эртаклари қаҳрамонларини ёдга солади. Айни замонда воқелик поэма жанри имкониятларидан келиб чиқиб бошдан-оёқ шеърий шаклда баён этилади. Бу халқ эртаклари ва ёзма адабиётдаги дostonлар орасида ўзига хос узвий алоқадорликни юзага келтирган. Энг муҳим жиҳати, эртак сюжети поэма структурасига сингиб кетган.

М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” эртак-дostonида эртакка хос ифода услуби, образлари, мазмуни, мотивларидан фойдаланилган. Асарда зolim шох, ёш навқар, малика образлари гавдалантирилган. Маълумки, адабиётимизда она меҳри ҳақида кўплаб асарлар ёзилган. Моҳиятан “Тўмарис” ривоятини эсга солувчи бу асарда ҳам она меҳрининг қудрати

¹Алпомиш. Рустамхон. Тошкент: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1985. 14-15-б.

²Сулаймон Т. Гулшан. Тошкент: Ғ.Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. 82-б.

акс эттирилган. Малика руҳий-маънавий жиҳатдан Тўмарисга ўхшайди. Бу кўпроқ ундаги юксак ватанпарварлик, ҳақиқий раҳбар ва оналарга хос энг эзгу фазилатларда ёрқин кўзга ташланади. У ватанини ҳимоя қилиш учун босқинчиларни осишга ҳукм этади. Бироқ Малика оналик меҳри туфайли уларни омон қолдиради. Бунга сабаб ёш навкарнинг ўтинчи ҳисобланади. Чунки у Маликанинг ўз онасига ўхшашини айтади. Бу Маликага таъсир қилади: кўз олдига ўз фарзандларини келтиради. Шу боис у нафақат навкар йигитни, балки подшо ва унинг қўшинини кечириб юборади.

Ёш навкар образи асарда ўзига хос ўрин тутаети. У Малика кўзидаги мунгни, эгнидаги қора кўйлакни кўриб, бир меҳр туяди. Шу боис унга:

Соғинганман,
Қайтгандай бўлай,
Кулбам хонамга.
Чунки... Чунки сиз ўхшаб –
Кетаркансиз онамга!..¹

– дейишга журъат топади. Бунда она меҳрига, дийдорига тўймаган йигитнинг ўтинчи Маликадаги туғёнларни юзага чиқаради ва ҳалок бўлган фарзандлари ҳурмати уларни озод қилади. Аслида навкардаги жасорат, хушёрлик ва сезгирлик туфайли қўшини ўлимдан омон қолади.

Асардаги золим шоҳ образи халқ эртаклари услубида тасвирланган. Чунки шоҳ навкарнинг жасоратидан таъсирланиб, золимликни ташлайди. Шоҳ ва навкар диалогларида бу ёрқин намоён бўлади. Шоҳни ҳайратга солган нарса, йигитнинг биргина ўтинчи учун бутун бошли қўшиннинг омон қолишидир. Шу боис у навкардан сўрайди:

Ҳукми олий тахт эди
Маликанинг номидан,
Олиб қолди қайси куч
Бизни ўлим комидан
Бекор қилди ҳукмини.
Гуноҳимиз озмиди...
Маликанинг онанга
Ўхшагани ростмиди?

Навкарнинг жавоби дostonнинг асл моҳиятини англашга ёрдам беради:

¹Муҳаммад Раҳмон. Асраганим, авайлаганим. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1987. 131-б.

Қора кўйлак аёлнинг
Куйганига ишора
Англадимки на хуши.
На тушида маза бор.
Маликанинг бошида
Бир мусибат, аза бор...
Бундай пайтда, биласиз,
Тож-тахтдан ҳам тонадир.
Ким бўлмасин, қаерда
Она доим онадир...
Шоҳим, сизни мен эмас.
Она кутқазди, она.

Шундагина подшоҳ навкарининг тадбиркорлигига қойил қолади ва бундан буёғига эзгулик йўлини тутати. Эътибор қилинса, дostonда эпик макон ва замоннинг ноаниқ тарзда ифодаланиши эртақдагига ўхшайди. Айни пайтда эртақка хос зачин – бошланма, изчил сюжет ва унинг эзгулик билан якун топиши сингари жиҳатлар асарнинг эртақ-дoston жанрига мансублигини тасдиқлайди.

Умуман айтганда, юқорида таҳлил этилган поэмаларда эртақона тасвир услуби, мотивлари, образларидан фойдаланиш кўпроқ кузатилади.

Давр поэмачилигига хос жиҳатлардан яна бири уларда эртақнинг композицион вазифа бажариши билан боғлиқ. Жумладан, Т.Низомнинг “Чўлпон”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи” поэмаларида эртақ қолиплаш вазифасини адо этган.

Тўлан Низомнинг тарихий мавзудаги “Чўлпон” дostonида ҳам эртақка мурожаат қилинган. Поэманинг “Кампир эртақларидан” деб номланган қисми Чўлпон болалигидан сўзлайди. Ёшлигида бувиси узун кечаларда жуда кўп эртақлар айтиб берганлиги унинг таржимаи ҳолидан ҳам маълум. Бу ҳақда адабиётшунос Н.Каримов ёзади: “Чўлпон.... 1920 йилда “Ёркиной” номли эртақ-пьесасини ёзган эди. Бу пьесанинг Москва нашрида «унинг ажойиб ва тотли тили билан эртақ айтиб берган кампир онага» бағишланганлиги айтилган”¹. Асарга Чўлпоннинг бувиси сўзлаб берган Ёркиной ҳақидаги эртақ сюжети киритилган. Унда эртақка хос бошланма – зачин, ифода, сюжет мавжуд. Шу жиҳатлар шеърга солинган. Унда Ёркиной ва оддий йигит Пўлатнинг севгиси ҳақида ҳикоя қилинади. Ёркинойнинг отаси Ўлмас ботир номи билан машҳур саркарда

¹Чўлпоннинг бадий олами. Тошкент: Фан, 1994. 16-б.

бўлиб, доимо “халқни азоблар экан”. Пўлат эса унинг қўлида малай – хизматкор сифатида ишлар экан. Қўнлардан бирида Ўлмас Ёркиной билан Пўлатни боғда бирга кўриб қолади ва Пўлатни сўкишга тушади. Шу аснода Пўлат қалбадаги нафрат юзага чиқади. Бир замонлар Пўлатнинг отаси ёлғиз қизини Ўлмаснинг қари укасига бермагани учун бу оилани кириб ташлаган. Эртақ мана шу жойга келганда яқун топади. Бувиси ёш Абдулхамидга буёғини ўзинг тўқиб оларсан, дейди. Ҳақиқатан, шоир болалигида бувисидан эшитган эртақ асосида кейинчалик “Ёркиной” номли драма ёзган. Бу асар илмий адабиётларда фольклор материали асосида яратилган дейилишининг тагида мана шу ҳақиқат яширинган. Хўш, Тўлан Низом дostonга нима учун бу сюжетни олиб кирди? Сабаби, биринчидан, Чўлпоннинг болалик йилларини тасвирлаш учун; иккинчидан, шоирнинг болалик хотираларида муҳрланган эртақлар вақти келиб бутун бир асарга айланганлигини билдириш учун.

Умуман, эртақ сюжети асарнинг бадиий таъсирчанлигини оширган. Айни пайтда шоир болалиги лавҳаларини ҳаққоний ва ҳаётий лавҳаларда тасвирлаш имконини берган.

Азим Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча до-стони” асари бадиий структурасидан Болибек сўзамолчи томонидан ай-тилган Ширин қул ҳақидаги эртақ ҳам ўрин олган. Поэма матнига бу эр-такни киритишдан мақсад, халқ орасида машхур “Мазгил обод, Ширин озод. Эккан-тикканнинг ота-бобосига раҳмат” дуосининг келиб чиқиш тарихини очиб беришдан иборат. Шу асосда бахши ўзининг шахс эрки масаласига муносабатини билдиради, аждодларимизнинг асрлар оша унга интилиб келганлигига урғу беради.

Эртақнинг бош қаҳрамони қул Шириндир. У озод бўлиш учун под-шога дехқончилик қилмоқчи эканини айтади. Подшо уни “қуш учса қаноти куядиган Нурнинг саҳро тарафига” жўнатишни буюради. Вақт ўтиб, подшо Шириндан хабар олишга борса, қул тарвуз-қовунларни ду-малатиб, “ёнбошлаб ётган” бўлади. Подшо хайрон, қовун-тарвузлардан татиб кўради. Шундан сўнг ҳалиги дуони ўқийди ва Ширинни бутун-лай озод қилади. Аслида шоир бу ўринда Шириннинг тадбиркорлиги ва ақллилигига алоҳида эътибор қаратади. Ширин қовун-тарвузнинг уруғини янтоқнинг илдизига жойлаган эди. Чунки чўлда сув бўлмайди. Янтоқнинг томири эса ерга чуқур кириб боради ва сувга етади. Асарга мазкур эртақ сюжетини олиб кириш орқали шоир эркинликка эришиш машаққатли меҳнат меваси эканлигини ибрат қилиб кўрсатади.

Кўринадики, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги жанрий тақомлида эртак-дostonлар алоҳида ўрин эгаллайди. Юқориди таҳлил ва талқин этилган дostonлар асосида куйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, бу давр эртак-поэмачилигининг ўзига хос асосий хусусияти шуки, улар учун қайсидир эртак сюжети асос қилиб олинмайди. Балки эртакка хос эпик баён усули ва анъанавий мотивларидан фойдаланилади, образларига хос хусусиятлар кўчирилади. Бинобарин, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртак” асарида Ҳ.Олимжоннинг эртак-дostonчиликдаги ҳаётбахш анъаналари уфуриб туради. Асарни ўқиш давомида шоирнинг “Семурғ ёки Паризод ва Бунёд” дostonидан таъсирлангани сезилиб туради. Бу эса бир-бирига мутаносиб образларни (Чўпон йигит билан Бунёд, Паризод билан Малика, подшоҳ билан “Семурғ”даги Паризоднинг отаси), бир-бирига яқин эпик макон ва воқеликни (“Мардлик ва вафо ҳақида эртак”да Чўпон йигитнинг Маликани бўрон ва қора қуш ҳужумидан асраб қолиши, “Семурғ”да эса Бунёднинг Паризод шартларини бажариш учун девни ўлдириши), мавзудаги ўхшашликни (ижтимоий-маиший ва муҳаббат) вужудга келтирган. Ёхуд Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси” поэмасида Миртемирнинг “Сув қизи” эртак-поэмасидан ижодий таъсирланиш ҳолати сезилади. Эркин Воҳидов эртак-дostonчилик анъанасини давом эттирган ҳолда унга янгича мазмун ҳам олиб кирди. Яъни шоир лиро-эпик поэманинг лирик хусусиятини кучайтириш мақсадида воқеликка муносабатини лирик кириш, лирик чекинишлардан фойдаланиб очиб беради. Шунингдек, у лиро-эпик образлар силсиласини кенгайтирди, эртак қаҳрамонларини эслатувчи образларни ўз дostonига олиб кирди. Шу йўл билан эртакларда анъанавий бўлган муҳаббат мавзуини янгилашга интилди.

Иккинчидан, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча” сингари дostonларида эртак образлари, сюжети, мотивларидан фойдаланиш билан бирга унга хос ифода усули – мажозийликка алоҳида эътибор қаратилган. Шоирнинг эртак-дostonчиликдаги маҳорати шундаки, у ҳайвонлар ва қушлар образлари воситасида замонавий воқеликни рамзий усулда акс эттирган. Айни пайтда бу асарлар ахлоқий мазмун ташиydi. Чунки китобхон эртак ижобий образларидан ибрат олиб, салбий образларга нафрат кўзи билан қараганидай, шоир яратган тимсолларга ҳам худди шу жиҳатдан ёндашади. Бу эса табиийликни вужудга келтиради.

Учинчидан, Т.Сулаймоннинг “Алпомиш” халқ дostonи мотивлари билан тўйинтирилган “Харсанг” эртак-дostonи ҳам ижтимоий-ахлоқий мазмунга эга. Оилавий муносабатлар талқини, ака ва ука ўртасидаги ришталарнинг мустақамлик даражаси, оилада аёл ва эркакнинг ўрни

масалалари қўйилиши жиҳатидан асардаги воқелик гарчи ўтмишга дахлдор бўлса-да, замонавий моҳият ҳам касб этади.

Тўртинчидан, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” эртақ-достони рамзий ва ҳаётий мазмунга эга. Ундаги ёш навкар йигит, малика, подшо каби образларга шоир алоҳида мазмун юклайди. Хусусан, ёш навкар йигитнинг тадбиркорлиги, Малика эғнидаги қора кўйлакка қараб унинг қалбидаги улкан мунг, қайғуни англаши ва унинг меҳри туфайли бутун бошли кўшинни ўлимдан асраб қолишида ўзига хос жасорат ва ҳаётийлик муржабсам. Маликанинг халқ қаҳрамони Тўмарисга ҳар жиҳатдан яқинлиги асарнинг миллийлиги, халқчиллигини таъминлашга хизмат қилган. Золимлик билан ном чиқарган подшонинг ёш навкар йигит туфайли эзгулик йўлини тутиши дostonнинг ахлоқий мазмунини кучайтиради.

Бешинчидан, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ”, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, М.Раҳмоннинг “Қора кўйлак” поэмаларида халқ оғзаки ижодидаги эртақ ва ёзма адабиётдаги поэма жанри хусусиятлари уйғунлашиб, бир-бирига сингишиб кетганлиги кузатилади. Айни пайтда унинг эртақлардан фарқи шундаки, поэма бу яқка ижод маҳсули. Шу сабабли уларда шоирнинг ҳис-туйғу, кечинмалари, воқеликка лирик муносабати таъсирчан ифода этилган.

Олтинчидан, Т.Низомнинг “Чўлпон”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони” асарларига эртақлар сюжети олиб кирилиши натижасида уларнинг композицияси янада мукамаллашган. Бу мумтоз ва замонавий адабиётимизда анъанавийлашган қолипаш усули бўлиб, ижодкорларимиз у орқали поэманинг ғоявий-бадий мазмунини реалистик тарзда акс эттиришга, лирик қаҳрамонга хос жиҳатларни ёрқин очиб беришга эришдилар.

Кўринадики, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилигида фольклор асарларидан, ундаги сюжет, образ, мотивлардан фойдаланиш етакчи хусусиятлардан бири сифатида кўзга ташланади. Бунинг натижасида поэмачиликнинг эпик тасвир имкониятлари кенгайиб, уларда миллийлик ва халқчилликни ёрқин ифодалашга эришилди.

4-фасл. Поэмалар таркибида қўлланган қўшиқ ва мақолларнинг бадий вазифалари

XX аср шеърини саҳифаларига назар ташласак, деярли барча даврларда фольклор асарларига мурожаат қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Бу турли усулда: биринчидан, халқ кўшиқлари, аллалари, ёр-ёрлари, қарғиш ва олқишлари матнини шеърятга тўлиғича олиб кириш; иккинчидан халқ лирикаси намуналаридан парчалар келтириш орқали амалга оширилган. Шу орқали аналитик фольклоризмларни вужудга келган. Айниқса, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида бу жараён анча сезиларли кечди.

Шоирлар поэмалар таркибига халқ кўшиқларини олиб кириш ва халқ кўшиқлари оҳангида сатрлар битиш орқали мазмунни рамзий ифодалашга, лиризмни кучайтиришга, поэманинг оҳангдорлигини ва халқона ритмини оширишга интилдилар. Адабиётшунос А.Карпов рус поэмаларига хос худди шу жиҳатни ўрганар экан, халқ поэзияси намуналарининг поэмалар бадий структурасида қўлланилиши турли вазифаларни: (образлиликни кучайтиришда, композицион, услубий восита) бажаришини алоҳида таъкидлайди¹. Мазкур фикрни ўзбек поэмаларига ҳам татбиқ этиш мумкин. С.Зуннуованинг “Алла”, Мирмуҳсиннинг “Широқ”, Ҳ.Шариповнинг “Тановар”, Т.Сулаймоннинг «Қора соч», «Қораялоқ», О.Ҳожиеванинг “Болалик”, “Нажот”, Т.Низомнинг “Гиря”, Қ.Раҳимбоеванинг «Тавба», Р.Файзнинг “Сўз” каби дostonларида халқ кўшиқлари намуналаридан фойдаланиш асосида асарнинг лирик руҳини кучайтиришга, композициясини бойитишга эришилган. Бинобарин, С.Зуннуова “Алла” дostonида она руҳияти манзараларини ёрқин чизиб бера олган ва оналар қалбида кечадиган ўй-кечинмаларни бетакрор ҳассослик билан ифода этган. Айтиш керакки, поэма композициясини халқ аллалари безаб турибди. Шоира аналитик фольклоризмлардан унумли ва ўринли фойдаланиб, алла матнини асар таркибига маҳорат билан олиб кира олган. Маълумки, алла болага ором бағишлашдан ташқари онанинг ўз қалбидаги пинҳон дардларини изҳор этиши учун имконият беради. Бола унинг оҳангидан таъсирланиб уйқуга кетса, она у орқали ўз кечинмаларини баён этиб, кўнглини бўшатади. Алла мазмунида эса аёл туйғулари яширин бўлади.

Шоиранинг лирик қаҳрамони ёниб алла куйлар экан, илк шеърининг тўғилиши, “одамликка илк қадам” кўйиши, “кенгликларга маҳлиё” бўлишига шу абадий кўшиқ сабаб бўлганини ёзади. Зеро, шоиранинг фалсафий теран фикрлари бағрида она алласининг буюк қудрати намоён:

Чаманларнинг бўйи келар шамол билан, алла-ё
Менинг болам эгизакдир иқбол билан, алла-ё...

¹Карпов А. Русская советская поэма. Москва: Художественная литература, 1989. С.115.

Чуғур-чуғур турна ўтди тўдасида, алла-ё
Кўй-кўзилар қайтиб келар подасида, алла-ё
Неварамнинг аяжони кийинади, алла-ё
Шу замоннинг энг охирги модасида, алла-ё¹.

Буви томонидан неварога айтилган бу алла замонавий руҳда битилган. Буви неварасига иқбол тилар экан, турмуш воқелигини ҳам назаридан қочирмайди. Бинобарин, у “чуғур-чуғур турна ўтган”, “кўй-кўзилар подасига қайтган” бир паллада – кеч туша бошлаган пайтда неварасига алла куйлайди. Энди бу алла кўнгил дардларини эмас, қувончларини сўзлайди. Зеро, буви алласида ҳаётдан мамнунлик руҳи балқиб туради. Аввало, шоира яратган қаҳрамон ўз кечинма ва ёш динамикасига эга. Чунки дастлаб она боласига алла айтса, энди у буви бўлди ва неварога алла айтиш бахтига муяссар бўлди. Кўринадики, асл фольклоризмлар ижодкорга ғоявий ниятини бадий шаклда ёрқин ифодалаш имконини берган.

Мирмуҳсиннинг “Широқ” тарихий достонида “Девону луғотит турк” асаридаги қадимий халқ кўшиғи келтирилган. Шаклар қабиласининг тинч ва осуда ҳаёти воқеалари тасвир этилган қисми мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади:

“Йиғи... Кимдир бола йўргаклар,
Кимдир секин айтар ашула:
“Кўнглум ангар қайна-ю,
Ичтин ангар ўйна-ю,
Келди менга бўйна-ю,
Ўйнаб мени арғарур...”
“Кўклар камуғ тузилди.
Ивриқ идиш тизилди,
Сансиз ўзум узалди,
Калгил амул ўйналим...”².

Муҳаббат туйғулари билан йўғрилган юкоридаги сатрлар орқали шоир тасвирланаётган воқеликнинг қадимийлигини ифодалаш мақсадини кўзлаган. Шу асосда шоир дostonда тасвирланаётган эпик замонни реал ифода этишга эришган. Натижада асарнинг тарихийлик хусусияти ёрқинроқ намоён бўлган.

¹Зуннунова С. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 338-б.

²Мирмуҳсин. Танланган асарлар. Уч томлик. Биринчи том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973, 337-б.

О.Ҳожиёвнинг “Нажот”, “Болалик”, “Она ер соғинчи”, “Нозик” сингари поэмалари бадиий структурасини халқ кўшиқлари бойитган. Улар поэмалар саҳифаларида турли бадиий вазифаларни бажариб келади. Бинобарин, “Нажот” достони матнида келинсаломларга мурожаат этиш йўли билан поэмадаги воқеалар тасвирининг реаллиги, халқчил руҳи оширилган. Аини пайтда келинсалом дoston сюжетида миллий колоритни ифодалашга ҳам хизмат қилган.

Шоиранинг “Болалик” поэмаси бадиий структурасида халқ кўшиқлари муҳим ўрин тутди. Аини пайтда асарнинг бошланиши моҳиятан Ҳ.Олимжоннинг “Ойгул билан Бахтиёр” эртақ-поэмасига ўхшайди. Чунки шоир асари:

Болалик кунларимда
Уйкусиз тунларимда...¹.

– тарзида ибтидо топади. “Болалик” поэмаси ҳам худди шу мазмунда бошланади:

Болалик дафтаримни
Варақласам ногаҳон
Шодлик ва дардларимнинг
Куюнида қолар жон...²

Ички мазмунига келсак, унда ҳам ўзига хос уйғунлик бор. Фақат Ҳ.Олимжон узоқ ўтмиш воқелигини, О.Ҳожиёва эса яқин тарихимиз саҳифаларини бадиий тасвирлайди.

Поэма таркибидан жой олган халқ кўшиқлари: болалар кўшиқлари, марсия, ёр-ёрлар, хирмон кўшиғи кабилар поэтик мазмунни ёрқин ифодалашга хизмат қилган. Бинобарин, дostonнинг “Сангиной қиссаси” деб номланган қисмида “Оқ теракми, кўк терак”, деб бошланувчи болалар кўшиғи воситасида асар қаҳрамони – шоиранинг ёшликдаги дўсти, бевақт ҳаётдан кўз юмган Сангиной хотирланади. Ёхуд худди шу қисмда марсия матнидан парча келтирилади:

Тол хивичдан отлар қилай
Тол баргидан хатлар қилай!
Сайлу тамошо кунлари
Йиглаб сани ёдлар қилай!... (129-бет).

Бу ғамли сатрлар етти дўстнинг бири, кийик кўзли, тортинчоқ, ҳаётдан жуда эрта кетган Сангинойга бағишланган. Маълумки, халқ

¹Олимжон Ҳ. Асарлар мажмуаси. Беш томлик. Иккинчи том. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1971, 119-б.

²Ҳожиёва О. Тамал тоши. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 йил. 125-б.

тасаввурларига кўра ўликлар дунёси сирли олам деб қаралган. Сирли оламга тилсим нарсалар билан борилади ёки хабарлашилади деган қараш шу асосда келиб чиққан¹. Шунинг учун лирик қаҳрамон тол хивичдан қилинган от билан бориб учрашмоқчи. Қолаверса, тобут қора тол тана-сидан ясалади ва у “ёғоч от” дейилади. Халқ қарашларини чуқур билган шоира шу орқали ўзига хос лирик манзара яратади. Яъни у уруш йил-ларида оталарини кутиб, интизор бўлган, машъум “қора хат” туфайли ҳаётдан кўз юмган фарзандлар Сангиной образида умумлаштиради.

Асарнинг “Хирмон кўшиғи” қисмида дехқончилик кўшиғидан мис-ралар сингдирилади:

“Тўқ бошок, бугдой бошок,
Ҳар дони ғирч мой бошок,
Битта-битталаб терай.
Омбор тўлгудай бошок” (137-бет).

Кишиларнинг ҳаётий орзулари акс этган бу меҳнат кўшиғи восита-сида шоира урушдан кейинги йиллар воқелигига назар солади. Шунинг-дек, ушбу қисмда халқ лирик кўшиқларига ҳам мурожаат қилинган:

“Севар ёрдан айрилганлар,
Тирик туриб ўлар-о
Она элдан айрилганлар.
Ранги сомон бўлар-о” (138-бет).

Шоиранинг онаси тилидан айтилган бу кўшиқ Ватанга муҳаббат руҳи билан суғорилган.

“Тўй машъали” қисмида эса халқ кўшиғи ёр-ёрдан нарча кири-тилган:

“Қора-қора кўзилар
Кўй бўлибдир, ёр-ёр
Қора қошли қизчалар
Тўй бўлибдир, ёр-ёр” (138-бет).

Ўзбек тўйлари ёр-ёрсиз ўтмайди. Шоира шу анъанани таъкидлаш, халқимизнинг яхши кунларини тасвирлаш ва асарнинг миллий колори-тини очиб бериш мақсадида ёр-ёрлар матнидан фойдаланган.

“Нозик” достонидан халқ аллалари ўрин олган. Асар қаҳрамони Нозик қалбида кечаёган кечинмаларни, унинг изтиробга тўла ҳолатини тасвирлаш учун шоира худди шундай йўл тутган. Нозик тақинчоқ олиб

¹Ураева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Тошкент: «Фан». 2004, 113-114 б.

келаман деб сафарга кетган ёри Расулжонни етти ой кутади. Ундан дарак бўлмагач, фолбинга боради. Фолбин унинг қўйинини пуч ёнғоққа тўлдиради. Унга ишонган Нозикнинг фироғи бироз хира тортгандай бўлади ва хаёлида етти ўғлонига алла айтади:

“Чимилдикда бўйнингга мос
Бир сарвар қиз сузилсин-о, алла-ё.
Сени кўрса гуллар қийғос
Банд-бандидан узилсин-о, алла-ё!
Бўйнимдаги шода маржон
Ерга кетди сочилиб-о, алла-ё.
Ўғлим тулпор минган замон –
Йўллар кетсин очилиб-о, алла-ё!”¹.

Эътибор берилса, аллада келинчакнинг орзу-армонлари мужассам.

Шоиранинг “Она-Ер соғинчи” достонида ҳам алла матнидан фойдаланилган. Космосга парвоз қилган Акбар ўша ерда туш кўради. Тушида кичкина Акбаржонга онаси алла айтармиш:

“Дупур-дупур от келади, алла-ё!
Чиқиб қаранг, ким келади, алла-ё!
Тулпори кишнаб келади, келади,
Қамчини ташлаб келади, келади,
Акбаржон ўғлим келади, алла-ё!” (63-бет).

Болалик йилларини эсга солган бу қўшиқ оҳангида уйгонган Акбаржоннинг юраги орзиқиб кетади. “Осмонни нурдай титиб”, “булутларнинг ортида” етиб келган алланинг қудрати лирик қаҳрамон қалбини забт этиб, унда ерга – ватанига бўлган муҳаббатини янада ёлқинлантиради. Демак, шоира алла матнини асарига олиб кирар экан, ёш фазогирнинг рухий ҳолатини, унинг онасига, ватанига бўлган чексиз меҳрини таъсирчан ифодалашга эришган. Чунки Акбаржоннинг тушида қулоғи остида жаранглаган ўша муқаддас қўшиқ оҳанги уникалажаги ҳақида ўйлашга чорлади.

Умуман олганда, халқ қўшиқларидан дoston саҳифаларида фойдаланиш орқали фольклоризмларни вужудга келтиришдан ташқари мумтоз ва замонавий адабиётимизда фаол қўлланадиган иқтибос санъати яратилган. Шу асосда асарнинг миллий руҳи янада кучайган, шоира яратган лирик қаҳрамонларнинг руҳияти, ички дунёси, замондошларимизнинг қиёфаси очиб берилган.

¹Ҳожиева О. Достонлар. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. 31-б.

Хусниддин Шариповнинг “Тановар” достони саҳифаларига халқ кўшиқлари ўзига хос оҳангдорлик бағишлаган. Шоир лирик қаҳрамони Шамсixonнинг руҳиятини очиб бериш мақсадида халқ кўшиқларига мурожаат қилган. Моҳиятан “Сурат”, “Рух билан суҳбат” дostonлари услубига яқин бу асарда Шамсixonнинг қалб кечинмалари, уруш йилларидаги фидойийлиги акс этган. Дostonдаги бир эпизод бу жиҳатдан эътиборли: тўйда даврадагилар Шамсixonни ўртага чорлайдилар. Шунда Шамсixon “ёшлик рақсларини эслаб”, “сўнгги йиллар юкени отиб” кўшиқ куйлайди. Бу барча қалбларга яқин халқ кўшиғи эди:

– Қора сочим ўсиб қошимга тушди,
Не савдолар менинг бошимга тушди.
Сенинг ишқинг менга қайдан ёпишди,
Танамдан ўт чиқиб, бағрим туташди...¹.

Халқ кўшиғидан олинган бу лирик парча² орқали шоир Шамсixonнинг ёшлик йилларини эслаб ўртанган руҳий вазиятини, ҳолатини реал акс эттиришга уринган. Айни пайтда келтирилган халқ кўшиғи матни поэма сюжетидаги воқеаларни ўзаро боғлашга хизмат этган. Чунки шу кўшиқдан сўнг Шамсixon ва Мухторнинг “бамаъни севги дoston”ини куйлашга ўтади.

Уруш машаққатларини бошидан кечирган, ўша қаттол йилларда тўққиз фарзандини улғайтирган Шамсixonнинг дардлари кўшиқ оҳангларида бир қадар унутилгандай бўлади:

– Қишлоғинг сойига тушди узугим,
Қачон келар экан кўзи сузугим?!
Келса кела қолсин кўзи сузугим,
Унинг садогаси тилло узугим³.

Халқ кўшиқларидан олинган парчалар фидойи ва садоқатли аёл, меҳрибон она Шамсixonнинг лирик образини яратишга кўмак беради, унинг шижоатини, оғир йиллардаги матонатини, қолаверса, кўнглининг қат-қатида яширинган дардларни, қалб кечинмаларини ўзида ифода этади.

И.Тўлаковнинг Бобурга бағишланган “Сўнгги кеча” драматик дostonи таркибида ҳам халқ кўшиқларига мурожаат қилинган. Асарда дар-

¹Шарипов Х. Асиригман. Тошкент: “Шарқ”, 2003. 212-б.

²Шода-шода марварид. Ўзбек халқ кўшиқлари. (Тўплаб нашрга тайёрловчи Э.Очилов). Тошкент: “Шарқ”, 2006. 176-б.

³Ўша китоб. 286-б.

виш образи муҳим ўрин тутади. Зеро, унинг дарвиш бўлиши бежиз эмас. Чунки ўз ватани – Андижондан айрилиб, ўзга юртларда макон тутган дарвиш она ватан соғинчи туфайли шу ҳолга тушади. Достонда дарвиш тилидан қуйидаги халқ қўшиғи қуйланган:

Андижонда ўт ёксам,
Ўшда тутун, ёр-ёр,
Бу дунёда бормикин
Бағри бутун, ёр-ёр.
Бу дунёда бор бўлса,
Бағри бутун, ёр-ёр,
Қоғоздан қозон ясай,
Гулдан ўтин, ёр-ёр...¹.

Бу мисралар тазмин характерида бўлиб, шоир халқ қўшиғи “Сунбула”² ва ёр-ёр оҳангини сақлашга интилган. Мазкур парчани олиб кириш орқали у Бобурга ишора қилади. Зеро, қўшиқда Андижоннинг тилга олинishi бежиз эмас. Чунки Андижон – Бобурнинг она юрти. Шу боис у ҳақда қуйланган қўшиқ Бобур туйғуларини жунбушга солади. Шоир асарнинг лирик руҳини кучайтириш учун ва Ватандан айрилиқ ўтида қуйган дарвиш руҳий ҳолатини таъсирчан ифодалаш учун халқ қўшиқларидан сатрлар келтиради

Ш.Қурбоннинг “Темур Малик ўтган йўлларда” номли тарихий достонида ҳам халқ қўшиғига мурожаат этилган:

“Дупур-дупур от келади, ёронлар,
Бамисоли ёт келади, ёронлар.
Арғумоқлар гижингламас, кишнамас
Арғумоқлар эгасини хушламас...”³.

Парчадаги иккинчи мисра халқ қўшиғи – аллада бошқача: “Чиқиб қаранг, ким келди, алла-ё алла” тарзида ифода этилиши кузатилди. Шоир ижодийликка интилган ҳолда мазкур мисрани ўзгартириб, достон мазмунига мослаган. Яъни у орқали маглубият билан қайтган Жаҳон Султон руҳидаги тушқунлик ҳолати очиб берилган. Айни пайтда “ёронлар” сўзи ундалма вазифасини бажарган ва шоир изланишларининг маҳсулидир.

Фахриёрнинг “Ёзиқ” достони хотимасида халқ қўшиқларида учрайдиган мисралар келтирилган:

¹Тулаков И. Яшил Сабо. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. 136-б.

²Шода-шода марварид, 15-б.

³Қурбон Ш. Сизни худо етказди. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. 150-б.

“Вақтнинг боши – ёргучок
вақтнинг боши тегирмон.
Ўтин тердим бир кучоқ,
ҳаво, ёпиб бергин нон”.

Бунда сўнги икки мисра болалар кўшиғидан олинган. Ёки:

Нон қил десам, куюк қилар,
ош қил десам, суюк қилар,
куйдим хотиннинг дастидан!..

Охирги сатр халқ лирик кўшиқларидан олинган бўлиб, ҳар иккала парчада ҳам иқтибос санъатини юзага келтирган.

Умуман олганда, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилида халқ лирик кўшиқларига мурожаат этиш, уларни асар структурасига олиб кириш натижасида лирик қаҳрамонларнинг характери ва руҳияти чуқур очиб берилади ҳамда лиризм ёрқин рангларда ифодаланади.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги саҳифаларини назардан ўтказсак, улар таркибига нафақат халқ кўшиқларидан намуналар киритилганлигига, балки халқ кўшиқлари оҳангида мисралар битилганига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Т.Низом, Қ.Раҳимбоева, У.Кўчқор, Фаҳриёр, Р.Файз сингари шоирлар поэмаларида бу ҳолат ёрқин кузатилади. Бу жиҳатдан Тўлан Низомнинг “Гиря” достони эътиборли. Унда халқ йиғи ва йўқловлари, аллалари оҳангида битилган сатрлар мавжуд. Улар лирик қаҳрамон руҳиятида кечадиган турли изтиробли ҳолатларни таъсирчан ифодалашга кўмак берган. “Бир кўнгилнинг ғамгин кечинмалари” (И.Отамурод) тасвирланган бу дoston шоирнинг бевақт оламдан кўз юмган турмуш ўртоғи Ҳикматхонга бағишланган. Дostonда шоир услубига хос муҳим оҳорли жиҳат – халқ кўшиқлари оҳангини асарга олиб киришида намоён бўлади. Огир жудодикдан қалби ўртанган лирик қаҳрамон ўша изтиробли лаҳзаларни шу услда ифодалаш орқали бир қадар таскин топади. Хусусан, шоирнинг қизи тилидан айтилган марсия кўшиқ мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Бу билан шоир қизнинг онага ниҳоятда яқинлигини ифодаласа, иккинчи томондан қалби тубидаги қайғули кечинмаларни беришга эришган:

Онасилик ёмондир-о
Фарзанд ранги сомондир-о
Ақли қочиб хайрондир-о,
Вой онам-а, жоним онам,
Жоним онам, вой-онам-а!..¹

¹Низом Т. Гиря. Дoston // Шарқ юлдузи, 1993 йил, 9-сон. 96-б.

Халқ йиғи-йўқловлари оҳанги, вазнида ёзилган мазкур мисралар қизнинг ўша дамдаги ғамли ҳолатини акс эттиради.

Ёхуд дostonдаги яна бир лавҳа эътиборни тортади. Шоир аза кунларида мархум онасини туш кўради. Тушида онаси унга алла айтади:

Тиниқ кўлга тушди ғоз,
Ўзига берур пардоз,
Чиқармагил сен овоз
Боқмагил унга қиё
Алла, болам, алла-ё,
Болагинам алла.

Бунда “тиниқ кўлга тушди ғоз” дейиш орқали мархуманинг жаннатга тушганлигига ишора қилинади. Диний тасаввурларга кўра, инсоннинг руҳи бирор-бир қанотли нарса (капалак, қуш)га кўчади. Фольклоршунос Д.Ўраеванинг ёзишича, фольклорда “қуш образи кўп вазифалилик касб этади. Уларда қуш образининг бадий-эстетик вазифалари “қуш-ўлим”, “қуш-рух”, “рух-қуш”, “қуш-даракчи”, “қуш-мархум” тимсолида учрайди”¹. Бунда ғоз образи фольклордаги каби мархума она образини ифода этган. Ёхуд она ўғлининг тиниқ кўл – у дунёга қарамаслигини сўрайди. Бу билан мархума ўғлининг ҳали яшашини истайди. Бундай образлар ва тасвирлар орқали дostonнинг эпик руҳи кучайтирилади. Лирик қахрамон тушида эшитган алла таъсирида етимликда ўтган болалик йиллари кечинмаларига берилади. Кўринадики, мазкур кўшиқ халқ аллалари оҳангида битилган.

Умунан олганда, дostonдан ўрин олган марсия ва алла оҳангида битилган мисралар шоирнинг ғамли онларини ифода этувчи руҳий воситага айланган.

А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи” матнида халқнинг олқишлари ва қарғишлари ҳам ўрин олган. Бу нарса аналитик фольклоризмни вужудга келтирган. Олтибой дўмбирачининг нутқида қарғиш руҳидаги мисралар мавжуд:

Овга чиқсанг илон чақсин,
Йиқилиб туш қоядан.
Душманингга кунинг туғсин,
Қўрқиб ўлгил соядан².

Бунда “илон чақсин”, “йиқилиб туш”, “душманингга кунинг туғсин” сингари бирикмалар қарғиш кўринишлари бўлиб, қози образига нисба-

¹Ўраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. Тошкент: Фан, 2004. 100-101-б.

²Суюн А. Суйганим-куйганим, 190-б.

тан қўлланилган. Ёхуд асар сўнгида Болибек сўзамол тилидан шундай олқиш айтилади:

Юртим, савлат тўкиб турган қорли тоғларинг чўкмасин,
Чашма-булоқларинг кўзлари битмасин,
Кўрк солган дарахтзорларинг қийралмасин,
Дашт, чўлларингда яшаган жонзотларинг
Бехавф-бехатар бўлсин,
Шарқираб оққан дарёларинг куримасин”¹.

Олқиш шоирнинг қалб тугёнларини, юртга бўлган чексиз муҳаббатини ўзида мужассам этади. Агар бахшилар нутқиға эътибор берилса, улар бирор-бир қўшиқни қуйлаш, бирорта эртак ёки ривоятни айтиш баробарида ҳаётдаги ижтимоий масалаларга ҳам муносабат билдиради; хусусан, 70-йилларда миллат қалбида яшириниб ётган дардларни тилга олади. Бу эрқа интилиш, ватанни озод кўриш туйғуси билан уйғунлашиб кетган. Айни пайтда унда инсон маънавиятига дахлдор туйғулар манзараси ўз ифодасини топган.

Равшан Файзнинг “Сўз” достони ўзига хос композицияси билан ажралиб туради. Асар таниқли шоир А.Ориповнинг болалик йиллари тасвирига бағишланган. Р.Файз унинг шеър дунёсига кириб келиши жараёнини табиий ва жонли акс эттириш мақсадида халқ қўшиқларини, аниқроғи, олқишлар ва кинна маросимида айтиладиган айтимларни асар матнига олиб кирган. Достоннинг бош қаҳрамони Бола. Унда ҳикоя қилинишича, Бола улғая борган сари унда турли ўзгаришлар пайдо бўла бошлайди: у бироз одамови, хаёлпараст бўлиб қолади. Сабаби, қишнинг узун кечаларида ака ва опалари бир-бирларига жин-ажиналар ҳақида турли кўрқинчли ҳикоялар айтиб берадилар. Бу ҳикояларни Бола ҳам ўтириб тингларди. Шундан бошлаб у кечалари алаҳсирайдиган одат чиқаради. Онаси эса боламга бир нарса бўлган дея, фолбин – қушночнинг олдиға боради. Шу ўринда кинна матнидан фойдаланилган. Бу ҳам Болага таъсир қилмайди. Равшан Файз мазкур эпизод орқали Болада шоирлик истеъдоди, шеърға меҳр уйғонганлигини, уни “даволаш”га кинналар ҳам таъсир этмаслигини асослашға уринади. Ёки она боласидаги ўзгаришларни тушунишға ҳаракат қилади ва унинг келажағи ёрқин бўлишини истади. Шу боис онанинг тилидан асарда олқиш оҳангидаги мисралар ўрин олган:

Шохлар аро шитирлаб *шабадалар* эсганди,
Бовримдаги болам-ов полапондай сесканди.

¹Суюн А. Суйганим-қуйганим, 197-б.

Оқ булутнинг ортига яширинган оймома,
Чик оламни ёритиб, боламга кўркув сома
Менинг болам улгайиб, юрт сўровчи бўлсин-эй,
Уйқусидан айирган *шабадалар* ўлсин-эй!

Бунда шабада ёвуз руҳларнинг умумлашма тимсоли сифатида намоён бўлади. Шабадалар эсганда боланинг “полапондай сесканиши” ёвуз руҳларга ишорадир. Шунинг учун она уларни кувади. Эътибор қилинса, шеъринг парчада халқ лирик қўшиқлари, айниқса, олқиш оҳанги ҳам ёрқин сезилиб туради. Демак, юқоридаги сатрлар шоирнинг кинна билан боғлиқ халқ урф-одатларини, анъаналарни яхши билганлигидан далолат беради. Айни пайтда кинна қўшиқлари асарнинг миллий руҳини ифодалашга, олқиш ва халқ қўшиқлари оҳангида битилган сатрлар лиризмни кучайтиришга хизмат қилган.

Қ.Раҳимбоевнинг “Тавба” поэмаси ижтимоий мазмунга эга. Мазкур драматик достонда “озодликка ёв бўлган Сталин тузуми”нинг² аянчли манзаралари тасвирланади. Моҳиятан С.Зуннуованинг “Рух билан суҳбат” достонини эсга солувчи бу асарда арбоб, шоир руҳи, она образлари муҳим ўрин тутаяди. Сабаби, асарнинг бош қаҳрамони шоир руҳи билан хаёлан суҳбат куради. Рухий мулоқот воситасида жамиятимизда юз берган фожиаларнинг илдизлари, хусусан, қатағоннинг миллатимиз бошига солган чексиз азоб-уқубатлари қаламга олинади. Арбоб босиб ўтган ҳаёт йўлини сарҳисоб қилар экан, унда савобли ишлар билан бирга қанча хатоларни кўради. Кўп йиллар раҳбар бўлиб ишлаган бу аёл – арбобга ҳамиша бир нарса – “дўст кўмак тилаган” пайтда қайтармаганлиги таскин беради.

Арбоб қалбини кемираётган ички изтироб, кечинмалар, асосан, монологлар воситасида юзага чиқади.

Достондаги яна бир лавҳа эътиборли. Шоир руҳи арбобни безовта қилар экан, у ўтмиш кунларига қайтади. Бунда хотира усули етакчилик қилади. Шоир қамоққа олинган ўша машъум кунларда унинг онаси арбоб хузурига кириб келади ва кўмак сўрайди. Шунингдек, ўғлининг ўтинчи туфайли ва арбобни жигарбандига дўст деб билганидан ёш шоирнинг шеър дафтарини бериб кетади. Асардаги шу лавҳалар М.Юсуфнинг “Қора куёш” достонидаги баъзи эпизодларни эсга солади. Бинобарин, М.Юсуф ҳам шу йиллар манзараларини қаламга олар экан, асарда

¹Равшан Файз. Сўз. Достон // Шарқ юлдузи, 1990, 8-сон. 62-б.

²Раҳимбоева Қ. Тавба // Шарқ юлдузи, 1991 йил, 3-4-сонлар. 15-б.

А.Қодирий, У.Носир каби қағағон қурбонларининг лирик тимсолларини яратади. Достоннинг “37-йил йиғиси” қисмида Усмон Носирнинг онаси сиймоси кириб келади. Она монологидан иборат бу лавҳада унинг орзу-армонлари акс этган:

Майли изинг қолсайди, ўғлим,
Ўғил-қизинг бўлсайди, ўғлим,
Кўриб кўнглим тўлсайди, ўғлим,
Энди менинг ҳолим не кечар¹.

Мазкур сатрлар йўқловга ўхшатиб ёзилган. “Тавба”даги лавҳа: ўғлининг бегуноҳлигини билиб, кўмак истаб келган онанинг дардлари М.Юсуф қаҳрамони ҳолатига жуда яқин:

Нетай, мум тишлаган вақт кечади жим,
“Қилт” этмас боламни босиб олган тоғ
Майли, қамоғига амаллаб кўндим,
Қайтиб келмаса-чи, чидарман қандоқ².

Она қалбида ўғли қамоқда бўлса, бир кун қайтиб келади, деган илинж яшайди. Шоир она қалбида кечаётган армонли кечинмаларни қарғиш ва олқиш оҳангидаги сатрлар воситасида юзага чиқаради:

Мен овозсиз ёнай, оловсиз ёнай,
Сўзларим кўринсин қурумсиз, дудсиз.
Лекин умид қилай, Сизга инонай,
Яшаб бўлмайди-ку, ахир умидсиз.
Бир кун ажал келса, қўлида жоди
“Онамлаб” бошимда ўз болам турсин,
Қулоғимга насиб этсин фарёди.
Юзимга кўзини ёши буюрсин (19-бет).

Яъни она агар бу ҳаётдан кўз юмсам, ўғлим “онамлаб” бошимда турсин дейди. Бу ҳар бир ота-онанинг истаги, албатта. Мазкур сатр этнографик фольклоризм бўлиб, у асар саҳифаларига табиий мазмун бағишлаган. Асарнинг бош қаҳрамони ўз хатоларини шоир руҳи билан бўлган руҳий мулоқотда англайди. Бу жиҳати билан асар 90-йилларда яратилган поэмарнинг алоҳида бир кўринишини вужудга келтирди.

У.Кўчқорнинг “Қувғин” достонида халқ олқишлари, қарғишлари оҳангида битилган сатрлар мавжуд. Бу лирик қаҳрамоннинг турли вазиятлардаги руҳий ҳолатини ифодалашга хизмат қилган. Сталин тузуми

¹Муҳаммад Юсуф. Улуғимсан Ватаним. Тошкент: Ижод дунёси, 2004. 157-б.

²Раҳимбоева Қ. Тавба // Шарқ юлдузи, 1991 йил, 3-4-сонлар. 16-б.

даврида жуда кўп фуқаролар ўз ватанидан қувгин қилинган. Шулардан бири Маҳди ва унинг оиласидир. Шу юрт фарзандларининг ўз ватанидан ҳайдалиши шоир лирик қаҳрамони қалбини жунбушга келтиради:

Халқ кетмоқда беюрт, беватан.

Ўз болангни кўргунча бундоқ

Кўзинг оқиб тушсин, эй Ватан¹.

Лирик қаҳрамоннинг лирик чиқиши – хулосаси сифатида янграган бу сатрларда қарғиш руҳи кучли. Шу йўл билан шоир ватандошлар ҳолатига чин дилдан ачиниш, шундай қувгинни ташкил этганларга чексиз нафрат туйғусини ифода этади.

Асарнинг бешинчи қисмидан ўрин олган қарғиш оҳангидаги мисралар лирик чекиниш вазифасини бажаради:

Ахир, дўзах азоб-аламин

Чекмоққами яралган инсон?!

Тупроғинг ўт олсин, эй дунё,

Сувларинг қонларга қотилсин (99-бет).

Ёхуд дostonнинг еттинчи қисмида ҳам шундай сатрларга дуч келамиз:

Тупроқларинг тош бўлсин, дунё,

Дунё олов боссин сувингни.

Эккан экинингни сел олсин,

Сўлиб битсин боғларинг, дунё.

Дарёларинг қовжираб қолсин,

Қулаб тушсин тоғларинг, дунё! (119-бет).

Ушбу ғамли сатрлар ҳам лирик қаҳрамон дунёсини ўзида ифода этади. Қиссадан ҳисса тарзида янговчи мисралар лирик чиқиш характерини касб этади. Чунки халқ вакиллари Маҳди, Фикрат сингариларнинг аянчли қисмати шоир туйғуларини алангалатиб юборади. Шу боис у реал воқеликни баён қила туриб, унга ўзининг лирик муносабатини билдириб кетади.

Асарда олқиш руҳида ёзилган сатрлар ҳам мавжуд. Жумладан, ўша машъум қувгинда Маҳдининг хотини Нурлана ҳалок бўлади ва эмизикли боласи чирқираб қолаверади. Шундай қийин вазиятда боласидан айрилган Нигора исмли аёл болани ўз бағрига олади. Бундан шодланган Маҳди аёлни алқайди:

“Раҳмат мендан қайтмаса агар,

Синглим, сизга худодан қайтсин” (100-бет).

¹Қўчқор У. Оғир қарвон. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991. 97-б.

Демак, бу олқишда Маҳдининг миннатдорчилик туйғулари акс этган.

Умуман, дostonлар бaдий структурасидан ўрин олган халқ йиғи ва йўқловлари, аллалари, марсиялари, олқиш ва қарғишлари оҳангидаги сатрлар лирик чекиниш, лирик чиқиш вазифаларини бажариб, асарнинг лиризмини, халқчиллигини кучайтиришга, унга эпик мазмун бағишлашга хизмат қилган.

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмаларига хос муҳим хусусиятлардан яна бири улар бaдий таркибида мақолларнинг қўлланишидир. Мақолнинг поэма таркибига олиб кирилиши оддий фольклоризм бўлиб, у олима М.Амилованинг ёзишича: "...қаҳрамон тилининг яна ҳам жозибадор бўлишида, индивидуал хусусият касб этишида катта роль ўйнайди"¹. XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек дostonчилиги саҳифаларига назар ташласак, деярли барча поэмаларда халқ мақоллари ишлатилганлигини кузатиш мумкин. Э.Воҳидов, А.Орипов, Т.Сулаймон, Т.Низом, О.Ҳожиёва, И.Тўлаков, О.Матжон, М.Али, А.Суюн, М.Юсуф, И.Отамурод, Ш.Қурбон, Э.Шукур, Қ.Раҳимбоева, Р.Файз каби шоирлар асарларида мақоллар турли бaдий вазифаларни бажаради. Булар қуйидагиларда намоён бўлади: 1. Халқ мақоллари қаҳрамон нутқини безайди. 2. Асарга фалсафийлик, рамзийлик бағишлайди. 3. Реалистик руҳни кучайтиришга, асар ҳаётлигини оширишга хизмат қилади. 4. Қаҳрамон характерини очиб берувчи восита сифатида қатнашади. 5. Қиссадан ҳисса чиқариш вазифасини бажаради.

Т.Сулаймоннинг "Қорасоч" дostonи бу жиҳатдан аҳамиятли. Унда қаҳрамонлар ўз фикрларини халқ мақоллари орқали асослайдилар. Бу эса асарга фалсафий мазмун бағишлайди. Райондан келган вакил нутқида ишлатилган "От ўрнини той босар" мақоли орқали фронт ортида қолган ўсмирларга ишора қилинади. Улар оталари ишларини давом эттиришлари кераклиги мақол орқали таъкидланган.

Асарда йигин эпизоди мавжуд. Унда ҳар бир киши ўз фикрини айтиши мумкин эди. Мажлис аҳли бир-бир сўзга чиқиб, кейинги режаларни ўртоқлашадилар. Улар нутқида "Ит этагидан тортади, ёв ёқадан", "Йиғлай-йиғлай ариқ қазган ўйнаб-қулиб сув ичар", "Тўғри юрган кийикнинг кўзидан бошқа айби йўқ", "Сабр туби – сариқ олтин", "Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп", "Оқ товук сомон сочар, ўз айбини ўзи очар", "Сулаймон ўлди, девлар қутулди" сингари мақоллар ишлатилиб, шу асосда қилинадиган ишлар белгилаб олинади. Мажлис аҳли Саидқаримни ҳисобчи, Қорасочни фермага мудир қилиб сайлайди.

¹Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аънаналари. Тошкент: Фан, 1990. 105-б.

Шоирнинг “Интизор” достонида ҳам халқ мақоллари қўлланилган бўлиб, улар асар ҳаётийлигини оширишга ёрдам берган. Хусусан, Холмамат бой нутқи мисолида буни кузатиш мумкин: “- Бу ланатининг ўзи бошда ўгил туғадиган сиёғи йўқ эди. *Тилаганга нени берар, учик билан пучик берар. От ўрнини той босар. Ота ўрнини ўгил.* Қиз эса киши бандаси”¹.

Мазкур парчада “*Тилаганга нени берар, учик билан пучик берар*”, “*От ўрнини той босар*” сингари халқ мақоли деярли ўзгаришсиз келтирилган. Натижада Холмамат бойнинг ота қиёфаси, қизига муносабати очиб берилган. Демак, бунда мақол қахрамон характериға хос жиҳатни очиб берувчи воситаға айланган. Ёхуд бойнинг хотини Ойбеканинг қизи Гулноз билан диалогда ҳам бир неча мақол ишлатилган:

“...— Кундан-кунга рангинг ситилиб боради. Худодан яширмаган синрингни бандадан яшириб не қилдинг? Ўйинг не, ўтинчинг не, қизим?

— Маҳсумнинг бошқа қайлиғи бор деб эшитаман. *Ҳар ким суйган ошини ичмайдим*, энажон?

— Нима қилай, жон қизим? *От тепкисини от кўтаради*. Бизнинг тепкимизни ким кўтаради?

— Чорасизнинг тепкисини чорасиз кўтаради”.

Этибор берилса, парчада “*Ҳар ким ўз суйган ошини ичади*” халқ мақоли риторик сўроқ гап шаклида (“Ҳар ким ўз суйган ошини ичмайдим?”) қўлланган ва Гулнознинг изтиробли ҳолатини акс эттиришга хизмат қилган. Айни пайтда мақол рамзий мазмунни ифодалаш воситасига айланган. Чунки бунда “суйган ош” суюқ ёр маъносини ифодалайди. Ёхуд она нутқида “*От тепкисини от кўтаради*” мақоли ўзгаришсиз ишлатилган. Бу она-боланинг эрксиз замонда чорасиз эканликларини ўзида акс эттиради. Кўринадики, мақол реалистик руҳни кучайтиришга хизмат қилган.

Мамаюсуфнинг Гулнозни олиб қочганлиги элга маълум бўлгач, халқ бу воқеани турлича талқин этади. Шу боис кишилар нутқида бир неча халқ мақоллари келтирилади: “...Ҳар ким оғзига келганини деёттир:

— *Итдан бўлган қурбонликка ярамас. Туси яхшидан тунгилма.* Ўзи туси совуқ йигит эди.

— *Етим қўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар. Етим бола асрасанг, оғиз-бурнинг қон этар.* Ялангоёқдан келган оқибат нима бўларди?

— *Қизил юзли йигитга қиз уруги битмасин.* Мақтовли қизимиздан чиққан хунар шу бўлса, бошқаларға товфиқ берсин.

¹Сулаймон Т. Ёвқочди. Тошкент: Ёзувчи, 1998. 49-б.

– *Кўзи сўқирдан кўрқма, кўкраги сўқирдан кўрқ*, деган шу бўлади.

– *Кул қутурса кудуққа ўтирар*. Қутурганнинг жазоси курук.

– Ёмон хотинга ўхшаб аюҳаннос солиб ўтиргунча, белимда белбоғим бор, деган от-отинга мин. *Ажали етган сичқон мушукка гамза қилар*. Вой гамза-памзангни...”

Юқоридаги диалог тарзидаги насрий парчада еттита халқ мақоли ҳеч қандай ўзгаришсиз қўлланилган. Бу мақоллар кўпроқ рамзий фикрни ифодалашга қаратилган. *“Итдан бўлган қурбонликка ярамас”*, *“Туси яхшидан тунгилма”*, *“Етим кўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар*. Етим бола асрасанг, оғиз-бурнинг қон этар”, *“Кул қутурса кудуққа ўтирар”*, *“Ажали етган сичқон мушукка гамза қилар”* сингари мақоллар Мамаюсуфга нисбатан қўлланган. Бунда Мамаюсуф ит, туси яхши, етим бола, кул, ажали етган сичқон қиёфаларида гавдаланган. *“Қизил юзли йигитга қиз уруги битмасин”* мақоли эса Гулноз учун айтилган.

Қаҳрамонлар нутқидан ташқари воқелик ифодасида ҳам халқ мақоллари кўп ишлатилган: *“Ташландиққа тош тегмас*. Ойбека ўксиб, ўкиниб кизини катта қила берди. Мулло зоти қизнинг қулоғига азон айтиб ном ҳам қўймади”. Парчадаги *“Ташландиққа тош тегмас”* мақоли Гулноз ҳолатини акс эттиради. Бунда ташландиқ образи рамзий маънода Гулнозга нисбатан қўлланган. Чунки тирноққа зор бўлган бойга худо қиз фарзанд беради. Бироқ ношукр бой бундан хурсанд бўлиш ўрнига янада тундлашиб, қизига эътибор ҳам бермайди, ҳатто унга ном қўйишни лозим топмайди. Демак, бунда мақол эпик тасвир воситасига айланган. Ёхуд Мамаюсуфнинг Гулнозни олиб қочгани элга маълум бўлгандан кейинги воқеалар ривожиди ҳам мақол қўлланилган: *“Бойнинг кими кўп – жонқуяри кўп*. *Бой ошини бойтеват кўрибди*, дегандай бойтевати кўп. Салла олиб кел деса, каллани олиб келадиган югурдаклари кўп. *Отнинг ўлими – итнинг байрами*. Баҳона топса, байрам қиладиган гўсхўрлари кўп. Ҳадеганда йигирма чоғлик сувори бойнинг хизматида ҳозир у нозир бўлиб итлар хурган томонга қараб от қўйди”. Насрий парчадаги *“Бой ошини бойтеват кўрибди”* мақоли бойнинг ғазабга тўлган ҳолатини ифодаласа, *“Отнинг ўлими – итнинг байрами* мақоли Мамаюсуфнинг ночор ҳолатини акс эттиради. Чунки бунда от тимсоли орқали Мамаюсуфга ишора қилинади.

Т.Сулаймоннинг *“Қораялоқ”* достони саҳифаларини ҳам халқ мақоллари безаб туради. Асар қаҳрамони Шер, унинг онаси, мактаб директори нутқида турли ҳолат ва вазиятлар билан боғлиқ равишда кўплаб халқ мақоллари келтирилган. Жумладан, Шернинг онаси кели-

ни Шаҳнознинг хулқи, оёқ олишларидан норози бўлиб, шундай дейди: *-Денгиз садафсиз бўлмас, гулзор алафсиз бўлмас*. Сен ҳам таглик-жойлик одамларнинг боласисан. ...Икки куннинг бирида важсиз, сабабсиз йўлга тушиб туришинг ҳам бандага, ҳам худога эпмас. Бу – душман туриб дўст куладиган иш. *Хиноли хотин бўлгунча маъноли хотин бўл*, деган кўхналардан қолган нақл бор. Ҳадемай, бошпаноҳинг саллотликдан келиб қолар”. Шу ўринда бир мулоҳаза: Т.Сулаймон баъзан нақл ва мақол жанрларини фарқламай, уларни чалкаштириб қўллайверади. Мисол учун, “Хиноли хотин ўлгунча, маъноли хотин бўл” мақол ҳисобланади.

Ўғли Шер не-не орзу-ниятлар билан ҳарбий хизматдан қайтса, уйда Шаҳноз йўқ. Вазиятни тушунган Шер ўз хулосасини мақол орқали ифода этади: “Сулув бўлган била ёр бўла билмас. Туя бўлган билан нор бўла билмас”. Мазкур мақол Шаҳнознинг табиатини очишга хизмат қилган.

Бироқ онаси Шерга тасалли беради: “...Шаҳноз белгили жойнинг бола-си. Зоелик кўрмай ўсган. Қозонларида мой қайнайди. Келимли – кетимли. Бундай жойдан чиққан қизнинг биздайларга кўникиши қийин. Бир сенинг топганинг қайси бир камимизга бўлсин. *Бир товукқа ҳам дон керак, ҳам сув керак*. ... Ҳай, буниси майли. *Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ*. Эндиги гап бундай: *синашта шайтон нотаниши фариштадан афзал*, деб-дилар. Шаҳноздан умидингни узиб юрма”. Парчада учта халқ мақоли ишлатилган. Улар асарнинг ахлоқий мазмунини очишга хизмат қилган. Айни пайтда она характериға хос кечирувчанлик, андиша, бағрикенглик сингари фазилатларни юзага чиқарувчи бадиий воситаға айланган.

Умуман олганда, Тўра Сулаймон халқ мақолларининг зукко билимдони сифатида уларни дostonлари саҳифаларида шу даражада ўринли қўллаганки, натижада поэмаларнинг миллий руҳи ёрқин ифодаланиб, ўзига хос образлиликни вужудға келтирган. Бу эса замонавий дostonчиликда ирсоли масал санъатини янги кўринишда қўллаш, мақолнинг кўп вазифавийлигини белгилашда ижодкорға ниҳоятда қўл келган. Аслида бу шоир дostonчилигига хос муҳим хусусиятлардан бири сифатида намоён бўлади.

Тўлан Низомнинг Бобурға бағишланган “Уч сўз” дostonида мақолнинг бир неча намуналарини учратиш мумкин. Бинобарин, Бобурнинг Косоний билан суҳбати мулоҳазаларимизни тасдиқлайди:

Бобур

Шундоқ. Қолдим беватан.

Косоний

Ўғлим, булбул чамансиз,

Инсон Ватансиз ўлмас.

Лек Ватанни хор этган

Каснинг омади келмас.

Маълумки, оддий фольклоризмларнинг икки хили фарқланади¹. 1. Асл фольклоризмлар. 2. Қайта ишланган фольклоризмлар. Шундан келиб чиқиб қаралса, юқоридаги мисол қайта ишланган фольклоризмга мансублиги ойдинлашади. Чунки халқда “*Булбул чаманни севар, Одам – Ватанни*” деган мақол бор. Шоир уни айнан қўлламай, мазмунини сақлаган ҳолда шаклини бироз ўзгартириб қўллаётир. Бобурнинг ватандан айрилган вақтдаги руҳий ҳолатини ифода этиш учун бу мақол қўл келган. Асарда келтирилган Бубна ҳақидаги ривоятда, аниқроғи, она нутқида “*Ота рози – худо рози*” халқ мақоли ҳеч қандай ўзгаришсиз ишлатилган. Шунга қараб уни асл фольклоризм ҳисоблаш мумкин. У асарнинг ахлоқий моҳиятини очишга, фалсафийлигини кучайтиришга қўмак берган.

А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча достони” асарида қатор халқ мақоллари қўлланилган. Бу кўпроқ қаҳрамонлар нутқида кузатилади. Бинобарин, лирик персонаж она нутқида “Далада ўсган буғдойнинг ҳам келар ери тегирмон” мақоли қўлланган. Иморат қуриш мақсадида она юртига келган ўғилга нисбатан ишлатилган бу мақол метафорик мазмун ташийдди. У орқали она ўглини буғдойга, туғилиб ўсган қишлоғини эса тегирмонга қиёс этади.

И.Отамуроднинг “Узоқлашаётган оғриқ” поэмасида ҳам қатор халқ мақолларига мурожаат этилган. Бу жиҳатдан асардаги биринчи ва иккинчи йўловчи суҳбати мулоҳазаларимизга ойдинлик киритади. Шоир асарда маслағи, дунёқарашини, тафаккури бир-бирига тескари бўлган икки инсонни танлайди ва шулар воситасида эътиқод тушунчасига муносабат билдиради. Биринчи йўловчининг қарашлари орқали инсонийлик, яшаш мазмуни хусусидаги ўй-фикрлар юзага чиқади. Биринчи йўловчи эътиқодни муқаддас тушунча сифатида англайди:

...Адашдинг.

ЭЪТИҚОД қуруқ сўз эмас.

Пуч сўз ҳам эмас! Йўқ! У – тирик вужуд!

Рухинг томирида кезган ҳаракат,

Оллоҳи каримга имон – ЭЪТИҚОД!

¹Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1980, 4-сон. 37-45-бетлар.

Ҳамма бирдай меҳр қўйиши лозим
бўлган юксак аъмол ҳам онг – ЭЪТИҚОД.

Иккинчи йўловчи эса буни тушунишни истамайди. Шу ўринда биринчи йўловчи нутқида мақол қўлланган:

Ўз қаричи билан ўлчамши доим

Ҳар одам борлиқнинг фазлу қусурын.

Иккинчи йўловчи эса бунга эътироз билдиради:

Бўлмаса не?

Борми ягона ўлчов,

Сенинг қаричингми ё фақат тўғри?

Пайхас қилганмисан, эътибор бериб,

барг-хазон маҳали, тирамоҳ пайти

дарахтнинг барги ҳам тушади бир-бир

тепасидан бошлаб пастига довур.

Буни келтиришдан мақсад-муродим:

Ўшал барглар каби биз ҳам ожизмиз.

Эътиқодни ҳар ким ҳар хил англайди. Шоир у ҳақдаги ҳамма фикрларни умумлаштириб, ўз хулосасини баён этишга интилади.

Иккинчи йўловчи келтирган ҳаётий мисол кузги барг сингари инсон ҳам ожиз деган хулосани келтириб чиқаради. Лекин мана шу ожизликни енгган инсонгина ҳаётда тўғри йўл топа олади. Халқимизда “*Ҳар ким ўз қаричи билан ўлчайди*” деган мақол бор. Шоир мақол мазмунини сақлаган ҳолда унинг шаклини бироз ўзгартириши натижасида қайта ишланган оддий фольклоризмни вужудга келтирган. У орқали қахрамон нутқи таъсирли чиқиб, ҳаёт ҳақидаги фалсафий хулоса баён этилган.

Биринчи йўловчининг эътиқод хусусидаги мулоҳазалари фалсафийлашиб борган ва афористик моҳият касб этган: “Журъат! Ирода Идрок – Эътиқод”, “Хушомад – Имондан айлар мосуво, Қўрқув – Эътиқодни кемиргувчи қурт”, “Шайтоннинг макрига бермай мойиллик, нўхтасини унинг берк тутиб мудом, раҳмоннинг измини ихтиёр этиб сиғинган хоҳишу поклик – эътиқод”. Бинобарин, журъатли, иродали, фикрловчи кишилардагина эътиқод бўлади. Имон-эътиқод эгизак тушунчалардир. Қўрқув уларни кемирувчи қуртга ўхшайди. Халқимизда “инсоннинг бир елкасида раҳмон, бир елкасида шайтон бор” деган қараш бор. Агар инсон шайтоннинг қутқуларига учмаса, у эътиқод сари йўл тутади, яъни раҳмон измида юради. Эътиқод асосида поклик номли муқаддас тушунча ётади.

Кўринадики, Икром Отамуроднинг афористик, ҳикматомуз мисралари катида мана шундай чуқур фалсафа яширин.

Шоир қаҳрамонлари нутқида қўлланган мақоллар ҳам эътиқод тушунчасининг моҳиятини теран англашга ёрдам беради. Айни пайтда лирик қаҳрамон характерини очувчи воситага айлана боради. Биринчи йўловчи томонидан айтилган мақоллар фикрларимизни асослайди: *“Битта кўзнинг бевақт юмилиши гоҳ боис бўлмиш, ровийлар келтирганидек, юзлаб кўзнинг бирдан очилишига. Ризқ бўлган, насиба бўлган бир майиз қирқ киши тил топиб, шукр этган чоғи”*. Халқимизда *“Битта кўзнинг юмилиши юзлаб кўзнинг очилишига сабаб бўлади”*, *“Бир майизни қирқ бўлиб е”* тарзидаги мақоллар бор. Икром Отамурод уларни бадиий қайта ишлаб, ўзининг фалсафий қарашларини, руҳий-маънавий ҳаётимизнинг мазмунини очиш мақсадида фойдаланган.

Э.Шукурнинг “Баҳовуддин Нақшбанд” поэмасида Баҳовуддиннинг болалик дунёси тасвирига оид қатор лавҳалар мавжуд. Жумладан, унинг тўрт ёшидан бошлаб башорат қила бошлаши бунга мисол бўлади. Поэмада ёзилишича, Баҳовуддин тўрт ёшида сигирнинг пешонаси қашқа бузоқ туғишини айтади ва бу нарса сал ўтмай реалликка айланади. Шоир Баҳовуддиннинг болалигиданоқ зийрак ва зеҳнли бўлганлигини асослаш мақсадида “Боланинг ичида даҳо яшайди” деган ҳинд мақолини келтиради. Шоир шу йўл билан қаҳрамон характерининг шаклланишини, унда зукколик зоҳир бўлаётганлигини ишонарли ифода этади.

Демак, кўшиқ ва мақоллар поэма бадиий структурасини қуйидаги жиҳатлар билан бойитди:

– **биринчидан**, давр поэмачилигида халқ кўшиқлари оҳангида сатрлар битиш орқали образлиликнинг ёрқин ифодаланишига эришилди. Шу йўл билан шоирларимиз дostonларга халқ кўшиқларига хос мазмун ва руҳни бағишлашга, миллий ҳаётимиз манзараларини таъсирчан акс эттиришга интилганлар.

– **иккинчидан**, халқ кўшиқлари лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини ёрқин очиб беришга хизмат қилганлиги кузатилади.

– **учинчидан**, дostonлар таркибига киритилган мақоллар поэтик фикрни (мақол жанри характеридан келиб чиққан ҳолда) қисқа ва лўнда, бадиий шаклда, ифодалаш имкониятини юзага келтирди.

– **тўртинчидан**, мақоллар қаҳрамонлар нутқида, воқелик баёни жараёнида кўпроқ ишлатилиб, бош қаҳрамонлар характерини очишга, поэманинг ахлоқий-фалсафий мазмунини кучайтиришга хизмат қилди.

ХУЛОСА

XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги муайян бадий тизимни ташкил этади. Ўзбек халқ ва мумтоз адабиёт дostonчилиги, жаҳон поэмачилиги бадий-эстетик тажрибаларидан озикланган, ўзида лирик ва эпик ифодага хос жиҳатларни уйғунлаштирган давр поэмачилигининг тадрижий такомил алоҳида эътиборни тортади. Уларнинг мавзуйи ва шаклий хусусиятлари, услубий йўналишлари ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шулар асосида куйидаги хулосаларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги янгича тамойиллар асосида тараққий этди. Айниқса, давр поэмачилиги тараққий этган йўналишида фольклор жанрлари, сюжетлари, образлари ва мотивларидан фойдаланиш тажрибаси унинг бадий структурасини бойитиб, халқчиллигини ва миллий руҳини кучайтиришга хизмат қилди.

Иккинчидан, XX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётида халқ дostonлари услубида яратилган поэмалар катга ўрин тутди. Бу жиҳатдан, Т.Сулаймоннинг “Қорасоч”, “Интизор”, “Қораялоқ”, О.Ҳожиеванинг “Нажот”, О.Матжоннинг “Ҳаққуш кичкириғи”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи”, Т.Низомнинг “Уч сўз”, С.Сайиднинг “Тўполондарё билан хайрлашув” каби поэмалари алоҳида эътиборни тортади. Уларда халқ дostonларига хос эпик баён услуби етакчилик қилади. Поэма бадий қурилишида наср ва назм уйғунлиги кўзга ташланади. Шунингдек, насрий қисмида саждан фойдаланиш асосида миллий ҳаётимизнинг ёрқин манзаралари гавдалантирилган.

Учинчидан, давр ижодкорлари ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига ҳам ижодий таяниб, анъанавий мумтоз дostonчилик услубидаги поэмалар тизимини яратишга эришдилар. Жумладан, Э.Воҳидов, Ж.Камол, М.Али, О.Матжон, Г.Жўраева, А.Маҳкам, Ш.Қурбон, Э.Шукур сингари шоирлар ўзбек мумтоз дostonчилиги анъаналарини муваффақиятли давом эттириб, тасаввуфий, фалсафий, ахлоқий мазмундаги, аруз вазни ва маснавий шеър шаклидаги поэмаларни яратишга муваффақ бўлишган.

Тўртинчидан, давр поэмачилигида халқ оғзаки ижодидаги афсона, ривоят, эртак сингари эпик жанрларга мурожаат этиш орқали унинг шакл ва мазмун ранг-баранглигига эришилди. Бу жанрларга хос хусусиятлар ижодкорларга халқ дардини, ўз ижтимоий ўй-қарашларини эпик ифода фонид баён этишга имконият яратди. Бу жиҳатдан С.Зуннуова, А.Мухтор, Шукрулло,

Э.Воҳидов, А.Орипов, Т.Сулаймон, Т.Низом, М.Али, О.Матжон, О.Ҳожиёва, Х.Даврон, Қ.Раҳимбоева, Ҳ.Саъдулла, М.Раҳмон. Фахриёр, Р.Мусурмон сингари шоирларнинг ижодий изланишлари мулоҳазаларимизни тасдиқлайди. Бинобарин, уларнинг асарларида афсона, ривоят, нақл, эртақ сингари эпик жанрларга хос сюжет, мотив, образлардан фойдаланиб, халқ дилида яшириниб ётган ижтимоий дардлар таъсирчан очиб берилган. Бир сўз билан айтганда, ўзбек поэмачилигининг бу даврдаги тараққиётида фольклоризмларни қўллаш етакчи тенденцияга айланганлиги кузатилади.

Бешинчидан, давр поэмаларида халқ ривоятлари асосида шакллантирилган фольклоризмлар жанрнинг хилма-хил ички кўринишларини вужудга келтириш билан бир қаторда уларнинг тарихийлик хусусияти кучайишига туртки берди. Чунончи, Мирмуҳсиннинг “Широқ”, А.Ориповнинг “Ҳаким ва ажал”, Э.Воҳидовнинг “Рухлар исёни”, А.Суюннинг “Бешбармоқ”, М.Алининг “Бешгул”, У.Қўчқорнинг “Широқ”, Ҳ.Саъдулланинг “Дўст қадри”, Қ.Раҳимбоевнинг “Қишнинг охирлари” сингари дostonларида халқ ривоятларининг келтирилиши асосида уларнинг тарихийлик руҳи оширилган.

Олтинчидан, дostonлар бадиий структурасига халқ афсоналарининг киритилиши орқали ўтмиш воқеаларини давр воқелиги билан боғлаш, шу билан бирга уни яширин рамзий ифодалашга имконият яратилганлиги кузатилади. Жумладан, О.Матжоннинг “Ҳаққуш қичкириғи”, О.Ҳожиёванинг “Нажот”, А.Суюннинг “Бешбармоқ”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” сингари дostonлари айнан шу жиҳатлари билан давр поэмачилиги саҳифаларида ёрқин из қолдириди.

Еттинчидан, Э.Воҳидовнинг “Орзу чашмаси”, Шукруллонинг “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ”, Ҳ.Шариповнинг “Қилмиш-қидирмиш”, “Минг иккинчи кеча”, “Қалтис ўйин”, Т.Сулаймоннинг “Харсанг”, М.Раҳмоннинг “Қора қўйлак” каби асарлари эртақ-поэма бадиий тизимида яратилганки, уларда қўлланган бу жанрга хос анъанавий эпик сюжет мотивлари ва образлар давр поэмачилигининг шакл ва мазмун жиҳатдан янада тадрижий такомилга эришганлигини билдиради. Қолаверса, бунда шоирларнинг эртақ-поэма яратиш борасида тўпланган тажрибалардан ижодий таъсирланганликлари ҳамда уни ўзига хос услубий йўналишда давом эттирганликлари кузатилади. Бу жараён эса анъанавийликка ворисийлик бўлиб, адабиётимизда маънавий-руҳий жиҳатдан муштарак образларни, сюжетлараро боғлиқлик, композицион яқинликни вужудга келтирди. Жумладан, Ҳамид Олимжон, Миртемир каби шоирларнинг эртақ-поэма жанридаги анъаналари Шукрулло ва Э.Воҳидов томонидан ижодий давом эттирилди. Таҳлил ва қиёслар жараёнида “Семург ёки Паризод ва Бунёд” эртақ-поэмаси билан “Мардлик ва вафо ҳақида эртақ” асари, “Сув кизи” билан “Орзу чашмаси” поэмалари орасида ўзаро бадиий ифода йўсинида, сюжетлараро, композицион муштараклик, образлар ўхшашлиги мавжудлиги аниқланди.

Саккизинчидан, халқ қўшиқларининг дoston бадий структурасига кiritилиши лирик поэмалардаги лиризмни кучайтиришга хизмат қилди. Хусусан, Мирмуҳсиннинг “Широк”, Ҳ.Шариповнинг “Тановор”, О.Ҳожиеванинг “Нажот”, “Болалик”, “Она ер соғинчи”, “Нозик”, И.Тўлаковнинг “Сўнгги кеча”, Ш.Қурбоннинг “Темур Малик ўтган йўлларда”, Фахриёрнинг “Ёзик” дostonларида халқ қўшиқларидан парчалар айнан келтирилган. Бу парчалар лирик қахрамон рухиятида, қалбида кечадиган турли ҳолатларни, тарихий давр манзараларини, миллий колорит ва руҳни юксак бадий шаклда ифода-далашга ёрдам берганлиги кўзга ташланади. Айни жараён янада тўлишиши псэмаларда халқ қўшиқлари: алла, марсия, йиғи ва йўқлов, олқиш, қарғиш оҳангидаги сатрларнинг яратилишига ҳам ўзига хос замин яратган. Натижада тазмин характеридаги бундай мисралар лирик поэманинг янгича ўзанларда тараққий эта бошлашига йўл очди. Айниқса, Т.Низомнинг “Гиря”, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи”, Р.Файзнинг “Сўз”, Қ.Раҳимбоеванинг “Тавба”, У.Қўчқорнинг “Қувғин” дostonларидаги халқ қўшиқлари оҳангидаги сатрлар халқнинг руҳий-маънавий дунёсини акс эттириши жиҳатидан алоҳида мазмун касб этади.

Тўққизинчидан, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида мақолларни турли гоъвий-бадий мақсад йўлида қўллаш анъанаси ҳам ўзига хос тарзда давом эттирилди. Э.Воҳидов, А.Орипов, Т.Сулаймон, Т.Низом, О.Ҳожиева, И.Тўлаков, О.Матжон, М.Али, А.Суюн, М.Юсуф, И.Отамурод, Ш.Қурбон, Э.Шукур, Қ.Раҳимбоева, Р.Файз сингари шоирларнинг поэмаларида бу ҳолат ёрқин кузатилади. Бинобарин, Т.Сулаймоннинг “Қорасоч”, “Интизор”, “Ёвқочди”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт”, Т.Низомнинг “Уч сўз” каби дostonларида мақол қахрамонлар нутқини безаб, уларнинг характер-хусусиятини, дунёкарашини, рухиятини, воқеликка муносабатини, ҳис-кечинмаларини очиб беришга хизмат қилувчи психологик таҳлил воситаси сифатида қўлланган бўлса, А.Суюннинг “Иморат ёки бир томчи денгизга айланган кеча дostonи”, И.Отамуроднинг “Ёбондаги ёлғиз дарахт” дostonларида улар қахрамонлар нутқининг ахлоқий-фалсафий мазмунини кучайтиришга асос бўлган.

Шундай қилиб, XX асрнинг иккинчи ярми ўзбек поэмачилиги ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатдан бадий мукамалликка эришган яхлит поэтик тизим сифатида намоён бўлади. Ўзбек шоирлари халқ дostonларидан, мумтоз дostonчилик анъаналаридан муваффақиятли фойдаланиш асосида унинг мазмунини янгилашга ва шаклий-услубий ранг-баранглик касб этишига эришдилар. Айниқса, давр поэмачилигида фольклоризмларнинг турли типлари қўлланилиши шоирларнинг кўп йиллик шаклий-услубий изланишлари меваси сифатида поэма жанри типологиясини бойитишга самарали таъсир кўрсатди.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
I БОБ. XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ	
1-фасл. Анъанавий халқ дostonчилиги йўналишидаги поэмалар.....	9
2-фасл. Мумтоз дostonчилик йўналишидаги поэмалар.....	28
II БОБ. XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ ЎЗБЕК ПОЭМАЧИЛИГИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ФОЛЬКЛОРИЗМЛАРНИНГ ЎРНИ	
1-фасл. Дostonлар бадий тўқимасида афсона ва нақллар.....	56
2-фасл. Ривоятлар асосида қурилган дostonларнинг специфик хусусиятлари.....	78
3-фасл. Эртak-поэма жанри табиати ва унинг такомил белгилари	99
4-фасл. Поэмалар таркибида қўлланган қўшиқ ва мақолларнинг бадий вазифалари	120
ХУЛОСА.....	141

83.3 (5Ў)

Қ 71

Қувватова, Дилрабо.

XX аср иккинчи ярми ўзбек поэмачилигида жанр ва услуб ранг-баранглиги / Д.Қувватова; масъул муҳаррир Н.Раҳимжонов; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Бухоро давлат университети. –Т.: Фан, 2010. –144 б.

*Бухоро давлат университети Илмий-техник кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган*

Муҳаррир *Б.Абдулхайров*

Тех. муҳаррир *Д.Жалилов*

Компьютерда саҳифаловчи *Д.Абдуллаев*

Мусахҳих *Б.Нурмуродова*

Нашриёт лицензияси АІ №138, 27.04.2009.

Нашриёт рақами: з-124. Теришга берилди 01.11.2010.

Босишга рухсат этилди 02.12.2010. Қoғoз бичими 60x84^{1/16}. Офсет бoсма.

Офсет қoғoзи. Times гарнитураси. Нашриёт-хисoб т. 8,0.

Бoсма-шартли т. 8,37. Тиражи 500 нусхада. Келишилган нархда.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти.

100170, Тошкент, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

ЎзР ФА «Фан» нашриёти оригинал-макети асосида «Муҳаррир нашриёти» матбаа бўлимида босилди. 176-бўйртма. 100060, Тошкент, Элбек кўчаси, 8-уй.

8/11 =



Дилрабо Ҳабибовна Қувватова – 1968 йил 27 мартда Бухоро вилояти Гиждувон туманида тугилган. 1990 йилда Бухоро давлат университети ўзбек филологияси факультетини тугатган. 1997 йилда “Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари” мавзuidaги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Филология фанлари номзоди, доцент.

Ҳозирда БухДУ докторанти Д.Қувватова XX аср ўзбек поэма-чилиги тадқиқига бағишланган докторлик диссертацияси устида изланишлар олиб бормоқда. Унинг “Сирли олам мусаввири” номли монографияси, бир қатор ўқув ва ўқув-услубий қўлланмалари, 70 га яқин илмий мақолалари республика ва хориж матбуотида босилиб чиққан.

83



ISBN 978-9943-076-4



9 789943 190764